

У 15
У 29



Х.УЗОҚОВ, Э.ФОЗИЕВ, А.ТОЖИЕВ

ОИЛА ЭТИКАСИ ВА ПСИХОЛОГИЯСИ

Ҳ. УЗОҚОВ, Э. ФОЗИЕВ, А. ТОЖИЕВ

ОДОБНОМА САҲИФАЛАРИДАН

ОИЛА ЭТИКАСИ ВА ПСИХОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг
ўқув-методика Маркази умумий таълим
мактаблари, ўрта маҳсус ҳамда ҳунар-
техника билим юртлари ўқитувчилари
учун қўлланма сифатида тавсия этган.


Y 15
Y-29

Описано

Тақризчилар: руҳшунослик фанлари доктори *F. Шоумаров*, руҳшунослик фанлари номзоди *M. Расулова*, А. Авлоний номидаги ўқитувчилар малакасини ошириши ва қайта тайёрлаш Марказий олийгоҳи руҳшунослик кафедраси профессори *P. Гайнутдинов*.

Илмий муҳаррирлар:
тарих фанлари номзоди, доцент *A. O. Тұраев*,
жүргүшшунослик фанлари номзоди, доцент *A. Шукров*.

У 29



Узоқов Х. ва бошқ.

Оила этикаси ва психологияси: Үмумий таълим мактаблари, ўрта маҳсус ҳамда ҳунар-техника билим юрт. ўқитувчилари учун қўлл. / X. Узоқов, X. Э. Фозисев, А. Тожиев; Маҳсус муҳаррир Т. Мақсудов. — Т.: Ўқитувчи, 1992. — 128 б.

1.1,2 Автордош.

Узаков Х. и др. Этика и психология семейной жизни.

ББК 87.715 + 88,5

4306022200—191
у ————— бл. зак.—92
353(04)—92

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1992 й.

ISBN-645-01801-X

КИРИШ

Кейинги йилларда оила ахлоқи ва одоби фанини мактаб, ўрта маҳсус ва ҳунар-техника билим юртларида ўқитишига алоҳида эътибор берилмоқда. Хуш, бу қандай фан ўзи? Оила майший тушунча-ку! Нега ёшларга оила хусусида сабоқ бериш керак? Турмуш учун зарур бўлган тушунчаларни ҳар ким ўзи истаган манбадан истаган тарзида ўрганаверди-да! Шундай ҳам ўқув фанлари жуда кўп бўлган мактаб ва бошқа ўқув юртларига яна бир фан киритишнинг ҳожати бормиди..?— каби саволларнинг туғилиши табиий. Бундай саволларга жамиятшунослар, руҳшунослар, псдагоглар бир овоздан: «Ҳа, оила хусусида ёшларга билим бериш зарур!» деб жавоб берадилар. Бу жуда ўринли жавобдир.

Оила тор майший тушунча эмас. У ижтимоий жамоадир. Бинобарин, оила жамиятнинг бир бўлагидир. Ўз навбатида оиласлар бирлашиб жамиятни ташкил этадилар. Жамиятдаги ўзгаришлар оиласга таъсирини кўрсатганидек, оиласдаги ўзгаришлар жамиятга ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Кейинги даврда қайд этиластган никоҳларнинг бузилиш ҳоллари кўп учрамоқда, кўплаб болалар отасиз, нотўлиқ оиласларда тарбияланяптилар. Никоҳсиз туғиластган болалар ҳам анча. Бундай ҳолларда аксар оналар ўз фарзандларини болалар уйларига топшириб кетишади, айримлари эса тақдирга тан бериб, ёлғиз оналикка кўнишиб бола тарбиялашга киришишади. Бундай ҳодисаларни ижтимоий, майший жиҳатдан таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, ёшларимиз оила қуриш борасида кам нарсаларни биладилар. Бинобарин, уларнинг турмуш қуришга тайёргарлик дарражаси паст.

Оила ахлоқи ва одоби ана шу борадаги камчиликларни тугатиш, ёшларимизни турмуш қуришга тайёрлаш, оиласнинг нозик муаммолари хусусида сабоқ бериш мақсадида ўрта мактаб, ўрта маҳсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқув фанлари қаторидан ўрин олди. Бу жуда ўринлидир. Баҳти турмуш қурган ёшларнинг ижтимоий меҳнати самарали бўлади, оиласдаги ҳасти фароғатли кечади.

Ушбу ўқув фанидан дарс берувчи ўқитувчи умумий таълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларига, ўрта маҳсус ва ҳунар-техника билим юртлари талабаларига оила ҳаётининг нозик томонлари, келажакда оила қуришга тайёргарлик кўрастган

ёшларнинг ахлоқий камолотга стишиш йўллари хусусида тушунчалар беради, бу борадаги мақсадга мавзудан мавзуга ўтиб, изчиллик билан эришади.

Ёшларнинг оила қуришлари, ёш оиласларнинг илдизлари ажоддларимизнинг ибратли анъаналарига асосланиши керак. Оиласларнинг мустаҳкамлиги ахлоқий поклик, чин муҳаббат, олижаноблик, ўзаро ҳурмат, атрофдагиларга иззат-икром тушунчалари билан боғлиқ. Шу маънода янги пайдо бўлаётган ҳар бир ёш оиласларнинг асоси — йигит билан қизнинг оила қуришга нечогли тайёрлиги билан алоқадордир.

Турмуш қуришда икки ёш бўлажак ҳастларини тасаввур этиб, рўзгор юритиш, мустақил иш тува олишни онгли тарзда тўғри ҳис қила олсалар, оила сармояси келажак турмуш тарзининг асоси — порлоқ оиласларий ҳастнинг негизи эканлигини тушуна олсаларгини бундай оиласлар мустаҳкам, ҳавас қиласа арзигуллик қиёфага эга бўлиши мумкин. Улар ахлоқан мустаҳкам илдиз ҳосил этиб, халқимиз, жамиятимиз учун тўла-тўқис хизмат қила олади.

Тасаввур қилинг, қишлоқда ёки шаҳарда бир ёш оиласларнинг бузилиб кетиши ўша срдаги ҳокимиёт вакиллари, маҳаллий идора ходимлари, энг муҳими, жамоатчиликни ташвишга солади, қариндош-уругларни рӯҳан азоблайди. Агар фарзандлари бўлса, тирик стим қолиб, ота ёҳуд онанинг меҳрига бир умр зору гирён бўлиб яшайди.

«Оила этикаси ва психологиясиги» фанининг мақсад ва вазифаларини тушунтиришда ўқитувчи суҳбатга яқун ясаб, оила бузилиши ва унинг оқибатларини очиб берувчи айрим манбалардан мисол сифатида фойдаланган ҳолда, ундан чиқсанғояни — ушбу фанининг ўқитилишидан кўзланган мақсад — оиласларни мустаҳкамлаш, ёшларни барқарор оила тузишга тайёрлашдир, деб яна бир бор таъкидлайди.

Мазкур фанни ўқитишида қуйидаги турмуш муаммоларини ҳал этиш кўзда тутилади:

— ёш оиласлар барқарорлигини таъминлашда ота-она ибратининг фойда келтиришига доир далилларни шарҳлаш;

— оиласла ахлоқий тарбия билан мактаб тарбияси муштараклигини очиб беришга оид материалларни таҳлил этиш;

— оиласларнинг ижтимоий заруриятдан келиб чиққанлигини тарихий ҳақиқат сифатида изоҳлаш тушунтириш;

— қариндош-уругчиллик, оила аъзолари номлари ва уларнинг аталишида сўз ва бирикмаларни изоҳлаш;

— шахс, жамият тушунчаларининг мазмунини очиб бериш;

— ахлоқий ва психологик тушунчаларни халқ оғзаки ижоди манбаларидан фойдаланиб сингдириш;

— Ўрта Осиё мутафаккирларининг ахлоқ, одоб ва оиласларий ҳаёт хусусидаги дидактик қарашларини шарҳлаш бериш;

— ўспириналар этикаси ва психологиясининг оиласларий ҳаёт камолотидаги ўзига хос томонларини кўрсатиш;

— ўғил-қизларни таълим жарағнанда оила қуришга тайёрлаб боришнинг ахлоқий асосларини таркиб топтириш;

— бўлгуси күёв ва келиннинг инсоний бурчларини атрофлича тавсифлаш;

— севишганларнинг хулқ-одоб маданиятидаги поклик, чин ва-фо никоҳнинг бузилмас негизи эканлигини аниқ далиллар билан исботлаш;

— оиласи ҳастда иффат, урф-одат, анъана, миллий онг ва миллий тил каби ижтимоий тушунчаларнинг моҳиятини таҳлил этиш асосида ёш оиласарга ибратли турмуш ахлоқи ва маданиятини ҳосил этиш ва бошқалар.

Оила одоби ва ахлоқи ҳақида мулоҳаза юритилаётганда энг долзарб, энг нозик ва энг қизиқарли муаммоларни далиллар билан таҳлил қилиш ўқитувчининг диққат-эътиборида бўлмоғи лозим. Бу нарса ўқувчининг айтилган фикр ва масалага тўла ишонч ҳосил қилишини таъминлади.

Маълумки, мамлакатимизда ҳар бир оиласи, айниқса, эндигина қарор топаётган ёш оиласар илдизини мустаҳкамлаш — уларни ахлоқан, руҳан ва ҳуқуқан камол топтириш ва шу асосда жамиятимиз қурувчиларини тарбиялаш эзгу вазифадир.

Ўрганилаётган ушбу фаннинг вазифаси юқоридаги шарҳланаётган фикрларга асосланиб, ёш оиласарга, айниқса, оила қуриш арафасида турган балогат ёшидагиларга тўғри йўналишлар ва ахлоқий ғалабалар беришдан иборатdir.

Шунингдек, никоҳга тайёрланаётган ёшларга авлодлар давомийлигининг муқаррарлиги, даврни тўғри англаш ҳиссини сингдириш зарур.

Жамият тараққистида янги-янги авлодларнинг пайдо бўлиши — оила қуриш ижтимоий-табиий зарурат эканлигини, оила қуриш ҳақидаги тушунчаларга баркамоллик руҳини олиб кириш, оила маънавияти ва руҳиятини сингдириш ўқитувчининг энг зарур вазифаларидан ҳисобланади.

Ўқитувчи оила ахлоқи ва одоби масалаларини мавзулар бўйича таҳлил этаётганда ҳар бир мавзунинг мантиқий йўналишини белгилаб олиши ҳамда ўша мавзунинг гоявий-тарбиявий йўналишини ўқувчиларга ҳастий ва амалий далиллар асосида тушунириб бериши лозим. Шундай қилинганда, ўқувчига тушунтирилмоқчи ва етказилмоқчи бўлинган мақсад оидинлашади; бу билан ҳалқ педагогикаси ҳамда оила тарбиясида муштараклик ҳосил бўлади. Бу нарса ёшларни намунали оила ибрати асосида тарбиялаш, яни яхши анъаналар билан ёмон одатларни, иллатларни бир-биридан фарқловчи, оиласи ҳастда зийраклик хислатларини ўзида мужассамлантирадиган шахсни таркиб топтиришда яхши натижалар беради.

Ўқитувчи оиласининг барқарорлиги ёки бузилиш сабаблари тўгрисидаги далилларни таҳлил этаётганида масаланинг ижтимоий, ҳуқуқий ва ахлоқий муаммоларига эътиборни қаратиши ло-

зим. Бунда фактни ўқувчи онгига етказиши учун уни тұлалигича, таъсирчан усулда шархлаб бериши, сұнгра ундан оқилона қарорға келиб, ҳукм ва холоса чиқарици ксрак бўлади. Бу ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатларга нисбатан ўз муносабатини билдиришни ўқувчилик ҳукмига ҳавола этиш ҳам ўринлидир.

Курснинг мазмуни ва мақсадини тушунтираётганда муайян далилларни донишмандларнинг фикрларидан фойдаланиб шархлаш суҳбатга мазмундорлик, жозиба баҳш этади. Барча мавзулар мазмунини очаётганда бунга амал қилиш, щубҳасиз, дарс самарадорлигини оширади. Хусусан, дастлабки мавзуни ўрганишда ўзбек халқининг қуйидаги ҳикматлари асосида қисқа баҳс-суҳбат ўтказиши мумкин:

Феъли кенг кишининг күнгли қаримас,
Болалик уйдан баҳт, шодлик аrimас.

* * *

Айтчи дүстим, ҳаёт қандай бўларди,
Қизлар туғилмаса, она бўлмаса?!
Ўзинг ҳам дунёга қайдан көлардинг,
Онаг сени туғиб, қувнаб кулмаса?

* * *

Давлатинг — ўғил-қизинг.

* * *

Ота-онанинг фарзандга меҳр-муҳаббати ҳамма
нарасдан ҳам қимматроқдир.

* * *

Ёш авлод ҳастиининг кўп қисми оиласида ўтади. Шу боисдан бола турмушнинг мураккаб томонлари билан худди шу ота-она масканда танишади. Шунинг учун ҳам оила жамиятнинг бошлангич ячсийкаси сифатида болаларнинг ахлоқи, юриш-туриши, хатти-ҳаракати, эътиқод ва дунёқарашига тарбиявий таъсир кўрсатиши ҳамда уларни турмуш қуришга тайёрлаб бориши лозим. Оиладаги мавжуд анъаналар, урф-одатлар, расм-руsumлар ва маросимларнинг ижобий таъсирида йигит ва қизлар аста-сескин камол топиб борадилар. Ҳозирги замон ўзбек оиласидаги анъаналар ва турли маросимларнинг ижобий таъсири кучли булиб, халқимизнинг узоқ ўтмишдаги ахлоқий хислатларини ифодаловчи мсҳмондўстлик, инсонпарварлик, хушфесълик, илтифотлилик, болажонлик, уй ва ҳовлини озода сақлаш, бое-роғлар барпо этиш, халқ сайиллари ва мавсумий байрамларини биргаликда ўтказишида ўз ифодасини топади.

Ўзбек оиласида фарзандларнинг туғилиши оила аъзолари, ота-она, қавм-қариндош, ошна-оғайнилар, қуда-андалар учун жуда катта қувончли воқса, тантана ҳисобланади. Шу сабабли доно

халқымиз фарзанд хоҳ ўғил ва хоҳ қиз бола бўлсин, барибир ҳаётимизнинг гули, умринг қувончи, белнинг қуввати, келажак умидимиз деб янги месҳмонни ўта ёзозлайдилар. Унга бағишланган биринчи маросим — бу чақалоққа гўзал ва чиройли исм қўйишдир. Навбатдаги инсон зотини улуғлаш уни бешикка солиш, бешик тўйидир. Мазкур маросимларда бевосита иштирок этган ўспирин ўғил-қизлар ўзларини аста-секин ижтимоий ҳаётга ва оиласий турмушга тайёрлаб борадилар.

Оиладаги илгор анъаналар, маросимлар тарбиянинг қудратли қуроли ҳисобланади. Шунинг учун оиласининг мустаҳкамлигӣ, барқарорлиги, унинг аъзоларининг аҳил ва тотув яшашларида миллий руҳни ўзида ифодаловчи анъана ва маросимларнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Турмуш тажрибасининг кўрсатишича фарзанд, яъни ўғил-қиз шахсига тааллуқли маросимлар уларнинг камолатига катта таъсири этади.

Замонавий тарбия моҳиятини сингдириш жараёнида хоҳ оила-да, хоҳ мактабда бўлсин турли ёшдаги ўқувчиларни катталарнинг оқилона маслаҳатларига қулоқ солишга, уларнинг бой турмуш тажрибаларини изчил ва синчковлик билан ўзлаштиришга, билим ва малакаларидан сабоқ олишга ўргатилади.

Кўп асрлик синовларга бардош берган халқ педагогикаси дурданаларига суюниб, ҳаёт ва турмуш муаммоларини ҳал қилишда, бирон-бир хайрли катта ишни (канал қазиш, ариқ тозалаш, иморат қуриш, яшаш жойини ўзгартириш, янги ўйга кучириб ўтиш, ҳовли тўйи ўтказиш кабиларни) бошлишда, шунингдек, турмуш қуриш, тўй қилиш, маросим кунини белгилаш вақтида доно бувилар, мўйсафиб бувалар маслаҳатидан оқилона фойдаланиш ва амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шу нарсани эслатиб ўтиш керакки, катталар сўзига қулоқ со-лиш, уларнинг измидан бориш мутлақо итоатгўйликка, тобеликка айланиб кетмаслиги лозим. Турмуш чорраҳаларида шундай ҳодисаларни учратиш мумкинки, андишалик оқибатида инсон журъатсизлик домига дучор бўлади. Шу боисдан катталарнинг қолоқ удумларига, салбий ётиқод ва қарашларига кўр-кўронा итоат қилиб, виждон амрига қарама-қарши йўл тутиш мутлақо нотўғридир.

Ўспирин йигит ва қизларни турмуш қуришга тайёрлашда уларнинг маънавияти ва руҳияти хусусиятларини изчиллик билан ўрганиш, ривожланиш ва камол топиш қонуниятлари билан яқиндан танишиш, ахлоқ-одоб қонун-қоидаларини эгаллаш имкониятлари, муайян ҳаётий муаммонинг этнопсихологик моҳиятини англаш шарт-шароитлари тўгрисида кенғ кўламдаги маълумотлар бериш айни муддаодир.

Ёшларни турмуш қуришга муваффақиятли тайёрлашни кўзлаб иш тутиш учун ўспирин йигит ва қизларнинг жинсий тарбиясини тўғри йўлга қўйиш, оиласий турмушнинг қувончлари, ташвишлари, таҳликалари юзасидан муайян даражада маълумот бериш;

уларга бардошли ва матонатли бўлиш ҳамда қийинчиликларни мардонавор сенгиш йўлларини тушунтириш мақсадга мувофиқдир. Бу билан уларда оиласвий турмуш заҳматлари тўғрисида тасаввур ҳосил қиласмиш, янги шароитга кўникиш ҳиссиини таркиб топтирамиз, шуинигдек, турмушдаги зиддиятлар, қарама-қаршиликлар, келишмовчиликлар ва бошқа муаммоли ҳолатларни ҳал этишга ўргатиш билан ёшларни оила қуришга пухта тайёрлаш усулини қўллаймиз. Оила ахлоқи, одоби ўқув фанининг вазифалари ана шундай эзгу мақсадга қаратилгандир.

Биринчи бўлим
ШАХС ВА ЖАМИЯТ

Шахс ва жамият тушунчалари ҳақида батафсилоқ фикр юритиш учун, даставвал, шахс тушунчасининг англатган маъноси ва қўлланиш кўлами хусусида маълумотга эга бўлмоқ лозим. Чунки, оиланинг ахлоқ-одоби ана шу тушунчалар билан мудом боғлиқдир.

Маълум бир жамоа ёки ижтимоий тузум фарзанди сифатида ўзида муҳим хусусият, белгилар тизимини мужассамлаштирган индивид — шахсdir. Одамнинг пайдо бўлиши — шахснинг пайдо бўлишининг қуий босқичи.

Жамият тараққисти шахснинг камол топишини таъминлайди. Шахснинг характеристи, темпераменти, қобилияти руҳий жараёниларни бошидан кечирганда, меҳнат фаолиятида, турмушда ўзини намоси этади. Демак, шахс ўз ҳаётида юз берадиган ўзгаришларнинг, ижтимоий тарбия жараёнининг натижаси ўлароқ юзага келади. Шунга кўра, шахснинг жамиятда тутган ўрни, инсоннинг камолот динамикаси ўрганилади. Шунинг учун ҳам инсоннинг ижтимоий моҳиятини, унинг жамият билан бўладиган муносабатларини эътиборга олиб, шахс тушунчасини ишлатамиз.

«Жамият» сўзи «йигмоқ», «тўпламоқ», «уюшмоқ» маъноларини англатади. Жамият тушунчаси фалсафий нуқтаи назардан табиат ривожланишининг маълум босқичида юзага келган ижтимоий муносабатларнинг мажмуасини, кишиларнинг бир бутун уюшмасини англатади. Шунга кўра, жамият ва унинг аъзоси бўлган инсонни ўз бағрига олган ижтимоий муҳит шахснинг вояга стишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Жамият ҳаётининг жадаллашуви ва тўлақонли, атрофлича ўсиш даражалари, ўзи яшаб турган ижтимоий тузумга, жамият аъзолари ижодий ташаббус ва қобилияtlарининг ўсиш кўламига, уларнинг турмушда қандай қўлланишига, ижтимоий-иқтисодий қувватига, ахлоқий фазилатларига, оилалардаги турмуш тарзига боғлиқ.

Жамият кишиларнинг, шахслар уюшмаларининг бирлашуви, йигинидисидан ташкил топган экан, бу — табиий ҳол. Шахс — инсон бўлмаса бир бутун жамиятнинг қарор топиши мумкин эмас. Жамият ўз моҳияти ва мазмунига кўра инсоният тараққистининг ҳар хил босқичларида турлича бўлиб келди: қабилачилик, уруғчилик ва элатчилик, қулдорлик, феодализм, капиталистик ва социалистик жамиятларининг ҳар бирининг алоҳида, ўзига хос хусусияти, қонунияти ва мазмуни «шахс — жамият» муносабатида ўзаро таъсир қилувчи система сифатида майдонга чиққан.

Инсоннинг интим фаолияти унинг шахсий ишидир. Бу хусу-
сиятлар «шахс» тушунчасининг тор маъносини англатади. Бироқ
инсоннинг китоб ўқиши, мустақил ҳунар эгаллаши, турмуш қури-
ши, бола тарбиялаши каби интим ишлари ҳам ижтимоий характер
касб этади. Шахснинг ижтимоий фаолияти билан хусусий ҳаёти
шу туфайли чамбарчас боғлиқдир. Бинобарин, шахс, оила ва жа-
мият ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммоларини счиш учун,
даставвал, жамиятнинг туб негизини ўзгартириш, ҳаёт шароитла-
рини қайта қуриш; шахснинг фикрий йўналишини, идрок қилиш
қобилиятини такомиллаштириш керак.

Жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тараққисти
шахснинг ҳар томонлама камол топиши билан ўзаро боғлиқлиги
туфайли кишилар фаровонлиги жамият тараққистининг асосий
омили ҳисобланади. Шахс билан жамият ўртасидаги муносабат-
ларни илмий ва амалий ҳал қилишда ҳозирги шароитда мамла-
катимизда юз берадиган демократик тарздаги ўзгаришлар, хусусан,
ошкоралик муҳим роль ўйинайди.

Шахс улгайиб, вояга стиб, жамиятга манфаати тегадиган
бўлган шароитда унинг оиласи ҳаётида ҳам салмоқли из қолди-
ради. Шу жиҳатдан жамият шахс учун тарбиячи ҳамдир. Бунга
мисол ўрнида қўйидаги лавҳани келтириш мумкин:

Бундан бир исча ўн йил муқаддам ўрмон четида адашиб қолган
уч нафар болани айиқлар ўрмонга олиб кетадилар. Болалар
айиқлар билан бирга яшашади. Вақт ўтиши билан улар икки
оёқлаб юрсалар-да, югуришни, сакрашни, озиқ-овқат топиб сийиш-
ни, табиат ҳодисаларидан сақланишни, айиқларга ўхшаб
ўкиришни табиий ҳолда ўрганадилар. Бироқ улар кейинчалик тўрт
оёқлаб юрсалар-да, кишилик жамиятидан ташқарида ҳайвонлар
орасида яшаганликлари учун, сўзлаш қобилиятини йўқотишиди.
Бундан кўринадики, агар инсон кишилик жамиятида яшамас экан,
у кенг маънодаги шахс бўла олмайди.

Яна бир мисол шарҳига эътиборни қаратайлик:

Узоқ Шарқда яшовчи Н. исмли корсайс аёли ўғлини тугруқҳо-
нада қолдириб, унга оналик қилмаслик ҳақида врачларга тилхат
беради. Шу вақтда у срда тиббий практика ўтказаётган Ҳафиза
болага оналик қилишни ўз зиммасига олади ҳамда уни ўзи билан
Фарғонага олиб кетади. Болага Холмат деган исм қўйишади. Хол-
матга асосий тарбиячи Ҳафиззанинг онаси Хожида хола бўлади. У
болани Ҳафиззанинг икки яшарли ўғли Нормат билан бирга тар-
биялайди.

Орадан йиллар ўтади. Ўзбек удумлари, эскича анъана ва урф-
одатларини яхши тушунадиган, унга амал қиладиган, Ҳусниддин
ота билан Хожида холалар оиласида тарбия кўраётган Холмат
беш ёшга тўлганда корсайсча эмас, балки бувижон, дадажон,
аяжон каби ўзбекча сўзларни Андижон шевасида сўзлайдиган
бўлади. Оиласининг — ўзбек оиласининг сиру асроридан сўзловчи
психологик ҳолатлар: ака-ука, ота-она ва катталарга биринчи

бўлиб қўлни кўксига қўйиб «Ассалому алайкум» деган одатий жумласини ўрганиди. Катталарга тегишли ҳаракатларга ҳурматни ифода этувчи «-лар» қўшимчасини қўшиб гапира бошлайди ҳамда «Сиз» деб мурожаат қилишга одатланади. Хуллас, асли корейс миллатига мансуб Ҳолматининг характеристири ва руҳий ҳолатида ўзбек оиласининг бутун бошлиқ ҳаст тарзининг энг муҳим томонлари қарор топади. У жамият аъзоларининг ўзбекча оилавий ҳасти ва руҳий ҳолатида тарбияланади. Ҳолмат ўзбек қизи Ҳалимага уйланди. Улар баҳтли ҳаст кечиришмоқда.

Ана шу тариқа ўқитувчи оила, шахс ва жамиятининг этник асосларига тўхталади. Бинобарин, демократик тузум шароитида оиласининг ижтиёдий имкониятлари нималардан иборатлиги ва бу имкониятларниң никоҳ-оила муносабатларини мустаҳкамлаш билан боғлиқлигининг аниқ сабабларни очиб берилади. Бунда ўзбек ҳалқининг шахс билан жамият бирлиги ҳақидаги: «Элга қўшилсанг, эл бўласан, элдан чиқсанг, ср бўласан», «Эр йигит — эл ғамида», «Диндан чиқсанг ҳам элдан чиқма» каби мақолларидан фойдаланиш ўринилиди.

Шахснинг ахлоқ ва одоб сифатлари қабилачилик, уруғчилик даврларидан бошлаб турли мазмунда талқин этилади. Ҳар бир тузумнинг ўз ахлоқ-одоби ўша тузум-жамият аъзоларининг ҳаст тарзи билан ўлчанади. Масалан, қабилачилик шароитидаги оилавий ахлоқ ва одоб билан қулдорлик жамияти оила ахлоқини қисслагаңда бу формацияларниң ўзига хосликларини кўрамиз.

Аввало, шахснинг ахлоқ-одоб муаммоларининг ёритилиши жамият тарихида дастлаб қандай бошланган, деган саволни ойдинлаштириб ўтайлик. Ушбу масалани ойдинлаштиришда ҳалқ оғзаки (фольклор) ёдғорликлари: афсоналар, эртаклар, достонлар, қаҳрамонлик эпослари, қўшиқлар ва термалар жуда қўл келади. Аждодларимизнинг фольклор мулки жамиядаги қарор топган урф-одатлар, удумлар, аиъналар, маросимлар, турмуш тарзлари, муомаладаги ахлоқ кўринишларини ўзида ифодалайди.

Маълумки, ёзма нутқ жамият аъзоларининг анча ксийнги даврлардаги тафаккури маҳсулси сифатида юзага келган, яъни ёзувнинг пайдо бўлиши билан шаклланган. Оғзаки нутқ эса, тилиниң пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган бутун бошлиқ жамият тарихини ўз ичига қамраб олади. Ҳалқнинг тафаккур тарихида фикрлаш билан тил биргаликда майдонга келади.

Шу ўринда ўқитувчи жамият аъзолари — кишилик жамиятининг асосий ва ягона қуроли бўлган тил,униң келиб чиқиши ва тарқалиши, кишилар нега турли тилда сўзлашишларининг сабаблари ҳақида қисқа тўхталиб ўтиши ўринлиди.

Умуман, ср юзида тилнинг қачон пайдо бўлганилиги ҳақида аниқ фикрларни айтиш қийин. Бироқ шундай бўлса-да, тарих, этнография, археология, руҳият, физиология, антропология каби фанлар далилларига таяниб, бაъзи бир хулосаларга келиш мумкин. Ҳар хил нутқ товушларининг қўшилувидан сўзлариниг бир-

бирлари билан грамматик алоқага кириши асосида гаплар ҳосил бўлганлиги, улар хоҳиш, мақсадни ифода этганиниги кишилик жамиятининг илк даврларида одамларни жуда қизиқтирган.

Тилнинг қандай пайдо бўлганлиги тўғрисида қатор қарашлар вужудга келган. Чунончи, атрофдаги нарсаларнинг чиқарган овозига ўхшатиб овоз чиқариш асосида тил пайдо бўлган; тил кишиларнинг бенхтиёр қичқириб юборишлари натижасида вужудга келган деб қаровчилар ҳам бор.

Тилнинг келиб чиқиши ҳақидаги назария вакилларидан яна бир гуруҳи ибтидоий кишилар бир-бирлари билан имо-ишора орқали фикр юритганлар (немис олими Вундт, рус олими Н. Я. Маррлар), кишилар меҳнат қилишни ўргангунча, улар меҳнат қуролларини яратгунча товуш тили бўлмасдан «имо-ишора» тили бўлган, кишилар миллионлаб йиллар давомида шу тил орқали алоқа қилишган, деган гояни олға сурадилар.

Ижтимоий меҳнат натижасида, ниҳоят, зарурий эҳтиёж талаби билан яратилган тил ва тафаккур бир вақтнинг ўзида пайдо бўлган.

Демак, тил ижтимоий зарурият ислезида пайдо бўлган, яъни эҳтиёж туғилиб фикр, онг ишлатиб тошдан ов қуроли ясалган экан, унга ном қўйиш ҳам бир вақтнинг ўзида эҳтиёждан келиб чиққан.

Тил тараққиёти жамият тараққиёти билан узвий боғланган. Кишилик жамияти тарихи шунин кўрсатадики, жамият аъзолари ўртасида дастлаб қабила тили, кейинчалик айрим миллат тили юзага келган. Янги қабилалар ўртасидаги ўзаро алоқа ва муносабатлар старли бўлмагач, уларнинг бўлиниш жараёни ойдинлаша борди. Оқибатда бир қабиладан ажралиб чиққан кўплаб қабила тиллари — диалектларининг ўзаро фарқлари тобора кучайиб бирбиридан узоқлашиб кетади ҳамда бир ойлана мансуб бўлган янги тиллар вужудга келади.

Шундай қилиб, кишилар орасида энг муҳим алоқа қилиш, фикр алмашув қуроли бўлган тил элатлар, миллатлар орасида кенг тармоқ отди. Бир тилни ўрганган — бир одам, икки тилни ўрганган — икки одам, дейшилади донишмандлар. Одам бошқа тилни ўрганиш учун аввал ўз она тилини пухта ўрганиши керак.

Тилнинг, нутқнинг ривожланиши ҳалқлараро, хусусан, шахслараро муомала-муносабатнинг мураккаблашувига олиб келди. Бир хил тилда сўзлашувчи кишиларнинг таълим-тарбия олишида, ўз шахсий камолотлари учун курашишда нутқнинг аҳамияти бениҳоя катта. Нутқ шахс характеристининг шаклланишида, маънавий камолотга эришувида муҳим воситадир. Ёзма нутқ кенг тарқалмаган даврда инсон ота-она, кекса авлоднинг оғзаки нутқи ёрдамида тарбияланган.

Тарихий-маданий манбаларда жамоа орасида юрадиган доно ўйтлар, ҳикматлар билан бир қаторда, шахснинг характеристига, тақдирига, оиласига салбий таъсир этдиган гап-сўзлар, мишиш-

лар ҳам учрайди, Үқитувчи шу ўринда ўқувчилардан бирига қўйидаги ҳикоятни ўқишини таклиф қиласди:

«Шаҳарда қолип ясайдиган бир уста пайдо бўлибди. У ҳаммадан чиройли, бежирим ва сифатли қолип ясар экан. Қандайдир бир бемашни одам унга рашк ва ҳасад кўзи билан қарабди. Унинг бунчалик моҳир уста эканлигининг сирини билишга интилиб, бир айгоқчи кампирни устанинг уйига йўллади. Устанинг жуда гўзал, ширинахан, хушмуомала рафиқаси борлингини билибди ва унинг ўз рафиқасини жон-дилидан севганлигини ҳам сезибди, сўнгра қандай йўл билан бўлмасин рафиқасини эрига қарши қўйиш учун йўл излабди. Кунлардан бир куни уста уйига қайтса, умр йўлдошининг одатдаги очиқ, қувноқ чеҳраси ҳамда мсҳрибонлиги йўқ. Аксинча, қош-қовоғи солинган ҳолда устани қарши олибди. Уста паришон ҳолда ўз дўконига кириб қолип ясашга киришибди, унинг тешаси бсҳосдан тошга тсгибди ва синибди. Бу теша унга отасидан мерос қолган экан. Шу кундан бошлаб, уста ишининг ривожи ҳам, сифати ҳам бўлмабди. (Р. Усмонов, «Дилнома», Т., «Ўқитувчи»— 1981 61—62-бетлар).

Ҳикоят ўқиб бўлингач, ўқитувчи: «Хўш, нима учун устанинг хотини эрини совуқ кутиб олди? Нега устанинг ишдан омади юришмай қолди?»— деган саволларни ўртага ташлайди.

Ўқувчиларнинг фикрини эшитгач: «Ҳасадгўй киши айгоқчи кампир орқали туҳмат гапларни ташиб, уста билан хотинининг орасига совуқлик туширган. Оқибатда устанинг иши ҳам юришмай қолган, деб таъкидлайди ва донишмандлар: «Яхши-ёмон ганинг чин-ёлғонлигини пухта аниқлаб олмагунча шошманг, акс ҳолда пушаймонлик ширин турмушингизга заҳар солади»,— деб бежиз айтишмаганини қайд этиб, сұхбатни якунлайди.

Оила — ижтимоий зарурат. Маълумки, табиатдаги бутун мавжудот, тирик организм борки, барчасининг жуфтликда яшаши ҳаёттый қонуниятдир. Шундай экан, инсоният табиат мавжудоти сифатида киши — шахс тариқасида ажralиб чиқишига қадар ҳам шундай табиий заруратга эҳтиёж сезган.

Ибтидоий замонлар жинсий жиҳатдан тартибсиз яшаш даври эди. Қадим замонларда бир никоҳликдан ташқари, Шарқда кўп хотинилик, Ҳиндистон ва Тибетда эса кўп эрлилик одат тусига кириб қолганлиги эркак билан асл ўргасидаги бефарқлик шакли сифатида намосн бўларди.

Шу ўринда ўқитувчи оилаларнинг келиб чиқиши тарихи ҳақида батафсил маълумот олиш учун Ф. Энгельснинг машҳур «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» асарига муаржаат этиши айни мудда бўлар эди.

Гарбда оила тарихини ўрганиш 1861 йилдан, яъни Бахофеннинг «Оналик ҳуқуқи» деган асари чиққан вақтдан бошланади. Муаллиф бу асарида оилалар тарихини таҳлил этишига ҳаракат қиласди: кишилик жамиятининг дастлабки даврларида оила муносабатлари тартибга тушмаганди. Бу эса отанинг ким эканлигини аниқ би-

лишга сира имкон бермасди, шунинг учун насл-насабини фақат хотин томондан қараб, оналик ҳуқуқига биноан белгилаш мумкин эди. Тадқиқотчи шунга кўра ўз асарини «Оналик ҳуқуқи» деб атаган. Китобда ёзилишича, хотинлар зурриёднинг давомчиси сифатида жуда катта эътибор қозонганлар ва иззат-ҳурмат қилинганлар. Бахоғенниң фикрича, хотинлар бундай катта эътибор қозонишлари орқасида ҳатто тўла ҳукмронлик даражасига стишганлар.

Оила ва унинг келиб чиқиши, оиласининг тузилишидаги шартшароитлар, никоҳ шакллари ҳақидаги таълимотнинг пайдо бўлишига, айниқса, бу соҳада Ф. Энгельснинг Мак-Леннанинг саёз қарашлари-ю (Қадимги тарих очерклари, 1886.—«Ибтидой никоҳ», Морганнинг фактларга ҳамда илмий фаразларга бой (Иисон оиласининг қариндошлиқ ва қудачилик системалари, 1871; Қадимги жамият, 1877) қарашларини таҳлил этиши алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Ф. Энгельс оила ва никоҳ тўғрисида фикр юритар экан, у Мак-Леннан томонидан ўргатга ташланган «уч хил никоҳ формаси: кўп хотинлилик, кўп эрлилик ва бир никоҳлилик» масаласини шарҳлади. Шу ўринда Морган никоҳ масаласига жиддий сидошиб, бу ҳақда анча аниқ ва янги материаллар билан чиққаплигини кўрсатади.

Қон-қардошлиқ ва қон аралашуви тушунчаларини таҳлил қилганда Ф. Энгельс, Морган «қариндошлиқ системалариға асосланиб, уларга мос келадиган оила шаклларини тиклади ва, шундай қилиб, тадқиқот учун янги йўл очди ҳамда инсониятнинг тарихдан олдинги ҳастини янада чуқурроқ ўрганиш учун имконият вужудга келтирди», дейди.

Шундай никоҳ ҳукм сурган давр ҳам бўлганки, қабила она томондан қон-қардош бўлган бир қанча гуруҳларга, уруғларга бўлиниб, улар ичida никоҳ мутлақо ман этилган; шунга кўра, бу уруғларга мансуб бўлган эркаклар гарчи қабила ичидан хотин олишлари мумкин бўлса-да, бироқ хотинни ўз уруғидан бошқа уруғдан олишлари лозим бўлган эди.

Никоҳдаги бундай шакллар ривожи оиласи фаол асосга кўчириди. «Оила,— дейди Морган,— фаол асосдир. У ҳеч вақт ўзгармасдан қолмайди, балки жамият қуий босқичдан юқори босқич томон ривожлана борган сари қуий шаклдан юқори шаклга ўта боради. Аксинча қариндошлиқ системалари пассивдир; улар узоқ-узоқ вақтлардан кейинги шу давр ичida оиласида юз берган жараённи қайд қиласи ва оила кескин равишда ўзгаргандан сўнг улар ҳам кескин равишда ўзгаради».

Морганнинг мазкур фаразига қўшимча қилиб, К. Маркс ушбу фикрни айтади: «Худди шунингдек, умуман сиёсий, юридик, диний, философик системаларда ҳам шундай бўлади»¹. Бундан

¹ «Маркс ва Энгельс архиви», IX том, 21-бет.

кўринадики, оила ривожланишда давом этган бир вақтда қариндошлиқ системаси қотиб қолади ва бу система, одат бўлиб қолганилиги туфайли, яшашни давом эттириб турганда оила ўсиб унинг доирасидан чиқиб кетади, деган фалсафий фикр Ф. Энгельс томонидан ўртага ташланади.

Ибтидой ҳолатда тартибсиз яшаш ҳукм сурган даврларда оилалар қон-қардош оила, пуналуал оила, жуфт оила, моногам оила шакллари анча ривожланиб чиқа бошлаганини изоҳлаб бериш лозим.

Бунда қон-қардош оила — оиланинг биринчи босқичи бўлиб, у ўзида никоҳнинг қуидаги гуруҳларини бўғинларга ажратади: оила чегарасидаги барча бува ва бувилар, уларнинг фарзандлари, яъни ота ва оналар бир-бирларига қариндош бўлганлиги; шунингдек, кейингиларнинг болалари учинчи бўғинга тегишли умумий эр-хотинларни, буларнинг болалари, яъни биринчиларнинг эваралари тўртинчи бўғинга мансуб эр-хотинларни ташкил қилганлигини акс эттиради.

Оиланинг ушбу шакли ҳокимлик қилган даврда фақат аждодлар билан авлодлар, ота-оналар билан болалар ўртасида эр-хотинлик ҳуқуқи ва мажбуриятлари бўлмаслиги изоҳлаб берилади. Холавачча, тоғавачча, аммавачча, амакиваччаларнинг ўзаро никоҳига йўл қўйилган. Қон-қардош оила оиланинг дастлабки даври бўлиб, бу нарса аллақачонлар мутлақо йўқ бўлиб кестганлигини ўқитувчи ишёнарли ҳис эттириши лозим.

Шу ўринда ўқитувчи пуналуал оила хусусида гапириб, унда қон-қардош оила хусусиятларига бутунлай чек қўйилишини айтади.

Жуфт оила шакли хусусида ҳам аниқ маълумотга эга бўлмоқ керак. Уюшган никоҳ шароитида баъзи эркаклар билан аёллар узоқ вақтлар жуфт-жуфт бўлиб яшаганлар. Эркакнинг кўп хотинлари орасидаги «севиклиси» бош хотин ҳисобланган; бу эркак бошқа эрлар орасида, мазкур хотиннинг бош эри бўлган; жуфт оила уюшган никоҳларни сиқиб чиқарган, бу босқичда эркак бир хотин билан яшаган, бироқ кўп хотинлик эркакнинг ўз ҳуқуқи бўлиб қолган, бу нарса кўпроқ иқтисодий сабабларга кўра аёл кишининг қарамлигидан келиб чиққан.

Морганинг қон-қардошларнинг никоҳ иттифоқидан чиқарилиши ҳақидаги ушбу фикри диққатга сазовордир:

«Ўргуларнинг қон-қардош бўлмаган аъзолари ўртасида никоҳлар жисмоний ва ақлий жиҳатдан мустаҳкамроқ наслни вужудга келтиради; тараққий қилувчи икки қабила қўшилишади, янги авлодларнинг бош суюги билан мияси табиий суратда катталашиб, ҳар иккала қабиланинг жами қобилиятига мос келадиган даражага келади»¹.

¹ «Маркс ва Энгельс архиви», IX том, 28-бет.

Шу ўринда ўқитувчи ҳозирги шароитда ҳам күпчилик халқларда, қыз ёки йигит розилигпин олмасдан ота-оналар нотаниш йигит ёки қызни унаштириб, оила құрдиришга құндириш одатлари мавжудлигини гапириб, Ф. Энгельснинг қуйидаги фикрини көлтиради: «Мак-Леннан... Америка ҳиндуларида ва ... бошқа халқларда никохлаш ишини никохланувчиларнинг ўзлари әмас, балки, күпинча, улардан бу түғрида сұраб үтирасдан, уларнинг оналари бажарадилар. Шундай қилиб, күпинча бир-бирини ҳеч бир танимайдиган иккى кишини унаштириб қўядилар ва фақат никохлаш вақти келгандагина уларни бундан хабардор қиласидилар. Тўйдан кийин аввал күсв қизнинг туғишганларига, яъни қизнинг отасига ва ота томон қариндошларига әмас, балки қизнинг она қариндошларига совға беради; бу совғалар қыз учун бўладиган ҳақ ҳисобланади. Никоҳ ё эр, ё хотинининг хоҳиши билан бузилиши мумкин»¹.

Навбатдаги оила шакли — моногам оила ҳакида тўхталганида, бу ҳозирги замон барқарор оила тузилишининг дастлабки шакли бўлиб, у инсоний ахлоқ билан боғланганлигининг асоси эканлигига алоҳида ургу бериш керак. Бунда туғилган боланинг отаси аниқ эканлиги моногам оиласининг мазмунини ташкил этади.

Бу оила варварликнинг ўрта босқичи билан юқори босқичи орасидаги даврда жуфт оиласдан келиб чиққанлиги сир әмас; шу боис болаларнинг отаси кимлиги аниқ бўлади. Болалар кейинчалик ўз оталарининг мол-мулкига эга бўлувчи ворислар сифатида ўрин топадилар. Бошқача қилиб айтганда, улар бу мулкларга меросхўр, деган ҳуқуққа эга бўладилар. Бу қадимдан қолган меросхўрлик одати ҳозирги замонининг деярли барча халқларида яшаб келмоқда; керак бўлганда бу одатлар турли кўриниш ва мазмунда қонун билан белгилаб қўйилган.

Шу ўринда ўқитувчи оиласининг келиб чиқиши, фарзандлар ва уларнинг тараққиёти, оиласининг ахлоқий ва руҳий ҳолатлари билан боғлиқ томонларини шарҳлаш жараённанда моногам оиласининг илгор хусусиятларини далиллар билан кенгроқ таҳлил қилиши мумкин.

Жамият тараққиётининг сўнгги босқичларида оиласий ҳаётининг ривожланиши — ахлоқий тушунчаларнинг нормаллашуви хотин-қизларнинг тўла эркинлиги ёхуд эркаклар билан тенг ҳуқуқлигини ҳал этишда оиласининг замонавий шакли вужудга келиши билан боғланади.

Клара Цеткин ўзининг «Хотира дафтари»да: ошиқ-маъшуқлик бобида иккى киши иштирок этади; натижада учинчи, янги бир ҳаёт юзага келади. Бу ҳаёт остида эса ижтимоий маидаат деган нарса ётади, жамоа олдидағи бурч юзага келади», — деган эди.

Демак, оиласининг келиб чиқиши ижтимоий заруратдир, у ўз тараққиётида юқорида кўрсатиб үтилган тўрт шаклини босиб үтиб, ҳозирги замон оиласи — қонун, ахлоқ-одоб асосларига қурилган

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Таңланған асарлар, З-т, 261-бет.

оила майдонга келди. Оиланинг бу юксак ҳозирги замон шакли жамиятнииг ривожланишига ҳамоҳанг ҳолда ривожланиб боравс ради, жамиятнииг ўзгаришларига қараб, у ҳам табиий равишда ўзгараверади.

ЎРТА ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ АХЛОҚ, ОДОБ ВА ОИЛА ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ


Жаҳон фани ва маданиятига ғоят улкан ҳиссалар қўшган Ўрта Осиёлик донишмандлар ўзларининг кенг қамровли фикрлари билан инсонни қандай қилиб баҳтли ҳаётга йўллаш мумкинилиги борасида ҳам рибзат ческиб изланганлар, бу хусусда одилона йўл топиш учун интилганлар. Улар ўзларининг ана шу мазмунда яратгани асарларида ахлоқли, одобли бўлиш, файз-баракали, тотув оила қуриш баҳт-иқболга әлтувчи ишончли йўллардан эканлигини кўрсатиб беришган.

Ўрта Осиёдаги ахлоқ, одоб, оила ҳақидағи қарашларининг бошида ҳалқининг ўлмас даҳоси ёрқин нур сочиб туради.

«Мифологик ва афсонавий қаҳрамонларининг образлари,— деб ёзди профессор Й. Жумабосв,— ҳалқ хотирасида асрларча яшаб ва қайта ўзгартирилиб келдики, уларниң акс-садолари ҳозирги кунга қадар Ўрта Осиё ҳалқларининг бадиий ижодида ҳам сақланиб қолган. «Китоби Жамшид», «Эрхубба афсонаси» каби ўзбек әртаклари, фольклор ясарлари, бир қанча қадимий шаҳарлар, қальялар ва ҳоказоларининг бунёд этилиши ҳақидағи афсоналар ва ривоятлар бунга ёрқин мисол бўла олади... Уша қадимий замонларда Ўрта Осиёдаги кўчманчилар ва ўтроқ ҳалиқлар орасида кўлгина ахлоқий ривоятлар бўлиб, улар асосини Ўрта Осиё ҳалқларининг ватанпарварлик кураши ташкил этган. Бу ривоятларда ватанга ва ҳурриятга бўлган қизғин муҳаббат таранимум этилади; уларда ор-номус, дўстларга ва сафдошларга садоқат каби энг эзгу инсоний туйгулар ўз ифодасини топади, ўз бурчини адо этиш, душман устидан галаба қилиш йулида қаҳрамонларча ўз жонларидан кечишга, ҳар қандай машаққатларга бардош беришга, севги-муҳаббатдан кечишга, ўз қабиладошларининг ор-номуси учун турадилар!»

Айтилган сўзиning уддасидан чиқишидек мардлик, кечиримлилик, ботирларга хос инсонийлик, олийҳимматлик, севги ва муҳаббатга содиқлик каби чин инсоний ахлоқлар аждодларимиздан бизга мерос булиб қолган муқаддас фазилатлардир. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё ҳалқлари, жумладан, ўзбек ҳалқининг ўша қабилачилик ҳаёт тарзларини акс этирувчи эпосларида мардлик, жасурлик, камтарлик, севгига садоқат, дўстлик ва биродарлик, тинч-тотув яшаш учун кураш, инсоний қадр-қиммат, ҳалол ва пок турмуш, оиласда поклик улуғланган. Биз бу улуғ ғояларининг

¹ Жумабосв Й. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. Т., «Ўзбекистон», 1980, 19-бет.



«Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Гүрүғли» туркумидаги барча достон-ларда, ажойиб ҳалқ әртакларида талқин этилганини кўрамиз.

Шуниси диққатга сазоворки, қадимий эпосларимизда аёллар әркаклар билан тенг мавқеда тасвирланган, улар ҳам барча соҳаларда әркаклар билан тенг жасорат кўрсата олганлар.

Севиб турмуш қуриш, севгида вафодорлик, оиласи тутувлик каби инсоний хислатлар Ўрта Осиё ҳалқлари, жумладан, ўзбек уруғлари ва элатларининг характерли хусусияти сифатида сақланиб қолган.

Айрим уруғ ва элатлarda йигит билан қизни қовуштиришдан аввал ўзига хос шартларни бажариш мажбурий қилиб қўйилган. Масалан, уйланмоқчи бўлган йигит қиз билан кураш тушиш одати сак қабиласининг характерли хусусияти сифатида рўббга чиққан. Бунда агар йигит қизни йиқита олса, у қиз билан тўлақонли оила қуриш, унга ҳоким бўлиш ҳуқуқига эга бўларди; агар йиқилиб қолса, у тақдирда йигит қизга умброд асир ва қарам бўлиб қолар эди¹. Албатта, бу одатни салбий баҳолаш мумкин. Бироқ бўлгуси куёвга ўтин (тўнка) ёрдириш одати ҳам бор эдики, уни ижобий баҳолаш мумкин. Чунки илгари ўтисиз хонадон бўлмаган. Ўтин ёришда эса жисмоний бақувватлилик билан бир қаторда алоҳида маҳорат ҳам талаб этиларди.

Ўрта Осиё ҳалқлари маданияти ва ахлоқи тарихида VI—VII асрлар ёдномалари катта ўрин тутади. Бундай адабий обидалардан «Ўрхун-Ениссий ёзма ёдгорликлари» алоҳида қимматга эга. Ёзувдаги бош қаҳрамон Култегин ўз ҳалқининг асл ва жасур ватанпарвари; уруғ оқесяиги Тонюкук ўша даврнинг мартабали, ахлоқли кишилари сифатида тасвир этилган. Мазкур қаҳрамонлар туркий қабилаларни хоқонликининг ягона иттифоқига уюштириб, кўчманчилик шароитида тўхтовсиз давом этаётган урушини жиловладидилар, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш учун жасорат кўрсатадилар. Бу хусусиятлар ўша давр кишиларининг ахлоқий қиёфасини ҳам белгилаб бсрар эди.

Ҳозирги ўзбек ҳалқининг миллат сифатида таркиб топишида 92 уруғ, әлат, қабила аъзоларининг ўзаро бирлашуви, ягона иттифоқи бор эканлигини ўқитувчи айтиб ўтиши ҳам ўринлидир.

Ўзбек ҳалқининг таркибида мазкур әлат, қабила ва уруглар иштирок этган, улар Ўзбекистонининг бир ёки икки жойида эмас, балки бутун Туркистон ҳудудида яшаганлар. Шу боисдан ҳам уларининг турмуш тарзларида айрим фарқлар кўриниб туради. Бу ҳол фақат қадимги даврлар учунгина хос бўлиб қолмай, балки унинг баъзи бир унсурлари ҳозир ҳам яшаб келаётганлиги билан ҳам белгиланади. Масалан, Тошкент шаҳри билан унинг вилоятида яшовчи аҳоли, Фарғона водийсининг турли районларида йистикомат қилувчи ўзбекларининг никоҳ тўйларида ўзига хосликлар мавжуд.

¹ Клавдий Элиан. Древние авторы о Средней Азии. Ташкент. Госиздат, 1940, 23-бет.

Бинобарин, оила ахлоқи, турмуш маданийти, никоҳдан ўтувчи ёшларнинг ахлоқ-одоби қандай бўлиши оилада йигит ва қиз қандай тарбияланганига боғлиқдир. Ёшларнинг бахтли бўлишлари учун тўғри тарбия топиш зарурлигини уқтирган алломалар ўзларининг билимлари, катта ҳаётий тажрибаларига суюниб одономалар, насиҳатномалар ва ахлоққа доир қимматли асарлар қолдиришган.

Абу Наср Форобий. Мутафаккириинг дунёқараши табиий ва ижтимоий фанларининг энг долзарб муаммоларини сенишга қараштилган. У улуғ математик, ўткир шифокор, буюк табиатшунос, атоқли файласуф, юксак дидли тарбиячи ва кўзга кўринган ахлоқшунос ҳам эди. Тарихий манбаларга кўра, Форобийнинг етмишдан ортиқ тилни билгани ҳақида ривоятлар ҳам бор.

Форобий инсон ахлоқи ҳақида гапирав экан, у ахлоқни жамоа меҳнатисиз тасаввур эта олмайди. Биргаликда меҳнат қилиш жамиятни вужудга келтирганидек, ахлоқни ҳам жамият меҳнати яратади.

«... Ҳар бир киши бошқасига унинг яшави учун зарур бўлган нарсанинг,— дейди олим,— бир улушкин стказиб берадиган жойда бир-бирига кўмаклашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина инсон шундай камолотга стишиши мумкинки, у ўз табиатига кўра ана шундай камолотга муносибdir. Бундай жамият барча аъзоларининг фаолияти жам бўлиб, ҳар бир киши яшаш ва камолотга эришиши учун нимага муҳтож бўлса, шуларнинг ҳаммасини стказиб беради.

Шу сабабли одамлар қўлайишиб, дунёнинг кишилар яшайдиган қисмida ўринашиди, бунинг натижасида эса кишилик жамиятлари пайдо бўлди...»¹ Шунга кўра, у жамиятни ижтимоий фойдали меҳнат фаолиятисиз тасаввур эта олмасди.

Форобий бахт тушунчасини кишиларнинг турмушдаги саодатга эришуви, деб тушуниди. Яхшилик ва ёмонлик, бурч ва виждон, номус ва адолат каби категориялардан фарқли ўлароқ, яъни умумийластирилган бахт категориясининг янги қирраси майдонга чиқади; у бошқа барча категорияларни ўз ичига олади. Унинг фикрича, — «бахтга эришиш учун фойдали бўлган ҳамма нарса ва бахтга эришилишида ишга солинадиган ҳамма нарса... яхшилик-дир... ва бахтга бирон-бир даражада тўсқинлик қиласидиган ҳамма нарса — мутлақ ёмонлик»дир. (М. Хайрулласв, Форобий ва унинг фалсафий рисолалари. «Фан» нашриёти, 1963 й.)

Форобий ахлоқининг билим билан муштараклигини асослаб беради. Унингча, билимлар инсонни яхши ахлоқли, саховатли ва ақл-идрокли қиласиди. Инсон билимсиз ўзи кўзлаган мақсадига эриша олмайди. Яхши инсон бўлиш учун одамда имконият бўлмоғи зарурлиги кўрсатилади: таълим ва тарбия олиш имконияти борлиги туфайли таълим олиш ҳамда тўғри тарбия топиш керак.

¹ Фараби. Добротельный город. «Философские трактаты Аль-Фараби», Алма-Ата, 1970, 303-бет.

Бунда тарбия — бу кишилар билан мулоқотда ахлоқий қадр-қимматни ва одобда амалий фаолиятни яратишга олиб борадиган йўл, деб таърифланади. Олим таълим-тарбияни устоз беради, дейди.

Форобийнинг «қаттиқ» ва «юмшоқ» тарбия усулларидаги қарашлари ҳозирги замон ахлоқ нормасига ҳам яқин туради. Чунончи, тарбияланувчилар фан ва ҳунар ўрганишга мойиллик билдирсалар, тарбияни уларга нисбатан «юмшоқ» усулини, агар, мабодо ўзбошимча ва итоатсиз бўлсалар, уларга нисбатан «қаттиқ» усулини қўлланиши айтилади. Лекин Форобий ўзининг бу соҳадаги ахлоқий қарашларини устоз нуқтаи назаридан қуйидагича ўринли талқин этади: «Устозга келганди, у шогирдига жуда қаттиқ зуғм қилишга ҳам, ҳаддан ташқари кўп ён беришга ҳам интилмаслиги лозим, чунки ортиқча зуғм шогирдда устозга нисбатан нафрат ўйғотади; борди-ю, шогирд устозининг жуда ҳам юмшоқлигини пайқаб қолса, бу ҳол унда устозни менсимасликка ва ундан ҳамда у берадиган билимдан совушга олиб келади».

Абу Райҳон Беруний — жаҳон ақл-заковати, тафаккур илми тарихида алоҳида ўрин тутган буюк мутафаккир. У фанининг математика, астрономия, астрология, жўғрофия, геофизика, антропология, этнография, археология, философия, минералогия, ижтимоий соҳаларининг йирик билимдони эди. Унинг кўпчилик асарларида инсоннинг ахлоқ ва одоби хусусида мукаммал фикрлар баён этилган.

Мутафаккирининг «Минералогия», «Геодезия», «Ҳиндистон», «Ўтган авлодлар обидалари» номли йирик асарларида инсон шахси, унинг ахлоқий камолоти, ақл-идроқи, ҳалловат ва лаззат, сабр-тоқат ва камтарлик, гўзаллик ва дид, поклик ва жўшқинлик каби тушунчаларга тафаккур илмининг стук билимдони сифатида таъриф беради.

Ўз замонасининг қомусий билимдони бўлган Беруний: «инсон жамиятда ўз қариндош-уруғлари билан бирлашиб олишга мажбурдир, бундан мақсад бир-бирини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар бир кишининг ҳам ўзини, ҳам бошқаларни таъминлаш учун ишларни бажаришидир», деган холосага келади.

Беруний «Ўтган авлодлар обидалари» асарида баъзи кишилар хулқ-авторида мавжуд бўлган зиқналик, ёлғончилик, мунофиқлик, хушомадгўйлик, иккюзламачилик каби бешиболикларни аёвсиз қоралайди. Бундай одобсизлик ва ахлоқсизликларга қарама-қарши оқиллар ҳақида жуда ибратли фикрлар айтади. Олим ахлоқан майиб, хулқан ногироилик сирларидан тортиб, ҳиссий лаззатни ақлга бўйсундиришишга эришишга қадар идрокка эга бўлганларни оқил кишилар, жисмоний лаззатнигина тан олувчи шахсларни беғам кишилар деб атайди: «Оқил киши ана шуларнинг (юқоридагиларнинг) ҳаммасини ақл-идрок ва фаросат нигоҳи билан ҳисэтгандагина маънавий мамнуният сезади, ҳолбуки беғам одам жисмоний лаззатнигина тан олади»¹.

¹ Абу Райҳон Беруни. Минералогия. Изб. соч., т. 2, Т., 1966, 16-бет.

Беруний «озодалик ва орасталик олижанобликнинг ўзаги» бўлиши кераклигини уқтиради; инсоннинг ташқи ёқимли қиёфаси тўғридан-тўғри унинг ахлоқий қиёфаси билан боғлиқлиги ҳақида гапириб, вақтида «тишни ювиш, кўз ва қовоқларни тоза тутиш, уларга сурма қўйиш, сочни эса зарур бўлганда бўяш, тирноқларни олиб туриш ва силлиқлаш»¹ каби хислатлар сиҳат-саломатликдан ташқари инсоннинг гўзаллиги ва поклигини ҳам таъминлайди, дейди.

Ахлоқ-одоб эгаси бўлувчи инсон энг аввало ўзининг юриш-туриши, муомала маданиятида, ҳаёт кесиришида, оила барқарорлигидан намуна бўлиш кераклигини уқтиради: «...Исон ўз эҳтиросларига ҳукмрон, уларни ўзгартиришга қодир, ўз жон ва танини тарбиялар экан, салбий жиҳатларни мақтагудек нарсаларга айлантиришга, уни маънавий шифокорлик билан даволашга ҳамда аста-секин, ахлоқ ҳақидаги китобларда кўрсатилган усувлар билан иллатларни бартараф этишга қодирдир»².

Маълумки, табиатда, инсон ҳаётида барча нарсалар муайян ўлчов асосига қурилган. Берунийнинг фикрича, ҳар бир одам ана шу ўлчов, меъёр қонуниятларига жiddий амал қилиб, маромида ҳаракат қиласагина Она табиат инъом этган имкониятлардан ўз манфаати учун оқилона фойдалана олади.

Абу Али ибн Сино. Шарқ ва Фарбий Европа фанида Абу Али ибн Синонинг номи кўп тилга олинади. У буюк қомусий олим сифатида ғиббиёт, риёзиёт (математика), фалакиёт, физика, кимс, биология, доришунослик, руҳшунослик, физиология, филология, фалсафа, ахлоқ, эстетика ва бадантарбия каби кўплаб фанларнинг стук билимдонидир.

Мутафаккирининг қаламига мансуб бўлган «Донишнома», «Риссолаи ишқ», «Тиб қонунлари» каби асарлар Ўрта Осиё ҳалқларининг ахлоқ-одоби, психологияси ва табобат илмида алоҳида ўрин тутган йирик тадқиқотлар ҳисобланади².

Ибн Сино ахлоқ маданияти ҳақида гапирап экан, ахлоқ — бу инсоннинг ўз-ӯзини идора қилиш ҳақидаги фан, унинг ўзини кузатиш ва ўзгаларнинг хулқ-атвори, одоби ва юриш-туришига берган баҳолари натижаси эканлигини таъкидлаган. Унинг фикрича, ахлоқ бахтили бўлиш учун инсон ўз ахлоқий одатлари ва хатти-ҳаракатларида қандай бўлиши лозимлиги хусусидаги фандир.

Олим Ўрта Осиё ҳалқлари ҳаётини чуқур ўрганиш орқали уларнинг ахлоқ маданиятидаги умумийлик ва ўзига хосликларни белгилайди; анъаналар, одатлардаги муштараклик — тўй маросимлари, маъракалар, турмуш тарзларига кенг тұхталади. У ах-

¹ Абу Райхан Беруни. Минералогия, 25-бет.

² Олимийнинг кенг қамровли ижоди ҳақида қаранг: История философии т. I «Фан», Т. 1967; Закуев А. К. Психология Ибн-Сины, Баку, 1958; Ирисов А. Абу Али ибн Синонинг фалсафий қиссалари. Т., 1963; Болтасев М. Н. Вопросы писсологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. Душанбе, 1965.

лоққа доир күплаб муаммоларни одамнинг руҳий ҳолати ва маънавий хоссаларининг ҳис-ҳаяжонли пайдо бўлиши асосида талқин этади.

Ибн Сино: «Энг юксак севги — бу инсоний севги бўлиб, бундай севги кишини саҳоватли қиласи, уни оққўнгил ва жозибали кишига айлантиради» деб таъкидлайди. Мутафаккирнинг талқин этишича, севги инсон зиммасига жуда катта аҳлоқий ва ҳуқуқий масъулият юклайди. У инсон баҳтигининг негизи десанди, ошиқлик эмас, балки ошиқ-маъшуқликни тушунади. Ошиқ-маъшуқлик билан турмуш қуриш оила мустаҳкамлигининг асоси сифатида таъкидланади.

Алломанинг ахлоқ-одоб, поклик ва саломатлик тўғрисидаги қарашларида жуда катта ибратли фикрлар бор.

Абу Али ибн Сино тўғри сўзлаш ва тўғри ишлаш, ҳалоллик, инсофли ва адолатли бўлиш, хушмуомала ва ширинсуханиликни одат қилиш, нафса берилмаслик, фозиллар суҳбатидан баҳраманд бўлиш; катталарнинг иззатини жойига қўйиш, кичикларга шафқатлилик, самимий дўстлик, муҳтожларга ёрдам бериш ва инъом-эҳсон қилишни унутмаслик, нёдоиларга насиҳат, маслаҳат бериш каби фазилатларни барча эзгуликнинг асоси эканлигини таъкидлайди.

Ҳаётда инсон саломатлиги оилавий муаммолар учунгина эмас, балки ижтимоий масалаларни согломлаштиришда ҳам муҳим эканлигига эътибор қаратилади. Олимнинг «Уржуза», «Тиб ҳақида шеърий асар» ва «Юрак дорилари» асарлари эса инсоннинг турмушидаги катта аҳамиятга эга бўлган сиҳат-саломат яшаш хусусидаги масалаларга тўхталади.

Юсуф Хос Ҳожиб. XI асрнинг атоқли шоири ва буюк мутафаккири Юсуф Хос Ҳожибdir. Донишманндан бизгача стиб келган асари — саодатга элтувчи билим — «Қутадғу билиг»dir. Асар ўша давр адабиёти ҳамда адабий тилиннинг нодир обидаси ҳисобланади. Унда Ўрта Осиё ҳалқлари, жумладан, ўзбек ҳалқининг ижтимоий-сийсий ва ахлоқий-таълимий қарашлари ўзиning бадиий ифодасини топган.

Достон туркий тилда битилган бўлиб, замонасининг одоб, ахлоқ ва яхшилик томон стакловчи одобномаси эди. Шу сабабли асар турли ҳалқлар ва мамлакатлар орасида тез тарқалди: унинг номланиши қуйидагича аталди: «... бу китоб явлоқ азиз туур. Чин ҳокимларнинг амсоллари бирла ярамиш. Мочин ҳакимларининг ашъорлари бирла ораста қилмиш... Мочин олимлари ва ҳакимлари қамуғ иттифоқ бўладиларким, Машриқ вилоятинда, Туркистон элларинда Бўграҳон тилинча бу китобдин яхшироқ ҳаргиз эрса, тасниф қилмади. Бу китоб қаю подшоҳқа ё қаю иқлимга тесди эрса, гоят адгусиндин ул ҳукамо-тукамо бири бир турлик лақаб от урдилар: чинлиглар «Адаб-ул-мулук» отадилар, мочинлиглар «Ойин-ул мамлакат» дедилар. Машриқлиглар «Зайн-ул-умаро» от бердилар, эронлиглар «Шоҳномаи туркий» атамишлар, туронлики-

лар «Қутадғу билиг» деб айтмишлар, баъзилар «Пандномаи тулук» тесмишлар...»

Ушбу парчанинг мазмунини проф. Н. Маллаев шундай шарҳлади: «Бу китоб ниҳоятда азиз китобдир. У Чин ҳакимларининг шेърлари билан ораста бўлмиш... Мочин олимлари ва ҳакимларининг барчаси иттифоқ булишиб, Машриқ вилоятида, Туркистон элларида Бўғроҳон тилида (туркий тилда) ҳеч ким бу китобдан яхшироқ китоб тузмаган,— деб айтган эканлар, бу китоб қайси подшоликка ёки қайси иқлимга бориб етса, гоят яхшилигидан, ул (жойларнинг) донишмандлари турли номлар билан атадилар: Чинликлар «Адаб-ул-мулук» («Ҳукмдорлар одоби»), мочинликлар «Ойин-ул-мамлакат» («Мамлакатнинг тартиб-усули») деб атадилар; шарқликлар «Зайн-ул-умаро» («Амирлар зийнати») деб ном бердилар. Эронликлар «Шоҳномаи туркий», туронликлар «Қутадғу билиг» («Саодатга олиб борувчи билим») деб айтмишлар, «Пандномаи мулук» («Ҳукмдорлар пандномаси») демишлар...»¹ Кўринадики, буларнинг барчаси феодал тузуми даври идора ишлари ва халқнинг ахлоқ-одоб қоидаларига доир экан. Шунинг учун ҳам Юсуф Ҳожиб ёзган эди:

*Китаб ати урдум «Қутадғу билиг»,
Қутадғу ўқуғлиқа тутсуз элиг.*

Бу байт олим Қ. Каримов томонидан «Китоб отини «Қутадғу билиг» қўйдим; ўқувчига бахт келтирсин, қўлидан тутсин» деб ҳозирги ўзбек тилига афдарилади. Дарҳақиқат, ҳар ким ушбу китобда тилга олингани хислатларга, фазилатларга эга бўлса, ундаги панд-насихат, йўл-йўриқларга амал қилиб иш кўрса, бахт-саодат унга ёр бўлади»², деб ишонч билдирилади.

Ўқитувчи ушбу асарнинг моҳиятидан келиб чиқиб, авторнинг стук файласуф, олим, давлат арбоби, фан ва маданият ҳомийси, ҳаётнинг энг нозик, майда икир-чикирларидан тортиб осмон жисмларининг сирларигача тушунган баркамол шахс эканлигига эътиборни қаратади.

Шоирнинг оч-яланғочлар, бева-бечоралар ҳаётига ачиниш билан амалдорларни инсофга чақириб, уларни адолатли, илмли, заковатли, гамҳўр бўлишга чақирадиган, ахлоқий фазилатларга доир қуйидаги парчаларни ўқиб таҳлил этилади.

*Ҳалал дуня қаздан ўзунгни стур,
Тегур ач-ялингқа ҳам ўпрақ бутур.*

¹ Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи, «Ўрта ва олий мактаб», Т., 1963, 144—145-бетлар.

² Юсуф Ҳожиб. Қутадғу билиг. «Фан», Т., 1972, 8-бет. Айрим талқинлар ҳам Қ. Каримов фикрларидан олниди.

Мазмуни:

Ҳалол дүнё топған, ұзинған едир,
Яланғ, очға бер, жүлдүршін битир.

Билиғ қадрини ҳам билиглик билир,
Гүхар қадрини ҳам гүхар — ўқ билир.
Билиглиг билир ул билигшінг ати,
Билигсиз на билга билиг қиймати.
Уқыш қадрини ҳам уқушлуғ билир,
Билиг сатса билга билиглик алир.
Неку билга телва билиг қадрини
Билиг қайда бўлса, билиглиг билир.

Мазмуни:

Билим қадрини ҳам билимли билар,
Гавҳар қадрини ҳам гавҳар билар.
Билимли билади билимшінг отин,
Билимсиз не билгай билим қийматин.
Уқув қадрини уқувли билар,
Билим сотса доно, билимли олар,
Нечук телба билгай билим қадрини,
Билим қайда бўлса, билимли билар.

Үқитувчи мутафаккирнинг тил алоқаси ва сўз ҳақидаги доно фикрларини, яъни киши билимли, заковатли, доно бўлишининг асосий қалити тилдан эканлигини таъкидлаб, у орқали киши илмли, ақл-идроқли бўлишлиги ҳақидаги қарашларини очиб берувчи қўйидаги байтларни таҳлил қилиб бериши мақсадга мувофиқдир:

Ўқушқа билигка бу тилмачи тил,
Яруттачи эрни тўриқ тилни бил.
Киши тил ағирлар, булур қут киши,
Киши тил ужузлар, ярир эр баши.
Киши сўз била қўбти, бўлди малик,
Ўгушсуз башиғ ерка қилди кулик.
Билиглиг сўзни сан эшишт узнама,
Айитмаста ашиш сўзине сўзлама.
Ўгуш сўзлама сўз бирар сўзла аз,
Ўгуш сўз тугунин бу бир сўзла яз.

Мазмуни:

Заковат, билимга қалитдир бу тил,
Ёритгувчи эрни, рабон тилни бил.
Кишин тил улуглар, топар қут киши,
Кишин тил тубанлаб, ёрилар боши.

Киими сўз-ла улгайди, бўлди малик,
Талай бошини сўз қилди ерга эгик.
Билимли сўзин сен эшишт, озлама,
Сўрамасдан олдин сўзинг сўзлама.
Талай сўзлама сўз, бир оз сўзла оз,
Талай сўз чигалин шу оз сўзда ёз.

Талқини:

«Билим, заковат соҳиби бўлишнинг асосий қалити тилдир. Тил туфайли киши ўз илми, ақл-идроқи, заковатига жило беради, фикрини равшан қиласди. Тил, сўз кишининг қадр-қимматини оширади,-улугликка элтади. Аммо сўзни ўйлаб, билиб, кези кел-гандагина сўзлаш керак. Шундагина тил ва сўзининг нафи жуда катта бўлади. Ўйламай сўзланса, сўз киши қадрини туширади, уни эл эътиборидан қолдиради»¹.

Юсуф Хос Ҳожиб Шарқ ҳалқларининг турмуш тарзини, урфодатлари ва анъаналарини яхши билар эди. Шу сабабли ҳам, бу ҳалқларнинг ахлоқ-одоб нормаларига катта қизиқиш билан қаради: катталарни ҳурмат қилиш — кичикларнинг бурчи эканлигини, ўз навбатида, катталар ҳам кичикларни эъзозлаши ҳамма учун бурч, инсоний қадр-қиммат белгиси деб билди.

Маҳмуд Қошғарий. Маҳмуд Қошғарий (XI аср) ўз даврининг мутафаккири, фозили эди. У араб, форс тили ва адабиётининг пухта билимдони, туркий ҳалқлар, элатлар ва қабилаларининг урфодатлари, тилини атрофлича ўрганган олим сифатида машҳур эди. Айниқса, Маҳмуд Қошғарий стук элшунос (этнограф) ва тилшунос олими сифатида тиҳимсиз изланди. Бу тўғрида унинг ўзи қўйида-гича ёзган эди:

«Мен турклар, туркманлар, ўгузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, лугатларини тўпладим, тури хил сўз хусусиятларини ўрганиб аниқладим. Мен бу ишларни тил билмаганилигим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам ашиқлаш учун қилдим, бўлмаса мени тilda уларнинг энг стукларидан, энг катта мутахассисларидан, хуш фаҳмларидан, эски қабилаларидан, жанг ишларида уста найзадорларидан эдим»². Уининг сақланиб қолган ягона йирик асари бўлмиш — «Девону луготит турк» (З том) ҳозирги замон туркий ҳалқлари учунгиша эмас, шунингдек, жаҳон тилшунослик илмида Ўрта Осиё ҳалқлари, жумладан ўзбек ҳалқи ўтмиши, тарихи, тили ва маданияти соҳасида асосий манбалардан бири бўлиб келмоқда.

Маҳмуд Қошғарий зукко тарихчи сифатида ижодий изланиб, ўзбек, хусусан, туркий қабилаларни ўрганишда тарихийликка амал қиласди. XI асрда қорлуқлар, тангутлар, басмил каби қабилалар ва

¹ Юсуф Хос Ҳожиб, Ўша асар, 30-бет.

² М. Қошғарий, «Девону луготит турк». Тошкент, 1960, 17-бет

уларнинг ўзаро фарқлари ҳамда тил хусусиятларини, урф-одатларини кўрсатиб берди. Булар катта тарбиявий аҳамиятга эга эди.

Олим ушбу асарида, ўша пайтларда бутун Туркистон доирасида чўзилган катта ҳудудда яшовчи уруғлар, қабилалар, ҳалқлар ва уларнинг тилларини қиссан ўрганишдан ташқари, кўп сонли шесва ва лаҳжаларнинг ўзига хос фонетикаси, морфологияси ва лексикасини тиљшунослик нуқтаи назаридан таҳлил ҳам қилиб бердики, бу нарса текширишнинг ҳозирги замон методини ўрганишда ҳам ибратлидир.

Шу ўринда ўқитувчи девонининг энг гўзал томонларидан бири — унда ижтимоий ҳастда, турмуш тарзида аниқ ва лўнда аҳамият касб этадиган сўз ва терминларнинг изоҳи берилганлигини аниқ далиллар билан кўрсатади. Бунда изоҳланастган сўз ва терминлар маъноларида ҳалқимизнинг қундаклик турмуш шаронти, ўзаро муомаласига доир фикрлар яширингандиги уқтирилади.

Кайковус. Унсурулмаоний Кайковус Шарқ педагогикаси оламида муносиб ўринга эга бўлган шахсdir.

Кайковус Каспий денгизининг жанубий қирғоғида жойлашган Гилон қабиласидан бўлиб, 1022 йилда майдо феодал оиласида туғилди. У ўзининг ахлоқномаси — «Қобуснома» сини 63 ёшида яратди ва ўз асарини ўғлига багишлаб ёзганлигини қайд этади.

Кайковуснинг бобоси Қобус ўта золим, ниҳоятда даҳшатли, аёвсиз ҳукмдорлардан эди: арзимаган айби учун одамларни ҳеч тап тортмай оғир жазоларди. Таниқли методист ва адабиётшунос олим Субутой Долимовнинг ёзишича, Қобуснинг зулмкорлигини Муҳаммад Хованд Мирхонд «Равзатус сафо»нинг тўртинчи жилдида ҳаққоний басн қилиб берган. Қобуснинг бу истибодонини Латиф Алибек Озар Исфаҳоний ўзининг Бомбайдо, «Оташкада Озар» номи билан нашр этилган «Тазкираи оташкада» асарида қуйидагича басн қилган:

«...Аъён лашкарро ба гуноҳи андак ба қатл расониди. Охирил амир умаро иттифоқ карда: уро аз салтанат ҳаъ ба маҳбас фиристоданд, фарзандаш Манучеҳр бинни Қобусуро бар тахти ҳукумат нишонида». Таржимаси: «...Лашкар аъёнлари озгина гуноҳ қилишса, ўлимга юборарди. Ниҳоят, амирлар иттифоқ қилишиб, уни салтанатдан олиб ташлаб, ҳибсга юбордилар ва Қобуснинг фарзанди Манучеҳрни ҳукумат тахтига ўтқаздилар» (С. Долимов)¹.

Ўқитувчи ушбу асардаги бола тарбияси, оилавий ҳаст муаммоларини шарҳлаётганида, обзор тариқасида қуйидаги далилларни ўқувчи тасаввурига ҳавола қилади: рус ва Фарб педагог олимлари бола тарбиясига қанчалик кўп ётибор берган бўлсалар, Шарқ олимлари ва педагоглари ҳам шунчалик катта ётибор бергандилар. Машҳур ҳинд масали «Калила ва Димна», Низомул Мулкнинг «Сиёсатнома», Носир Хисравининг «Саёдатнома», «Рӯшноинома», Аҳмад Югнаийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ», Алишер Навоийнинг «Маҳбубул

¹ Кайковус. Қобуснома. Тошкент, «Ўқитувчи», 1986, 5-бет.

қулуб», «Вақфия» каби асарлари шулар жумласидандир. Бу асарлар орасида «Қобуснома» алоҳида ўрин тутади. Пандноманинг «Ота-она ҳаққини билмак зикрида» бобида ота-онани эъзозлаш хусусидаги ажойиб фикрлар баси әтилади.

Китобдаги асосий ғоя — ёшларни ота-онани ҳурмат қилишга, эъзозлашга чақиришдир. Муаллиф ота-она ўз фарзанди учун, ҳатто «ўлимга ҳам тайёр» эканлигини таъкидлаб, ўз навбатида, уларни асло ранжитмасликлари, аксинча ширинсуханлик билан муносабатда бўлишларини уқтириб: «Ҳар бир фарзандки, оқил ва доно бўлса, ота-она меҳр-муҳаббатин адо этмақдин бош тортмажай,— дейди ҳамда бу фазилат ақлли ва доно фарзандга хос нарса эканлигини қайд әтиди.

Мутафаккир ота-она ҳаққини билмак хусусида гоят муҳим бир фикрни баси әтиди: «Нима эксанг, шуни ўрасан» деган ўзбек ва тожик халқлари учун муштарақ бўлган мақолни ишлатиб, оиласда бола тарбиясининг қўйилиши ана шу муҳим мақол асосига қурилса, мос иш тутилган бўлади, деб ҳисоблади.

Асарнинг йигирма еттинчи боби — «Фарзанд парвариш қилмоқ зикрида» деб номланади. Бунда асосан, ёшларнинг ахлоқ-одоб, тарбия, ҳунар ва меҳнатга муносабати баси әтилган.

Кайковус ёшларга қасб ва ҳунар ўрганишни ташвиқ қилишдан ташқари, уларга жисмоний тарбия билан шуғулланишининг фойдалари эканлигини тарғиб қилади. У ёшларга ҳарбий илмларни, сувда сузишни, от минишни, чавгон ўйнашни, каманд ташлашини ўргатишни тавсия әтиди.

Кайковус инсонни ўраб турган атроф-муҳитнинг мусаффо бўлишини истайди. У инсонининг ташқи дунёга бўлган муносабатини, у билан алоқасини билишдан олдин, зоҳирий дунёдаги барча мавжудотининг бир-бирига бўлган ўзаро муносабатини аниқлашга алоҳида эътибор беради.

Кайковус тарбияни инсон ақлини, шахсий ҳастини таркиб топтирувчи омиллардан ҳисоблади, инсонни тарбиялашда ҳастий таъсирининг аҳамиятини эътироф әтиди: «Гарчи ҳар кишини турмуш устоди дониш этмаса, ҳеч ким унга сўз ўргатмоқ учун азият ческмасини, нединким, меҳнати зосъ кетгай».

Асарда сухандонлик — нотиқлик масалаларига катта эътибор берилади; нутқининг гўзал бўлиши, нутқда сўзни ноўрии ишлатмаслик масалалари ёритилади; кишиларни тўғри сўзлашга, ёлғон сўздан қочишига даъват әтилади. Муаллиф ёшларнинг хулқ-атворига алоҳида эътибор беради; уларга инсонпарвар бўлишини, раинятига яширин муомала қилишни таъкидлайди. У нотиқ бўлишининг яхши ва нохуш жиҳатларини, ростгўйлик ва ёлғончиликнинг фойдалари, зарарли томонларини кўрсатиб беради.

Кайковус ёзади: «Киши сухандон, сухангўй (нотиқ) бўлиши керак. Аммо, эй фарзанд, сен сухангўй бўлғил ва лескин дуруғғўй (ёлғончи) бўлмагил. Ростгўйликда ўзинг шуҳрат қозонғил, токи бирор вақт зарурат юзидин ёлғон сўз дессанг қабул қилғайлар».

Хотам ибн Той. «Хотамнома». Хотамтой номи туркй халқлар, айниқса, ўзбек халқи орасида сахийлик ва одамийлик тимсоли сифатида мустақил ўрин тутади, латифаларда, ҳикоятларда қўп учрайди. Инсофу адолат билан айтганда, жаҳон халқари орасида энг назари тўқ, очиқўл, кўнгли пок, сахий ва содда халқ ўзбеклардир. Бир сўз билан айтганда, энг қайсар, гунг, тамагир ўзбекка ҳам бир оғиз ширин калом, илиқ муносабат билдирган киши унинг бутун қалбини, борлигини осонгина забт этиб, унинг қалбига йўл топиши, аниқроғи унга энг азиз меҳмон бўлиши мумкин. Ўзбеклар ана шундай содда, очиқкўнгил ва меҳмондўстдир.

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг энг яхши намунаси бўлган «Хотамнома»да халқимизга хос энг яхши фазилатлар тўла акс эттирилган. Хотам ибн Той Муҳаммад пайғамбардан 150 йил олдин вафот этган бўлиб, у Яман арабларининг той қабиласидан эди. Машҳур фольклоршунос В. Г. Базановнинг фикрича, «Той — Ямандаги қабила номи бўлиб, Хотам Той шу қабилага мансубдир»¹.

«Хотамнома» Хотам ибн Тойнинг тарбия соҳасидаги одобномасидир. Асарда кишиларни сахийликка, тўғриликка, ростгўйликка, пок севги ва садоқатга, дўстлик ва мурувватга, тинчлик ва фарновонликка ундаш асосий эзгу ниятлар ҳисобланади.

Ўқитувчи «Хотанома»ни таҳлил қилганда, Хотамнинг жаҳонгашта арбоб сифатида дунёнинг қўплаб мамлакатлари ва шаҳар-қишлоқларида бўлиб, бу ерлар аҳолисининг турмуш тарзи, кишиларининг ҳаёти, урф-одати, анъаналари билан яқиндан танишганлиги, бунинг оқибатида мазкур ахлоқнома яратилганини тушунтиради. Ушбу фольклор асари кишиларга, айниқса, ёшларга ростгўйлик, довюраклик ва сахийлик каби инсоний хислатларга садоқатли бўлишни маслаҳат беради.

Ўқитувчи асарнинг ўзгаларга ёмонлик қилувчиларнинг аянчли тақдирлари, ростгўйлик, олижаноб инсоний фазилат эканлигини улуғловчи «Ёмонлик қилмағил, агар қилсанг, ул ёмонликни топасан» ва «Рост айтқучига ҳамиша роҳат олдидадур»² бобларини ўқиб таҳлил қилиб берса, айни муддао бўлади.

Ўқитувчи Хотам Тойи образи, ҳатто бобокалон шоир Алишер Навоий қалбини ҳам ром этиб, бу улуғ саховатли инсонни ўзининг «Хамса» асарининг биринчи достони — «Ҳайратул Аброр», («Яхши кишиларнинг ҳайратланиши»)да «Хотам Тойи ҳикояти» номи билан баён қилганини алоҳида уқтириб ўтади.

Алишер Навоий. «Маҳбуб-ул-қулуб». Буюк Навоий жаҳон маданияти ва адабиётида ўзбек халқининг қадр-қиммати, ҳурмати ва маданиятини, адабиёти ва тилини кўз-кўзлаган алломадир. У

¹ Базанов В. Г. От фольклора к народной книге. Ленинград, 1983, 8-бет.

² «Хотамнома», Т., 1988.

шесърият мулкининг сultonигиia эмас, Шарқ халқлари, шахсан, ўзбек халқининг ахлоқ-одоб, тарбия мактабининг ҳам стук билимдони, адолатли ва тадбиркор давлат арбоби, халқпарвар маданият соҳибқирони эди.

Халқ педагогикаси, насиҳатномаси, ўғитномасини янгича мазмун билан бойитган «Маҳбуб-ул-қулуб» асари улкан алломанинг таълим-тарбия, ахлоқ-одоб соҳасидаги йирик рисоласидир.

Навоий ушбу педагогик ва фалсафий асарини деярли бутун ҳаёти давомида кўрган, билган воқсалар, халқининг ҳаёт тарзи, фсъл-автори, руҳий ҳолати, урф-одати, яхши ва ёмонлик каби барча хусусиятларига қараб хуносалади — битди. Шундан бўлса керак, мутафаккир «...ҳар йўлда юрдим, оламда бўлмиш ҳар нав одам билан кўришдим, катта-кичиникинг фсълу авторини ўргандим, яхши-ёмоннинг хислатларини тажрибадан ўтказдим, яхшилик ва ёмонликларининг шарбатини ичиб, заҳрини тотиб кўрдим; баҳил ва пасткашларининг заҳмини, саҳоватли кишиларнинг малҳамини кўнглим дарҳол сезадиган бўлиб қолди. Замон аҳлидан баъзи ҳамсуҳбатларим ва даврон кишиларидан айрим дўстларим бу ҳоллардан хабарсиз ҳамда кўнгиллари бу яхшилик ва ёмонликлардан асарсиздир.

*Асал билан майни тотиб кўрмаган киши,
Висолу ҳижроининг ширин ва аччиғини не билсун?
Тўзининг қуми юмшоғу, тошлари қаттиқлигини
Қийналган бечора йўловчи йўл юрганида билади.*

Шу жиҳатдан, ҳамсуҳбатларни ва дўст-ёрларни бу ҳоллардан огоҳ, хабардор қилмоқ вожиб кўриндики, токи уларда ҳам ҳар тоифанинг хислати ҳақида билимлари ва ҳар табақанинг аҳволи ҳақида тушунчалари бўлғай. Улар ҳам муносиб кишилар хизматига бел боғлаб, номуносиб одамлар сұҳбатидан, азоб-уқубатларидан ўзни тортиш лозимлигини билгайлар ва маҳфий сирларини ҳар кимсага сўзламагайлар, шайтонсифат одамларининг ҳийла-найрангларига алданиб қолмагайлар¹, деб маълумот беради.

Алишер Навоий турмуш ва ахлоқ-одоб муаммолари билан боғлиқ бўлган дидактик асарига «Маҳбуб-ул-қулуб», яъни «Қалбларнинг севгиси» деб ном қўйиши бўжиз эмас. Навоий ўзининг пок ва мусаффо қалби буюрган, айтишга чоғлаган дардини ушбу рисолада жамулжам қилди. Асарнинг биринчи қисмida — «кишиларнинг аҳволи, фсъл-автори ва гап-сўзларининг аҳамияти ҳақида» қайноқ ўғитлар айтилса, иккинчи қисмida «яхши фсъллар ва ёмон хислатлар тўғрисида» ахлоқий маълумотлар баён қилинади ва бу қисм 40 сарлавҳага ажратилган. «Уйланиш ва хотинлар тўғрисидаги» фаслда буюк мутафаккир уйланиш ва унинг фойдаси, оила одоби ва оиласда аёлларнинг фазилатлари

¹ Алишер Навоий. Маҳбуб-ул-қулуб, Тошкент, 1983, 13-бет.

ҳақида ажойиб фикрлар баён этади. Инсоний севги, чин муҳаббат иккى хил жинснинг турмушида баркамоллик касб этиши каби гояларни тараннум этган бу нодир асар бугунги давримиз учун ҳам гоятда қимматлидир.

Навоий аёлнинг турмушдаги ҳиссасига қўйидагича тўхталади: «Яхши хотин — оиланинг давлати ва баҳти. Уйнинг озодалиги ундан, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан. Ҳусили бўлса — кўнгил ёзиғи, хушмуомала бўлса — жон озиғидир. Оқила бўлса, рўзгорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар покиза ва саранжом туради.

Киши бу каби жуфти ҳалол билан қовушса, агар бундай баҳтга эришса, ғам ва қулфатда сирдошга, ошкор ва пинҳоний дард-аламда ҳамнафас ва маҳрамига эга бўлади. Турмушда бошинингга ҳар қандай жафо тушса, ҳамдардинг у; тескари айланувчи фалакдан бошинингга ҳар бало келса, кўмакдошинг у. Кўнглинигга гам юзланса, у ҳам ғамиюқ; баданингга ҳасталик ва заифлик стишка, унинг ҳам жони ҳалак...

Аммо, худо кўрсатмасин, номувофиқ хотин учраса, ўз уйинингда ҳалокатли иллат пайдо бўлади. У бесандиша, шаллақи бўлса, кўнгил ундан озор ва ёмонлик ахтарувчи бўлса, ундан руҳ азоб чекади. Тили аччиқ бўлса, барчанинг дилини яралайди; покиза бўлмаса, ундан эрига юзи қоралик келтиради. Агар майхўр бўлса, у уй одоблиги йўқолади, ахлоқсиз бўлса, оила расво бўлади.

Юқорида таърифи берилган яхши хотинлар жуда кам туғилади. Кимга шундай хотин учраса, бошиги баҳт қушининг қўнгани шудир»¹.

Навоийнинг ушбу асардаги «Ишқ тўғрисида» деб номланувчи фаслида муҳаббатнинг умуминсоний, жаҳоншумул аҳамияти, дунёвий ва умроний ишқининг фарқларига нуқтадонлик билан тўхталади. Жумладан, мутафаккирининг қўйидаги жумлаларини келтириб шарҳлайди: «Ишқ — порлоқ юлдуздир, башарият кўзининг нуру зисси шундан; ишқ товланиб турувчи гавҳардир — инсоният тожинининг зийнати ва баҳоси шундан... Ишқ — шунчалар қайсарки, унинг олдида подшоҳ ҳам, гадо ҳам тенг; у шундай зулмдорки, унинг қошида ифлос-фосиқ ҳам, покдил ошиқ ҳам бир».

Бундан ташқари, ўқитувчи ўз изоҳи давомида кишиларга ахлоқ, одоб ва намунали тарбия бериш борасида А. Навоийнинг бошқа айрим асарларидан ҳам мисоллар келтиришни унутмаслиги ксрак.

Захириддин Муҳаммад Бобур. Ўзбек классик адабиёти тарихида буюк Навоийдан сўнг алоҳида обрў-эътиборга эга бўлган, газалиависликда катта ҳурмат орттирган санъаткор Захириддин Муҳаммад Бобурдир.

¹ Алишер Навоий. Маҳбуб-ул-қулуб. Тошкент, 1983. 41-бет.

Маданиятимиз тарихида ўзбек халқининг урф-одатлари, анъаналари ва яшаш тарзини жаҳон миқёсида танитган атоқли давлат арбоби, ҳарбий саркарда, истеъододли шоир, кенг қамровли тарихчи, географ олим ва таржимон Бобурнинг алоҳида ўрни бор. Бобур жаҳонгир лашкаро боши, сайёҳ сифатида дунёнинг талай мамлакатларини кезиб чиқди. У Афғонистон ва Ҳиндистонда узоқ йиллар ҳукмронлик қилди. Бу даврда халқларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари билан яқиндан танишди. У адабиёт, санъат, тарих, жўғрофия ва бошқа илм-фанга доир кўп асарлар яратди¹.

Бобурнинг «Муфассал», «Хатти Бобурий», «Ҳарб иши», «Мусиқий илм» каби асарлари ўзбек миллий маданияти тарихида юксак ўринда туради. Айниқса, унинг лирикаси кишиларни, хусусан, ёшлиарни ҳаётга, ёр ва дисер севгиси, ҳижрон ва гурбат дарди, бадбинлик ва таркидунёлик устидан кулиш, яхши хулқ-одоб ва маърифат тарғиби, ғалабалар нашидаси ва мағлубият алами, афсус ва надомат каби тушунчаларни фаросат билан англаб олишга стаклади; чин инсоний севги ва унинг асосига қурилган турмушни улуғлади.

Алломанинг «Бобурнома» асари эса жаҳон тарихида катта обру орттирган шоҳ битиклардан бўлиб, мутафаккирнинг бутун кўргани билган эсдаликлари мажмуидир. Унда 1494-1529 йилларда бўлиб утган воқеалар, Мовароуннаҳр, Хурросон, Афғонистон ва Ҳиндистонда рўй берган феодал урушлар, уларнинг оқибатлари, турли ўзгаришлар ҳақида гап юритилади; Ўрта Осиё ва бошқа мамлакатлардаги жойлар, табиат лавҳалари санъаткорона ва илмий тадқиқ этилади; воқеа содир этилган жойларнинг тарихи, табиати, муайян ҳудудлардаги маҳаллий аҳолининг хулқ-атвори, урф-одатлари тўғрисида аниқ ва тўлиқ маълумотлар берилади. Жумладан, муаллиф Фаргона вилоятини шундай изоҳлади: «Етти пора қасабаси бор, боши Сайҳун суйининг жануб тарафида, икки шимол жанубида. Жанубий тарафидағи қасабалари(дан) бири Андижондирким, васатта воқеъ бўлубдур, Фаргона вилоятининг пойтахтидур. Отлиги воғир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас».

Ўқитувчи ўз дарси давомида ушбу шарҳ билан чегараланиб қолмай, шаҳарлар ва кишилар, урф-одатлар хусусида «Бобурнома»даги қуйидаги мисолни келтириб, уни шарҳлаб берса, тарихий расм-русларимизга бўлган зътибор янада кучаяди: «Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш (Шаҳрисабз) қўргонидин сунгра мундин улуғроқ қўргон йўқдур. Уч дарвозаси бор. Арки жануб тарафида воқеъ бўлубдур... Эли турктур. Шахр ва бозорисида турки билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била ростдир».

Шу ўринда ўқитувчи ўзбекларнинг тарихий характеристи, урфи, руҳий олами талабларидан кеслиб чиқиб, Бобур тарихий шахс —

¹ Заҳирийдин Муҳаммад Бобур ҳақида айтилган маълумотларнинг кўпчилиги проф. Н. М. Малласвиининг «Ўзбек адабиёти тарихи» (1963) китобидан олинди.

ўз отаси Умаршайх Мирзонинг бутун борлигини — касб-кори, буй-басти, хулқ-авори, муомаласи, кийиниши ва ўзбекларга хос бошқа хусусиятларини кенг таърифлаганини ҳам қуидаги парчаларин келтириш билан очиб бериши даркор:

«*Валодат ва наасаби*». Секкиз юз олтмишда Самарқандда эди. Султон Абусаид мирзонинг туртинчи ўғли эди...

Шакл ва шамойили: паст бўйлуқ, бўлма соқоллиқ, қуба юзлук, ташибал киши эди. Тўнни бисср тор кияр эди, андоғим, бояг боягларурда қорнини ичига тортиб бояглатур эди, бояг бояглондин сўнг ўзини қўя берса, бисср бўлур эрдиким, бояглари узуулур эди. Киймоқда ва смоқда бетакаллуф эди, дасторни дасторпеч чирмар эди. Ул замонда дасторлар тамом чорпеч эди, песчин чирмаб, алоқа қўяр эдилар. Фозлар гайри довонда аксар мўгуллий бўрк кияр эди.

Ахлоқ ва автори: ҳанафий мазҳаблик, покиза ётиқодлик киши эди, беш вақт намозни канда этмас эди... Равон саводи бор эди. «Ҳамсатайн» ва масиавий китобларни ва тарихларни ўқуб эди.

Бисср саҳовати бор эди. Хулқи доги саҳоватича бор эди, хушхулқ ва ҳарроф ва фосиж ва ширин забон киши эди, шужаъ ва мардона киши эди. Икки мартаба ўзи жамъи йигитларидин ўзуб қилич тегурди... Ўқни ўрта чоғлиқ отар эди, бисср зарб мушти бор эди, анинг муштидин йигит йиқилмогон йўқтур... Бурунлари кўп ичар эди, сўнгралар ҳафтада бир-икки қатла суҳбат қуарар эди, хушсуҳбат киши эди... Ҳамиша нард ўйнар эди, гоҳи қимор ҳам қилур эди...

Бобур ижодида тавсиф этилган мазкур талқинлар ўзи яшаган даврдаги ўзбек ҳалқи учун муштарак бўлган ҳаёт тарзи, руҳиятига доир шарҳлардир. Лекин бу даврдаги ҳаёт тарзининг айрим куринишлари ҳозирги замон ўзбекларининг оиласиий ҳаётида ҳам давом этастганлиги ўқитувчи томонидан усталик билан шарҳланиши лозим. Бунда чопон кийиш, бслбог бояглаб юриш, кураш тушиш, яктак кийиш, чопонни пеш (печ) қилиб юришдаги миллний ғуурурнинг моҳияти очиб берилади.

Ўқитувчи дарс ски дарсдан ташқари жараёнда китобхонлар конференцияси, мунозара, мулоқот каби тадбирларни ўтказниш жараёнда ўзбек мутафаккирларининг XVI асрдан то XX аср бошлирига қадар ахлоқ-одоб, урф-одатлар, оиласиий яшаш тарзлари тўғрисидаги Энг муҳим ҳужжатларидан намуналар келтириб, уларни дидактик томондан ҳозирги замонига бояглаб тахлил қилиб бериши лозим. Бунда машҳур сўз санъаткорлари: Пажлавон Маҳмуд, Турди Фарғоний, Мажлисий, Бобораҳим Машраб, Муҳаммад Шариф Гулханий, Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар, Увайсий, Нодира, Ҳамза Ҳакимзода Нисэзий, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний кабилларининг ёшлилар тарбиясига — ахлоқ-одоб, феъл-атвор, онла юргизиш маданиятига доир қарашлари сиқиқ ва ихчам ҳолда тушунтириб берилади.

Иккинчи бўлим

ЎСПИРИНЛАРНИ ТУРМУШ ҚУРИШГА ТАЙЁРЛАШ

ЎСПИРИН АХЛОҚИ ВА РУҲИЯТИ

Ўспириналик — 16-18 ёшлиларни қамраб олган, анча мураккаб даврdir. Мазкур даврда ўқувчи ҳам жисмонан, ҳам маънавий жадал ривожланишга қадам қўяди, руҳий, жисмоний, ижтимоий жиҳатдан етукликка интилади. Жамият фуқароси ҳамда 18 ёшида эса сайлаш (сайланиши) ҳуқуқини қўлга киритади. Буларнинг барчаси ўспирииннинг (фуқаро сифатида) ижтимоий жиҳатдан вояга етиши, турмушда ўз ўринини топиши, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши, етук шахс тариқасида руҳияти ва маънавиятининг ривожи учун жамики шарт-шароитларни яратади.

Ўспирин шахси унинг ижтимоий ҳастда, мактаб жамоасида, тенгқурлари билан шахслараро муносабатлар даврасидаги, ўқиш ва турмуш шароитидаги ўзгаришлар таъсири остида таркиб топа бошлади.

Ўспирииннинг меҳнат фаолиятида, таълим-тарбия жараёнида ақлий ва ахлоқий жиҳатдан ўсишида ўзига хос ўзгаришлар, янги хислат ва фазилатлар намоён бўлаётганилиги кузатилади. Юқори синф ўқувчилари ижтимоий ҳастдаги вазифаларни ҳал этишда қатнаша бошлайдилар. Ижтимоий ҳаст тарзи, таълим-тарбия характеристерининг ўзгариши йигит ва қизларда илмий дунёқараш, ётиқоднинг шаклланишига, юксак инсоний ҳис-туйғуларнинг вужудга келишига, билимларни ўзлаштиришга ижодий синдашишнинг кучайишига олиб кслади.

Турмушда ўз ўринини топишга интилиш, касб-ҳунар эгаллаш, ихтисос танлаш, истиқбол режаларини тузиш, кслажакка жиддий муносабатда бўлишни тақозо қилади. Бироқ бу давр жўшқин куч-ғайрат, шижоат, қаҳрамонлик кўрсатишга интилиш, ҳастда эркин дунёқараш ва мустақил ҳаракат қилиш; жамоага, жамият ва табиат ҳодисаларига романтик муносабатда бўлиш каби хусусиятлар билан бошқа ёш даврларидан кескин ажralиб туради.

Айниқса, турмуш ва ўқиш фаолиятларининг янгича шарт-шароитлари, синф жамоасидаги вазият, ўспириналарнинг мактабда эгаллаган мавқси, жамоат ташкилотларида тажриба ортириши уларга ўзгача талаблар ҳамда масъулиятли вазифалар юклайди. Бу даврга келиб юқори синф ўқувчилари мактаб мухитида ташкилотчи, раҳбар, тарбиячи, ташвиқотчи каби вазифаларни ҳам ўтай бошлайдилар.

Ўспирииннинг руҳий ривожланишида ҳаракатга келтирувчи куч — бу жамоат ташкилотлари, мактаб жамоаси, таълим жараёни

томонидан қўйиладиган талаблар даражасининг ошиши, турли руҳий вазиятлар билан у эришган руҳий камолот ўртасидаги зиддиятдан иборат. Юзага келган қарама-қаршиликлар, зиддиятлар унинг ахлоқий, ақлий, эстетик жиҳатдан тез ўсиши орқали бартараф қилиниб борилади.

Ўспириналарда юз берастган ўзгаришларда уларнинг мактаб, оила, шахслараро муносабатлар даврасидаги мавқеининг янада мустаҳкамланиши муҳим омил вазифасини бажаради. Лекин юқори синф ўқувчиси фаолиятининг хусусияти, мароми, моҳияти ва мазмунидаги туб бурилиш етакчи омил булиб хизмат қиласди.

Даставвал, ўспириналарда ўз-ўзини англаш илгаригига қараганда анча кучайғанлиги яққол кўзга ташланади. Бу ҳолат шунчаки ўсишни билдириб қолмасдан, балки шахсда моҳият жиҳатидан тубдан бошқача тарзда ўз шахсиятининг маънавий-руҳий фазилатларини, ижтимоий турмуш тарзи мақсад ва вазифаларини англаш, уларни оқилона баҳолаш заруриятини акс эттиради. Уларда ўзининг руҳий дунёси, шахсий фазилатлари, ақл-заковати, қобилияти ҳамда имкониятини аниқлашга интилиш кучаяди. Ўз хулқатворини жиловлаш, ҳис-туйғулари ҳамда ички кечинмаларини тушуниш иштиққи юзага кела бошлайди.

Ўспириндаги ўз-ўзини англаш турмуш, яшаш, ўқиш, меҳнат ва спорт фаолиятлари тақозоси билан намоён булади. Мактаб микромуҳитидаги одатланмаган вазият, шахслараро муносабатлар ва муомала кўламигининг кенгайиши ўзига хос типологик, ақлий, ахлоқий, иродавий, ҳиссий хусусиятларини оқилона баҳолаш; қўйилаётган талабларга жавоб бериш тариқасида ёндашиш ўз-ўзини англашни жадаллаштиради.

Юқори синф ўқувчиларининг ўз-ўзини англашга алоқадор ўзига хос хусусиятлари мавжуд: улар, даставвал, ўзларининг кучли ва заиф жиҳатларини, ютуқ ва камчиликларини, муносиб ва номуносиб томонларини аниқроқ баҳолаш имкониятига эга бўладилар. Агарда ўсмирда теварак-атрофдаги кишиларнинг таъсирида ўз фаолиятини аниқ баҳолаш юзага келса, ўспиринда эса бу ҳолат бошқачароқ тарзда кечади: ўз шахсий фазилатини, хулқатворини, ақлий ва жисмоний меҳнат фаолиятини таҳлил қилиш, қиссанлаш, баҳолаш майли кучаяди.

Ўспирин ўз маънавияти ва руҳияти хусусиятларини тўлароқ тасаввур эта олса ҳам, уларга оқилона баҳо беришда қатор камчиликларга йўл қўяди. Булар натижасида у ўз хусусиятларига ортиқча баҳо бериб, манманлик, таққабурлик, кибраниш иллатига дучор бўлади. Бу ҳол, ўз навбатида синф ва педагоглар жамоалари аъзоларига нисбатан гайритабиий муносабатни вужудга келтиради. Шундай ўспириналар ҳам борки, улар ўз хатти-ҳаракати, ақлий имконияти, қизиқишига етарли баҳо бермайдилар ҳамда кўпчилик орасида ўзларини камтарона тутишга интилмайдилар.

Юқори синф ўқувчисининг ўсмирлик давридаги боладан ўзгачароқ яна бир хусусияти — бу мураккаб шахслараро муносаба-

батларда акс этувчи бурч, виждон ҳиссини англаш, ўз қадр-қимматини эъзозлаш, сезиш ва фаҳмлашга кўпроқ мойиллигидир. Масалан, ўспирин йигит ва қиз сеэгирилик деганда нозик, нафис ҳолатларнинг фарқига бориш, заруриятни тезлик билан англаб стиш, холисона ёрдам уюштириш, шахс нафсо-ниятига тесмасдан ишни амалга оширишни тушунади. Ўспирин ўзининг келажак эзгу ниятига мувофиқ равишда баҳо бериш, жамоада ўз ўрнини белгилаш нуқтаи назаридан ёндашади. Чунончи «Ўзим танлаган мутахассисликка яроқлиманими?», «Ватанимга, ота-онамга муносиб фарзанд бўла оламаними?», «Жамият тараққистига ўз улушимни қўша оламаними?» деган саволларни ўртага ташлайди.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ўқувчида ўз фазилати тўғрисида мукаммал тасаввур вужудга келтириш учун ўқитувчи моҳирона, жуда усталик, билимдонлик, зийраклик билан ёрдам бериши лозим. Ўқитувчи ўзининг ўқувчиларга бўлган дўстона, илиқ муносабатида, синф жамоаси ўртасида ишонч, обру қозонишида, ҳар бир мулоҳазасида педагогик-психологик назокатга риоя қилиб борса, йигит ва қизларда ўз кучига, имкониятига, ақлий қобилиятига, фаҳм-фаросатига нисбатан ишонч ҳисси пайдо бўлади; уларда ўз устозларига чуқур ҳурмат, миннатдорчилик туғуси ўйгонади.

Ўспирин ўқувчида ўз-ўзини англаш ислизида ўз-ўзини тарбиялаш истаги туғилади, натижада унда ўз-ўзини тарбиялаш восита-ларини саралаш, уларни қундалик турмушга татбиқ қилиб куриш эҳтиёжи вужудга келади. Лекин ўз-ўзини тарбиялаш жараёни юқори синф ўқувчиси руҳиятидаги мавжуд нуқсонларга барҳам бериш, ижобий хислатларни шакллантириш билан кифояланиб қолмасдан, балки вояга стган кишиларга хос кўп қиррали, умумлашган идеалга мос равишда таркиб топтиришга йўналтирилган бўлади.

Таълим жараёнида ўспириналар томонидан одам анатомияси, физиологияси, гигиенасига доир тушунчаларни ҳосил қилиб бориш орқали инсон руҳиятидаги айрим хусусиятлар наслий белгига эга, деган холосадан баъзи пассив ўқувчилар ўз-ўзини тарбиялаш имкониятига ишончсизлик билан қараш пайдо бўлиши мумкин. Мабодо йигит ва қизларда бундай кечинмалар кўзга ташланса, у ҳолда ўқитувчи таъсир ўtkазиш, ишонтириш, ишонч ва меҳрумуҳаббатга эришиш йўлидан фойдаланиб, ўз-ўзини тарбиялашнинг аҳамиятини далиллар асосида кўрсатиши зарур.

Ўспириналик даврида ўқувчилар ўзида шахснинг энг қимматли фазилатларини, уқув ва малакаларни онгли, режали, тартибли, изчил ва мунтазам равишда эгаллаб боришга эҳтиёж сезадилар. Шу боисдан улар ўзларида шахснинг муайян фазилатлари ва хислатларини ҳосил қилишга ҳаракат қиласидилар; ўз-ўзини тарбиялаш муаммолари, яхлит маънавий-руҳий қисфани шакллантиришга ийтиладилар.

Маълумки, юқори синф ўқувчилари маънавий-руҳий қиёфани яратиш учун ўзларига мос келадиган оқилона ўлчам, мезон вазифасини бажарувчи баркамол, мукаммал тимсол, ибрат намунасини қидирадилар.

Одатда ўспиринларда идеаллар бир неча кўринишда намоён бўлиши ва ҳар хил шаклда акс этиши мумкин. Жумладан, улар баъзи кишиларнинг намуналари, таниқли кишилар, бадиий асар қаҳрамонлари тимсолида ўзларида юксак қадр-қимматга эга бўлган фазилатларни гавдалантиришни орзу қиласидар. Бинобарин, ўспиринларнинг ўзлари учун танлаган юксак фазилатлар шахсдаги энг олижаноб сифатлар мажмуасидан иборат ижобий кўринишдаги тимсоллардир. Бироқ йигит ва қизлар ўртасида идеал тимсол танлашда катта тафовут кўзга ташланади. Масалан, қизлар кўпинча меҳнаткаш аёлнинг, жозибали, назокатли, иболи, иффатли жамоат арбобининг, бадиий асар қаҳрамонининг хусусиятлари билан уйғунлашган тимсолларни идеал даражасига кўтарадилар. Бироқ айрим ўқувчилар тарихий шахсларнинг салбий сифатларига тақлид қилишга мойил бўладилар. Чунончи, йўлтўсар, қув жосус ва бошқалар. Ўқитувчи бундай «намуна» образлар сир-асрорини очиб ташлаши, шу билан бирга, ўқувчиларга идеал танлаш борасида ёрдам бериши лозим.

Ўспирин ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялаш жараёни мактабдаги жамоат ташкилотлари, педагоглар жамоасининг тарбиявий таъсири доирасида бўлмоғи шарт. Токи ўз-ўзини тарбиялашни тақомиллаштириш жамоада муносиб ўрин эгаллашга, ижтимоий бурчни англаш, фойдали меҳнатга жалб этиш ишига хизмат қилисин. Ўз-ўзини тарбиялашни тўғри изга солиб юбориш учун уйғун бирликни ташкил этган тарбиявий чора-тадбирлар мажмуаси тарзида таъсир ўтказиш жамоа мажбурияти, ўзаро ёрдам ва назорат қилиш, ўзаро баҳолаш ва танқид қилиш кабилар мақсадга мувофиқидир.

Ўз-ўзини тарбиялашда катталарнинг раҳнамолиги бир оз пасайиб қолса, у ҳолда ўспирин ёшидаги айрим ўқувчилар фаолиятида шахсиятпастликка интилиш майллари кўзга ташланиши мумкин. Зотан, ўз-ўзини тарбиялаш мақсадини тўғри англаш, қўйилган нуқсонларга барҳам бериш йўлларини кўрсатиб боришгина кўзланган мақсад сари стаклади.

Кузатишлар ва тажрибалардан шу нарса аёнки, баъзи ҳолларда ўспиринлар соҳта кўринишлари билан ўзларини қўрқмас, жасур қилиб кўрсатишга, ноўрин хатти-ҳаракатлар қилишга мойил бўладилар, қалтис ҳулқ-атвор ёрдами билан иродаларини тарбиялашга интиладилар, гоҳо ҳаётларини хавф остига қолдиришгача бориб стадилар. Шунинг учун уларга сунъий усул, соҳта воситалар ёрдамида тўсиқ ва қийинчиликларни бартараф қилиш мумкин эмаслигини тушунтириш, оқилона, мақсадга мувофиқ самарали усуллардан фойдаланиш йўллари билан таништириш, улар онгига ҳақиқий чиниқиши малакасини сингдириш яхши натижга беради.

Юқори синиф ўқувчилари маңнавий хислатларга, ахлоқ маромига, мөхиятига жиддий муносабатда бўлишади. Улар ахлоқий муаммолар, бирликлар мазмунини чуқур англай бошлайдилар; ҳар қайси ахлоқий тушунчаларнинг нозиклиги ва кўп маъноли эканлигини фаҳмлашга ҳаракат қиласидилар. Масалан, бурч, виждон, гурур, қадр-қиммат, фахрланиш, масъулият, ор-номус каби тушунчаларни чуқур таҳлил қила оладилар. Лескин уларнинг барчаси таъкидлаб ўтилган ахлоқий тушунчаларни юксак даражада англайди, деган холосага келиш мумкин эмас. Шу боисдан тўғри ахлоқий қарашлар, тасаввурлар таркиб топиши учун ижтимоий турмуш тарзининг ўзи старлидир деб холоса чиқариб бўлмайди. Ўқитувчи хотиржамликка чек қўйиб, жамоада соғлом мұхитни яратиш, барқарор шахсни таркиб топтириш учун доимо изланишда бўлиши зарур.

Руҳшунос ва педагог олимларнинг олиб борган қатор тадқиқотлари шуни кўрсатмоқдаки, мактабда тарбия тартибли, изчил олиб борилмаса, йигит ва қизларда чинакам ғоявий барқарор эътиқодни шакллантириш ҳақида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас. Ўспириналарда ахлоқий тушунчаларни оқилона шакллантириш, ножӯя хулқ-атвор, чет эл фильмларининг маънавият ва руҳиятга салбий таъсири этишини муттасил тушунтириш лозим. Ижтимоий турмушда учрайдиган баъзи бир ярамас юриш-туриш кўринишларига, иллатларга, сарқитларга қақшатқич зарба бериш, уларнинг таъсиридан йигит ва қизларни асраш, ёт ташвиқот мөхиятига қарши кураш олиб бориш педагоглар жамоасининг бош вазифасидир. Бинобарин, ўспирин руҳияти ва маънавиятини но-соғлом ғоя, худбинлик режалари; ахлоқсизлик, лоқайдлик, андишасизлик, ихтилофчилик, товламачилик, дангасалик сингари иллатлар эгалламаслиги лозим. Барқарор эътиқодни қарор топтириш жарағасида ўспириналар томонидан ахлоқий тушунчаларнинг юзаки, чала-чулла эгалланиши тарбия ишидаги камчиликлар на-тижаси ҳисобланади.

Руҳшунослар олиб борган илмий тадқиқотларнинг кўрсатишича юксак ахлоқий тушунчалардан бурч, виждон, фахрланиш, уялиш,adolat кабиларни ўспириналарнинг ярмиси бирмунча тўлароқ изоҳлаш, шарҳлашга қодирдирлар.

Ўспириналarda балофатга стганлик туйғуси такомиллашиб бориб, ўз-ўзини қарор топтириш, ўз маънавий қиссасини ифодалаш туйғусига ўсиб ўтади. Бу нарса уларнинг алоҳида шахс эканлигини тан олишга интилишида ўз ифодасини топади. Бунинг учун айрим ёшлар модаларга майл қўйиш, мураккаб тасвирий санъатга, мусиқага, касб-ҳунарга, табиатга мафтункор қизиқишлигини на-мойиш қилишга ҳаракат қиласидилар.

Ўспирин ўқувчи шахсида ижтимоий-тарихий мураккаб сабабларга боғлиқ ҳолда ўзини жамоа орасида, оила қучогида қарор топтириш туйғусини такомиллаштириб бориш ҳам ғоятда мұхимдир.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, юқори синифларда ўқувчи қизларнинг катта ёшлаги кишилар таъсирига осон берилишга мойислиги кузатилади. Шунингдек, ўспирии йигитларнинг катталардан кўра ўз тенгдошлари таъсирига кучлироқ берилиши кўзга ташланади. Ана шу сабабдан юқори синиф ўқувчиси шахсининг таркиб топнишига мактаб минромуҳити, синиф жамоаси, расмий ва иорасмий тенгкүр бошлиқлар (лидерлар) кучли таъсир ўтказадилар. Синиф жамоаси умумий мақсадин белгилашга, ҳам шахсий, ҳам ижтимоий муносабатларни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратади.

Синиф ва мактаб жамоалари таъсирида матонат, жасурлик, сабр-тоқат, камтарлик, интизомлилик, ҳалоллик каби инсоний фазилатлар тақомиллашади, ҳудбинлик, лоқайдлик, мунофиқлик, лагинбардорлик, даигасалик, қўрқоқлик, гайирлик сингари иллатларнинг барҳам топниши тезлашади. Жамоа аъзолари ўртасидаги аҳллик, бирлик, ягона мақсад сари интилиш, илиқ руҳий вазият мавжуд салбий кўринишларни ўқотиш учун хизмат қиласди.

Юқори синиф ўқувчилари шахснинг шаклланиши жараёнида жамоат ташкилотларининг роли алоҳида аҳамият касб этади. Ўспирииларда фаоллик, ташаббускорлик, мустақиллик, қатъиятлилик, масъулиятлилик, ўз ҳаракатларини танқидий баҳолаш сингари фазилатлар барқарор ҳусусият касб этиб боради. Ўз нафбатида, гоявий-сиёсий, ватанпарварлик, жамоачилик, инсонпарварлик, байнамилалчилик, ўзаро ёрдам, ҳамкорлик туйгуларининг ривожланиб бориши ўспирииларни мукаммал босқичга кўтәради. Бундай муҳитда ўқувчилар руҳий дунёсидағи мавжуд нуқсонлар таъкидлаб ўтилмасдан, балки уларнинг ўз вақтида олдини олиш, йўқотиш ва тузатиш йўллари кўрсатиб берилади. Жамоат ташкилотидаги умумий ички бирдамлик ўспирии ёшлар шахсида интизомлилик, жамоатчилик фикрига ишонч, сохта тасаввурларга ишонмаслик ҳис-туйгуларини вужудга келтиради. Шунга ҳарамасдан, баъзи бир ўспирии ўқувчилар ўз тенгдошларини сохта қувватлаш, ҳимоя қилиш ҳабибида иш туладилар, ҳатто ўқитувчининг оқилона баҳолашига гайритабии муносабатда бўладилар.

Ўспирии йигит ва қизларнинг жамоатчиликда фаол иштирок этишин орқали муййян ташкилотчилик қобилияти намоди бўлади. Ана шу ҳолатни кузатган совет руҳшуноси Л. И. Уманский ташкилотчилик қобилияtlари ўзаро узвий bogliq bўlgan таркибий қисмлардан иборат эканлигини таъкидлаб ўтади: 1) ташкилотчилик туйгуси психологияк топқирлик, қашфиётчилик, психологик одоб, назокат, амалий ақл-идроқларда ўз ифодасини топади; 2) тенгдошларига ҳиссий-иродавий таъсир кўрсатиш имконияти (мулмочларни ҳал этиш йўлларини излаш билан банд қилиш, улар ўртасида куч-гаират ўйготиш); 3) ташкилотчилик фолия-

түгэ мөйиллик (жүшкүн ҳис-туйгу, ижобий муносабат, фәоллик күрсатиш, қатый қизиқыш ва ҳоказолар). Олимпиннг фикрича, ўспирни намунали ташкилотчи бўлиши учун унда асосан уч гурӯҳ хусусият, ўзига хос инсоний хислатлар мавжуд бўлиши керак. Буларни муаллиф қўйилагича шарҳлашга ҳаракат қиласли: а) ахлоқий хислатлар — жамоачилик, самимилилк, ташаббускорлик, фәоллик, меҳнатсеварлик; б) ироданий хислатлар — матонат, қатыйлилк, мустақиллик, тартибланилк, интизомилилк; в) жўшкун туйгу ҳислатлари — хушсақчақлик, тетиклик, ҳазил-мутойиба ва янгиликни ҳис этиш, ўз кучига ишонч, искбиилик (оптимизм) ҳислари ва бошқалар.

Романтика ўспиринлар ҳастида (кишини улугловчи гоё ва ҳис-туйгулар мажмуи; хаёлпастлик деб ҳам атаса бўлади) мухим ўрин эталлайди. Чунончи: улкан бунёдкорлик, ўз қувватини буюк ишларга багишлаш туйгуси, орзу-умид, жўшқинлик, ёрқин ички кечинималтар, гўзаллик оғушига гарқ бўлишилик шулар жумласидандир.

Ўспиринларниң яна бир мухим ўзига хос хислатларидан бири — бу уларда дўстлик, ўртоқлик, улфатчилик, муҳаббат туйгуларини юксак даражада ҳис қилишидир. Бу хилдаги ҳис-туйгулар йигит ва қизлар маънавияти ва руҳиятида қанадай таъсири этишига қараб, тарбияний чора ва талбирларни амалга ошириш яхши натижга беради.

Синфдаси ҳамкорлик фәолиятида ўзаро ёрдамлашиш, ҳамжиҳатлик, умумий мақсадга интилиш ва манфаатлар бирлингига асосланган ўртоқлик муносабатлари юзага келади.

Ўртоқлик муносабатларининг юксак чўққиси дўстлик ҳис-туйгусида намоён бўлади. Бу ҳис-туйгу дўстига нисбатан меҳрибоиликдан, уни кўриш, суҳбатлашиш, ўз фикр ва ҳиссиётлари билан ўртоқлашишда кўзга ташланади. Ҳақиқий, чинакам дўстлик туйгуси ҳамроҳига нисбатан талабчанлик билан бөглиқ бўлиб, ҳатоларни биргаликда тузатишда ўз ифодасини топади.

Иккى жинс ўртасидаги интим муносабатнинг ёрқин ёлқини эса йигит билан қизининг ўзаро муҳаббатидир. Мазкур ҳис ўспиринларниң ўзаро яқинлиги, ҳаётга қарашлари, қизиқишлари, дидларининг умумийлиги ва бутун умрга иттифоқлик баҳш этгани қувонч туйгуси билан ажralиб туради.

Ўспиринлик давридаги ўқуячиларда табиат, санъат, адабиёт, ижтимоий турмуш гўзалликларини пайдош, идрок қилиш, севинч хислатлари анча юқори бўлади. Улар руҳиятида майдин, ёқимли садо, қалбни тўлқинлантирувчи мусиқа, нозик ҳис-туйгу, эзгулик ҳислари, майллари кучайди. Айниқса, нафосат ҳис-туйгуси улар маънавиятидаги қўпол, нохуш, хунук ва ёқимсиз қизиқларининг йўқолишинга таъсири этади. Лекин бу нарсалар жўшкун, кескин, шавқ ва завқли ҳолатлардан бутунилай воз кечиш демакадир, деган фикрга олиб келмаслиги керкик. Шунга қарамасдан, ўспиринлар орасида эстетик жиҳатдан шаклланмаган, нотўғри эстетик тасав-

Шу нарсаны алоқида таъкидлаб ўтш зарурки, юқори синфларда ўқувчи қизларнинг катта ёшлини кишилар таъсирига осон берилешгина мойиллиги кузатилади. Шунгидек, ўспириң йигитларнинг катталардан кўра ўз тенгдошлари таъсирига кучлироқ берилиши кўзга ташланади. Ана шу сабакни юқори синф ўқувчиси шахсининг таркиб топишига мактаб ижроати, синф жамоаси, расмий ва норасмий тенгқур бошлиқ (лидерлар) кучли таъсир ўтказадилар. Синф жамоаси умумий максадни белгилашга, жамоа аъзолари ўртасида нормал муносабат ўрнатишга, ҳам шахсий, ҳам ижтимоий муносабатларни ривожлантришга кенг имкониятлар яратади.

Синф ва мактаб жамоалари таъсирида матонат, жасурлик, сабр-тоқат, камтарлик, интизомлилик, ғулоллик каби инсоний фазилатлар такомиллашади, худбинлик, қайдлик, мунофиқлик, лаганбардорлик, дангасалик, қўрқонлик, гайирлик сингари иллатларнинг барҳам топиши ташшади. Жамоа аъзолари ўртасидаги аҳллик, бирлик, ягона максад сари интилиш, илик руҳий вазият мавжуд салбий кўринишларни ўқотиш учун хизмат қиласиди.

Юқори синф ўқувчилари шахснинг шаклланиши жараснида жамоат ташкилотларининг роли алоқида аҳамият касб этади. Ўспириналарда фаоллик, ташаббускорлик, мустақиллик, қатъиятлилик, масъулиятлилик, ўз ҳаракатларни танқидий баҳолаш сингари фазилатлар барқарор хусусият касб этиб боради. Ўз навбатида, гоявий-сисий, ватанпаварлик, жамоачилик, инсон-парварлик, байнамилалчиллик, ўзро ёрдам, ҳамкорлик туйгуларининг ривожланиб бориши ўспириналарни мукаммал босқичга кутаради. Бундай муҳитда ўқувчилар руҳий дунёсидаги мавжуд нуқсонлар таъкидлаб ўтилассан, балки уларнинг ўз вақтида олдини олиш, ўқотиш ва туташш ийллари кўрсатиб берилади. Жамоат ташкилотидаги умумий ички бирдамлик ўспириң ёшлар шахсида интизомлилик, жамоатчилик фикрига ишонч, сохта тасаввурларга ишонмаслик ҳиссиятларини вужудга келтиради. Шунга ҳарамасдан, баъзи бир ўспириң ўқувчилар ўз тенгдошларини сохта қувватлаш, ҳамо қилиш қабилида иш тутадилар, ҳатто ўқитувчининг оқилюн баҳолашига гайритабии муносабатда буладилар.

Ўспириң йигит ва қизларнинг жамоатчиликда фаол иштирок этиши орқали муайян ташкилотчими қобилияти намоён булади. Ана шу ҳолатни кузатган совет руҳи Л. И. Уманский ташкилотчилик қобилиятлари ўзаро ўзине боғлиқ бўлган таркибий қисмлардан иборат эканлигини ташкилот ўтади: 1) ташкилотчилик туйгуси психологик топқирлик, ишвиётчилик, психологик одоб, назокат, амалий ақл-идроқлари ўз ифодасини топади; 2) тенгдошларига ҳиссий-иродавий таъсир кўрсатиш имконияти (муаммоларни ҳал этиш ийлларини ташкилотчилик ташкилотчилик фаолия-

тига мойиллик (жұшқин ҳис-туйғу, ижобий муносабат, фаоллик күрсатиши, қатын қизиқишиң ва әкесінде). Олимнинг фикрича, үспириң намунали ташкилотчи бўлиши учун унда асосан уч гурӯҳ хусусият, ўзига хос инсоний хислатлар мавжуд бўлиши керак. Буларни муаллиф қўйидагича шарҳлашга ҳаракат қиласди: а) ахлоқий хислатлар — жамоачилик, самимилилк, ташаббускорлик, фаоллик, меҳнатсеварлик; б) иродавий хислатлар — матонат, қатыйлилк, мустақиллик, тартиблилк, интизомлилк; в) жұшқин туйғу ҳислатлари — құшчақчақлилк, тестилик, ҳазил-мутойиба ва янгиликни ҳис этиш, ўз кучига ишонч, искбинлик (оптимизм) ҳислари ва бошқалар.

Романтика үспириңлар ҳастида (кишини улуғловчи ғоя ва ҳис-туйғулар мажмуи; ҳаёлпаратлик деб ҳам атаса бўлади) муҳим ўрин эгаллайди. Чунончи: улкан бунёдкорлик, ўз қувватини буюк ишларга бағишли туйғуси, орзу-умид, жұшқинлик, ёрқин ички кесчинмалар, гўзалик оғушига ғарқ бўлишилик шулар жумласидандир.

Үспириңларнинг яна бир муҳим ўзига хос хислатларидан бири — бу уларда дўстлик, ўртоқлик, улфатчилик, муҳаббат туйғуларини юксак даражада ҳис қилишдир. Бу хилдаги ҳис-туйғулар йигит ва қизлар маънавияти ва руҳиятида қандай таъсир этишига қараб, тарбиявий чора ва тадбирларни амалга ошириш яхши натижага беради.

Синфдаги ҳамкорлик фаолиятида ўзаро ёрдамлашиш, ҳамжиҳатлик, умумий мақсадга интилиш ва манфаатлар бирлигига асосланган ўртоқлик муносабатлари юзага келади.

Ўртоқлик муносабатларининг юксак чўққиси дўстлик ҳис-туйғусида намоён бўлади. Бу ҳис-туйғу дўстига нисбатан меҳрибонликда, уни кўриш, сухбатлашиш, ўз фикр ва ҳиссиётлари билан ўртоқлашишда кўзга ташланади. Ҳақиқий, чинакам дўстлик туйғуси ҳамроҳига нисбатан талабчанлик билан боғлиқ бўлиб, ҳатоларни биргаликда тузатишида ўз ифодасини топади.

Икки жинс ўртасидаги интим муносабатнинг ёрқин ёлқини эса йигит билан қизнинг ўзаро муҳаббатидир. Мазкур ҳис үспириңларнинг ўзаро яқинлиги, ҳаётга қарашлари, қизиқишилари, дидларининг умумийлиги ва бутун умрга иттифоқлик бахш этган қувонч туйғуси билан ажralиб туради.

Үспириңлик давридаги ўқувчиларда табиат, санъат, адабиёт, ижтимоий турмуш гўзаликларини пайқаш, идрок қилиш, севиш хислатлари анча юқори бўлади. Улар руҳиятида майин, ёқимли садо, қалбни тўлқинлантирувчи мусиқа, нозик ҳис-туйғу, эзгулик ҳислари, майллари кучаяди. Айниқса, нафосат ҳис-туйғуси улар маънавиятидаги қўпол, нохуш, хунук ва ёқимсиз қилиқларнинг йўқолишига таъсир этади. Лекин бу нарсалар жұшқин, кескин, шавқ ва завқли ҳолатлардан бутунлай воз кечиш демакдир, деган фикрга олиб келмаслиги керак. Шунга қарамасдан, үспириңлар орасида эстетик жиҳатдан шаклланмаган, нотўғри эстетик тасав-

вурга эга бўлган шахслар учрайди. Уларда эстетик ҳис-туйғу, эстетик қаравининг ўсишида илм-фан ва техника тараққиёти, тафаккурнинг такомиллашуви, тақлид қилиш муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун турли музейлар, кўргазмалар, концерт заллари, кино, театр, радио ва телестудияларга экскурсиялар уюштириш мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда ўқитувчи ўқувчининг фсъл-атворидаги тақлид қилиш — ўзини кўрсатиш иллат-одатининг у ёки бу томонини сритеш билан боғлиқ ҳаётий далиллардан аниқ мисоллар келтиради. Бунда тақлид қилишнинг ижобий ва салбий томонларига хос хусусиятларини очиб беришга доир мисоллар кўрсатилади; тақлид қилиш билан масхабозлик, найрангбозликнинг ўзаро фарқи кўрсатилиши лозим.

Юқори синф ўқувчиларининг ўқув машғулотига муносабати ўз хусусияти ва мазмуни жиҳатидан бошқа ёшдаги ўқувчиларнинг таълим жараёнинг муносабатидан тубдан фарқ қиласди. Ўқув ресжаси ва дастурининг мураккаблашуви, янги фан ва мавзуларнинг киритилиши ўзлаштиришни назарий тафаккур ёрдамида амалга оширишни тақозо этади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларнинг ўқишига муносабати ҳам ўзгаради, улар айрим фанларга танлаб муносабатда бўла бошлайдилар.

Совет руҳшуноси Н. Д. Левитов олиб борган тадқиқотларнинг кўрсатиличи, ўспирин ўқувчиларнинг ўқув фанларига муносабатлари қўйидаги ҳолатларга: 1) фаннинг дунёқарашдаги ролига; 2) фаннинг билишдаги аҳамиятига; 3) фаннинг ижтимоий аҳамиятига; 4) фаннинг амалий аҳамиятига; 5) фанни ўзлаштириш даражасига; 6) фанни ўқитиш методикасига боғлиқдир.

Ўспиринлик даврида билишга оид қизиқиш кўлами тобора амалий хусусият касб эта бошлайди. Жумладан, ижтимоий-сиёсий масалаларга, техникага, табиатга, осмон жисмларига, спорт ва ҳоказоларга қизиқиш кучаяди. Ўқувчиларнинг тўгарак ишларига фаол қатнашиши ўз қобилияти ва ақлий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Ўспиринларда сезирлик, кузатувчанлик янада такомиллашиб боради, мантиқий хотираси, эсда олиб қолишининг оқилона йўл ва воситалари эса таълим жараённада етакчи вазифани адо эта бошлайди. Улар берилган топшириқларни счишда ва бажаришда, уларнинг маъно ҳамда моҳиятини тўла англаган ҳолда иш юритадилар; эсда сақлаш, эсга тушириш жараёнларининг зарур усулларидан унумли фойдаланадилар. Ушбу жараёнларни муваффақиятли амалга оширишни таъминловчи дигистада сифат ва миқдор ўзгаришлари юзага келади. Диққатни кўчириш ва тақсимлаш уқуви ўқувчиларда сезиларли даражада ривожланади; ўзгалар нутқини тинглаш, ёзиб олиш, мулоҳаза юритиш маҳорати ошади, ақлий қобилияти такомиллашади.

Мазкур паллада ўспиринларнинг тафаккури тобора фаол, мустақил ва ижодий хусусият касб эта бошлайди. Шунга қарамасдан,

фикр юритишиң фаолиятида, фаолиятнинг барча босқичларида мустақилликнинг стишмаслиги уларнинг руҳиятидаги муҳим камчиликларидан бири ҳисобланади. Олиб борилган илмий тадқиқотларга қараганда, ўспиринларга адабий қаҳрамон образини тасвирлаб бериб, ушбу асар моҳияти ва ғояси юзасидан мустақил ҳуқум чиқариш топширилган тақдирда, у топширилган асарни ўқиши, аммо ҳеч қандай хулоса чиқармаслиги, ўқитувчи сўзларининг ҳар бирини эслаб қолиб (мавзуга ижобий ёндашмасдан), шундоққина қайтадан айтиб беришга ҳаракат қилиши; ўзи эшитганлари билан (мактабдан ва синфдан ташқари фаолиятда) ўқитувчи ахборотини (маълумотини ёки хабарини) қўшиб жавоб берииши; ўз шахсий фикрини баён этишда қийинчилек туғилса, асадан мисоллар келтириши мумкин ва бошқалар.

Юқори синф ўқувчиларида назарий тафаккурнинг шаклланишида дарсдан ташқари машгулотлар муҳим аҳамиятга эга. Шунингдеск, ўқувчи тафаккурининг мустақиллик даражасини вужудга келтиришда ўқитувчининг ўзи муҳим роль ўйнайди. Бу нарсани ушбу мулоҳазалар орқали изоҳлаш мумкин: биринчидан, ўқитувчи ўспиринларда ўрганиластган нарса ва ҳодисаларнинг тўғрилиги ҳақида ишонч ҳосил қилиб, уларни қаноатланиш, исботлаш ва далиллашга ўргатиб бориши керак. Иккинчидан, ўқитувчи мазкур ёшдаги ўқувчиларни нарса ва ҳодисалар ҳақида мустақил фикр юритишига ўргатиши лозим. Учинчидан, ўтказиладиган машгулотларда ҳадеб қўлланавериб эскириб қолган бир қолипдаги сўзлардан, иборалардан фойдаланишга йўл қўймаслик, ёхуд уларни тақиқлаш ўқувчиларни ижодий изланиш сари етаклаши мумкин. Тўртинчидан, ўқитувчи йигит ва қўзларнинг олган билимини амалда татбиқ қилишга ўргатиши шарт, бунинг учун у болаларда амалий малакаларни шакллантиришга ҳаракат қилиши мақсадга мувофиқдир.

Тафаккур бошқа руҳий жараёнлардан ажralган ҳолда тараққий этиши мумкин эмас. Ана шу сабабдан, тафаккур ривожланиши билан биргаликда, ўқувчиларнинг нутқ маданияти ривожланади. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчининг ўз фикрини тўғри ифодалаш малакасини таркиб топтириб, нутқ тузилишини такомиллаштиради ва лугат таркибини янада бойитади. Бу ўринда ўқитувчи ўқувчининг фикрлаш қобилиятини такомиллаштириш учун тил билан тафаккур ўртасидаги боғланиш ва муҳим фарқларни тушунтиргач, энди ўқувчига унча таниш бўлмаган нарса ва буюмларни кўрсатиш орқали унинг хусусиятларини таърифлайди ва номланнишини айтади. Бу билан ўқувчи ўз нутқига ва лугати таркибига яна бир янги тушунча ва сўзни олиб кирган бўлади.

Ўспирин у ёки бу хилдаги, турли жанрдаги адабий асарларни ўқиши, тушуниш орқали мустақил фикр юритиши, мулоҳаза қилиш ва мунозарага киришишга ўрганиб боради. Унинг табиат ва жамиятга нисбатан мустақил нуқтаи назари, қараши, эътиқоди, шахсий фикри шаклланади. Ўз-ўзидан маълумки, ушбу шахс

фазилати ўспириннинг эркин ва ижодий тарзда фикрлаши, мустақил равишда йўлаши, ҳукм ва хулоса чиқариши, бир қарорга келишининг натижаси бўлиб, ўзга кишиларнинг ташқаридан берган маслаҳати маҳсули эмасdir.

Йигит ва қизларда адабий асарни баҳолаш, унга нисбатан ўз шахсий фикрини билдириш, муаммоли жиҳатлари юзасидан мунозарага киришиш каби ижодий фаолиятнинг мавжудлиги реал воқеъликка нисбатан ақлий ёндошиб, турмушдаги айрим нарсаларга танқидий муносабатда бўлиш инсоний хислатлар шаклланишининг айнан ўзгинасидир. Аксинча турмуш чорраҳаларида учрайдиган ноўрин танқидийлак эса ўқувчининг бадиий диди ва турмуш таж-рибасининг етишмаслигини билдиради. Ўқитувчининг айни шу пайтдаги асосий вазифаси ўқувчиларнинг тафаккурини танқидий сифат билан алмаштириб, уларни воқеъликка одилона танқидий нуқтаи назардан қарашга ўргатишдан иборатdir.

Юқори синф ўқувчиси ақлининг танқидийлигига оғмачиликка йўл қўйишлик ҳолати кучлидир: бунинг сабабларидан бири — воқеълик моҳиятини тўғри тушуниб стмаслик бўлса, иккинчиси эса — унинг «ўз мавқси»да бўш келмасликка интилиш ёки нарса ва ҳодисаларни англаб турган ҳолда қайсарлик, «ўжарлик» қилишидан иборатdir.

Катта ёшдаги ўқувчиларда моддий дунё тўғрисида шахсий фикрларни, мулоҳазаларни, энг муҳим қарашларни таркиб топтиргандагина тафаккурнинг танқидийлигини тараққий эттириш мумкин. Ақлнинг ёки тафаккурнинг танқидийлигини тарбиялашда (такомиллаштиришда) ўқитувчи (ҳар бир фандан сабоқ берувчи ўқитувчилар) ўқувчининг ўзига хос хусусиятига, ақлий тараққист даражасига, мавжуд билими, мулоҳаза юритиш доирасининг кенглигига, нутқ маданиятига, шахсий нуқтаи назарига, ўқишига муносабатига, фанларни ўзлаштириш иштиёқига, ақлий фаолият усулларини қанчалик эгаллаганлигига, таълим кўнижаси, ўқув ва малакаларнинг мавжудлигига ҳамда уларни асослаш, исботлаш, ишонч ҳосил қилиш каби ижодий тафаккур сифатларига дикқат-эътиборни қаратиши лозим.

Ақлий томондан танқидий ёндошиш кўнижасининг ривожланиши юқори синф ўқувчиларини моддий дунёни, атроф-муҳитни мустақил ўрганишига; ўқув фанлари материалларини пухта ўзлаштиришга, дарсда ташаббускорлик ва фаолликни оширишга ундайди. Бундан ташқари, воқеъликни исботлаш, асослаш, далиллаш кўнижмаларининг пайдо бўлишига имкон яратади; ўрганиластган обьект тўғрисида ҳукм ва хулоса чиқаришини тасдиқлаш ёки уни инкор қилиш қобилиятини тараққий эттиради.

Ўспирин тафаккурининг сифатига унинг мазмундорлиги, чуқурлиги, кенглиги, мустақиллиги, самарадорлиги, тезлиги кабилар киради. Тафаккур мазмундорлиги деганда ўспирин онгидаги теварак-атрофдаги воқеълик тўғрисида қанча миқдорда мулоҳазалар, муҳокамалар ва тушунчалар жой олганлиги назарда

тутилади. Тафаккурнинг чуқурлиги деганда эса моддий дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг асосий қонунлари, хоссалари, сифатлари, уларнинг ўзаро боғланиш ва муносабатлари ўспириннинг фикрлаш фаолиятида тұлиқ акс этганды түшенилади.

Тафаккурнинг көнглиги үзининг мазмундорлығи ва чуқурлиғи сифатлари билан мунтазам боғлиқ бўлади. Юқори синф ўқувчиши ўзида нарса ва ҳодисаларнинг энг муҳим белги ва хусусиятларини мужассамлаштирган бўлса, ўтмиш, ҳозирги замон ҳамда келажак ҳақидаги мулоҳазаларни қамраб олса — бу кенг тафаккур дейилади. Тафаккурнинг мустақиллиги деганда ўспириннинг шахсий ташаббуси билан ўз олдига янги вазифалар қўя билиши, бу вазифаларни ҳеч кимнинг ёрдамисиз, оқилона усувлар билан мустақил ҳал қилиш ўқувчанлигини тушуниш керак. Ақлнинг ташаббускорлиғи деганда эса ўқувчининг ўз олдига янги масала ва вазифалар қўйишини, уларни ниҳоясига етказиша самарадор воситаларни ўзи топишга интилиш туйғусининг юзага келишини англаймиз.

Ақлнинг пишиқлиги вазифаларни счиш пайтида, янги усувларни тезроқ излаб топишда, шу усувларни ўз ўрнида қўллай олишда, эскирган воситалардан қутулиш маҳалида ифодаланади. Агар ўқувчи томонидан муайян вақт ичида маълум соҳа учун қимматли янги фикрлар яратилган бўлса, назарий ва амалий вазифани ҳал қилса, бундай ўспириннинг тафаккури сермаҳсул тафаккур деб аталади.

Тафаккурнинг тезлиги қўйилган саволга тўлиқ жавоб олинган вақт билан белгиланади. Ўспирин тафаккурининг тезлиги қатор омилларга: жумладан, фикрлаш учун зарур бўлган материалнинг хотирада мустаҳкам сақланганлигига, шу материални тез ёдга тушира олишига; мувакқат боғланишларнинг тезлигига, турли ҳисларнинг мавжудлигига, ўқувчининг диққатига, қизиқишига боғлиқ бўлади. Шунинг билан бирга, тафаккурнинг тезлиги бошқа шарт-шароитларга: йигит ва қизнинг билим савиясига, фикрлаш қобилиятига, эгаллаган ўқув кўнимларни ва малакаларига ҳам боғлиқ эканлиги исботланган. Шундай қилиб, юқори синф ўқувчиши тафаккурининг тезлиги маълум фурсат ичида қанчалик самараса берганлиги билан баҳоланади.

Ўспириннинг қобилияти, лаекати ва истеъоди таълим жараённанда, меҳнат фаолиятида ривожланади. Ўспиринларнинг қанчалик истеъодли эканлигини аниқлаш учун, ушбу хусусиятларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир: а) шахснинг зийраклиги, жиддий синовга шайлиги, тайёргарлиги; б) шахснинг меҳнатга мойиллиги, интилиши, руҳан тайёрлиги; в) мантиқий фикр юритиш тезлиги, изчилиги, самарадорлиги ва бошқалар.

Қобилиятнинг ривожланиши билимлар, кўнимлар ва малакалар сифатига боғлиқ бўлиб, шахснинг камол топиши жараёни билан қўшилиб кетади. Шунга кўра, ҳар ким қобилиятига яраша касб-хунар таңласа ва бу соҳада муваффақиятли меҳнат қилса, ижтимоий турмуш тараққистига муҳим ҳисса қўшган бўлади.

Үспириналарни касбга йўналтиришда уларнинг ҳис-туйғу ва иродаларини ҳисобга олишининг ҳам муҳим аҳамияти бор. Чунки ўқувчиларнинг ҳис-туйғуси, кайфияти, ҳаяжонли ҳолатлари эътиборга олинмаса, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Үспириналар у ёки бу касбни ўз ихтиёрлари билан онгли равища танлаши учун улар мустақиллик, дадиллик, қатъийлик, ўзини тута билиш, чидамлилик, сабр-тоқат каби умуминсоний хислатларга эга бўлишлари керак. Меҳнат қилишдек муқаддас бурчни бажариш истаги, мақсаднинг аниқлиги, ҳунар ўрганишга иштиёқмандлик мазкур фазилатларнинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Үспирин йигит ва қизлар ўзларининг жисмоний ривожланиши жиҳатдан бокира қиз ҳамда забардаст йигит даражасига стадилар. Шунинг учун уларнинг биологик камолоти катта ёшдаги кишиларникидан қарийб тафовут қилмайди. Уларда бўй ва оғирлик барқарор даражага стади; мускул кучи, ишчанлик қобилияти ортади, кўкрак қафасининг кўлами кенгаяди, скелет суюклари қаттиқлашади, юрак ва қон томирларининг ривожланиши мутаносиблашади, ички сскреция безлари бир маромда ишлай бошлайди, бош мия ярим шарлари қатламишининг аналитик синтетик фаолияти мураккаблашади. Бу даврда жинсий стиалиш тугалланади, иккиламчи жинсий белгилар ривожланади; йигит ва қизларнинг ташқи кўринишларида сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланади. Ўзининг жисмоний кучини ва жозибадорлигини, саломатлигини ва баркамоллигини ҳис қилиш йигит ва қизларда ўзига ишонч, тестилик, искбинлик ва хушчақчақлик фазилатларнинг шаклланишига таъсир кўрсатади. Жисмоний соғломлик, куч-қувват, эпчил ҳаракат қилиш, ишчанлик қобилияти меҳнат кўникмалари ва малакаларининг вужудга келишига кенг имкониятлар яратади. Бунинг натижасида ўспиринда ҳар қандай иш билан шугулланиш ва уни уddaлаш туйғуси намоён бўлади.

Үспириналардаги бу муҳим хусусиятлар уларнинг ахлоқ-одоб доираларида руҳий ҳолатлар билан муттасил муштаракликда кўзга ташланади. Бу нарса, ўз навбатида, ўспириналар ахлоқи ва одобиши белгилайди.

Катта-кичик билан мумалага киришиш кезида ўспиринда қандай хислатлар мавжуд эканлиги намоён бўлади. Ундаги муҳим хислатлардан бири — ўз-ўзига баҳо бериш ҳисобланади.

Ижтимоий турмушда ўғил-қизлар ихтиёрий ёки ихтиёсрисиз ра-вишда, ўзини катталар ёки тенгқурлари билан таққослайди, ўзида бошқаларга ўхаш, фарқ қилувчи фазилатларни билиб олади. Ўспириннинг ўз-ўзига берадиган баҳоси унинг ҳақиқий фазилатларига гоҳ мос тушади, гоҳ мос тушмаслиги мумкин. Кўпинча йигит ёки қиз ўз хислатига ортиқча баҳо боради ёки старли даражада баҳо бермайди. Ўз-ўзига баҳо бериш унинг ўз қадр-қимматини, шарафини қадрлашда кўзга ташланади.

Ижтимоий муҳитда ёки турмушда ўз-ўзига баҳо бериш айrim йигит-қизларда ифтихор тариқасида ифодаланади. Улар тенгдошлиридан қай томонлари билан устунилкларини эътироф қиласидилар.

Шу нарсаны таъкидлаш керакки, фахрланиш, ўз қадр-қимматини, иззат-нафсини билиш ҳеч вақт ёмон оқибатларга олиб келмайди. Бунда, асосан, ўспириннинг нима билан фахрланишини, ўзи учун фахр деб нимани тушунишини билиб олишга тўғри келади. Масалан, «Бирлик» маҳалласида истиқомат қилувчи Аҳаджон ўқиши билан, ўзини кўча-кўйда тута билиши билан яшаш жойида обрў-этибор қозонган эди. Кўп вақт ўтмай унда ўзига бино қўйиш пайдо бўлди. Мактабда мағрурланиш ҳолатлари кўзга ташланди. Маҳалла ҳамда мактаб ота-оналар мажлисида унинг номи икки марта «ёмон отлиққа» чиққандан сўнг, хатти-ҳаракатларида тузалиш вужудга келди, хатоларини англаб етди. Шунинг учун фахр, иззат-нафс, қадрни англаш худбинликдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Акс ҳолда унда такаббурик, манманлик, ғурурланиш каби салбий хислатлар пайдо бўлиши мумкин.

Шундай ўспирин ўғил-қизлар борки, улар ўзларининг олижаноб хислатларини пеш қилмайдилар, асло керилмайдилар. Бундай ўқувчилар камтар бўладилар. Уларнинг хатти-ҳаракатларида, гапсўзида манманлик белгиси учрамайди. Камтар йигит ски қиз ўзини бошқалардан устун қўйишга, хизматларини пеш қилишга уринмайди. Ўзига бошқаларни жалб қилишга интилмайди.

Камтар ўспириннинг катталарга ва тенгқурларига муомаласи; юриш-туриши, нутқи, хулқ-одатлари; ўз-ўзини жамоат жойларида тутиши, ҳатто кийиниши ҳам оддий ва табиий бўлади. Чунки камтарлик ишоннинг иккинчи ҳусни ҳисобланади. Камтар йигит-қиз ўзига нисбатан талабчан, ўз ишига тўғри баҳо бсрдиган, ишидаги камчиликларни кўра биладиган бўлади. Шунингдек, у ўз камчиликларини дадил очиб ташлайдиган, уларга иқрор бўладиган, ўз нуқсоналарини вижданан бартараф қилиш йўлларини қидириб топадиган ҳусусиятга эгадир.

Ўспириндаги камтарлик баъзан тортинчоқлик, уятчанлик тарзida намоён бўлади. Лекин камтарликнинг ҳам маълум месъри бўлмоги керак. Акс ҳолда турмушда «андишанинг отини қўрқоқ» деб аташлари мумкин.

Ижтимоий ҳастда шундай йигит-қизлар ҳам учрайдики, улар бирон гаразни ўз шахсий манфаатини кўзлаб, унга эришмоқ учун ипсошлик қадр-қимматини срга уришга, уни оёқ ости қилишгача борадилар. Уларнинг юриш-туришларида хушомадгўйлик, лаганбардорлик сингари тубан қилиқлар, иллатлар учраб қолади.

Акобир отасига мопед олдиришни мўлжаллаб қўйган эди. Йигит мопедга тезроқ этишиш учун отасининг пинжига кириб, «ёқимтой» бўлмоқчи бўлди. Лекин отанинг ўғлига: «Бу қилиқларини сенга мос эмас, мутлақо сунъий чиқиб қолди. Бу нарсалар асло сенга тўғри келмайди, чунки калп-катта йигит бўлиб қолдинг. Яхиси, бор муддаоинини айта қол. Тахминан мен чамалаб турибман» дейиши уши бу йўлдан воз кечишга мажбур этди.

Баъзи йигит-қизлар ўзларига бино қўйган, мақтанчоқ бўладилар, гердайиб юрадилар. Кўпинча улар «катта кетиб»

Үспириналарни касбга йўналтиришда уларнинг ҳис-туйғу ва иродаларини ҳисобга олишнинг ҳам муҳим аҳамияти бор. Чунки ўқувчиларнинг ҳис-туйғуси, кайфияти, ҳаяжонли ҳолатлари эътиборга олинмаса, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Үспириналар у ёки бу касбни ўз ихтиёрлари билан онгли равиша танлаши учун улар мустақиллик, дадиллик, қатъийлик, ўзини тута билиш, чидамлилик, сабр-тоқат каби умуминсоний хислатларга эга бўлишлари керак. Меҳнат қилишдек муқаддас бурчни бажариш истаги, мақсаднинг аниқлиги, ҳунар ўрганишга иштиқбандлик мазкур фазилатларнинг шакланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Үспирин йигит ва қизлар ўзларининг жисмоний ривожланиши жиҳатдан бокира қиз ҳамда забардаст йигит даражасига стадилар. Шунинг учун уларнинг биологик камолоти катта ёшдаги кишиларникидан қарийб тафовут қўлмайди. Уларда бўй ва оғирлик барқарор даражага стади; мускул кучи, ишчанлик қобилияти ортади, кўкрак қафасининг кўлами кенгаяди, скелет суяклари қаттиқлашади, юрак ва қон томирларининг ривожланиши мутаносиблашади, ички сскреция безлари бир маромда ишлай бошлайди, бош мия ярим шарлари қатламининг аналитик синтетик фаолияти мураккаблашади. Бу даврда жинсий стилиш тугалланади, иккиласмчи жинсий белгилар ривожланади; йигит ва қизларнинг ташқи кўринишларида сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланади. Ўзининг жисмоний кучини ва жозибадорлигини, саломатлигини ва баркамоллигини ҳис қилиш йигит ва қизларда ўзига ишонч, тетиклик, исқбинлик ва хушчақчақлик фазилатларининг шакланишига таъсир кўрсатади. Жисмоний соғломлик, куч-қувват, эпчил ҳаракат қилиш, ишчанлик қобилияти меҳнат кўникмалари ва малакаларининг вужудга келишига кенг имкониятлар яратади. Бунинг натижасида үспиринда ҳар қандай иш билан шуғулланиш ва уни уddyалаш туйғуси намоён бўлади.

Үспириналардаги бу муҳим хусусиятлар уларнинг ахлоқ-одоб доираларида руҳий ҳолатлар билан муттасил муштаракликда кўзга ташланади. Бу нарса, ўз навбатида, үспириналар ахлоқи ва одобини белгилайди.

Катта-кичик билан муомалага киришиш кезида үспиринда қандай хислатлар мавжуд эканлиги намоён бўлади. Ундаги муҳим хислатлардан бири — ўз-ўзига баҳо бериш ҳисобланади.

Ижтимоий турмушда ўғил-қизлар ихтиёрий ёки ихтиёrsиз равиша, ўзини катталар ёки тенгқурлари билан таққослайди, ўзидағи бошқаларга ўхшаш, фарқ қилувчи фазилатларни билиб олади. Үспириннинг ўз-ўзига бсрдиган баҳоси унинг ҳақиқий фазилатларига гоҳ мос тушади, гоҳо мос тушмаслиги мумкин. Кўпинча йигит ёки қиз ўз хислатига ортиқча баҳо беради ёки старли даражада баҳо бсрмайди. Ўз-ўзига баҳо бериш унинг ўз қадр-қимматини, шарафини қадрлашда кўзга ташланади.

Ижтимоий муҳитда ёки турмушда ўз-ўзига баҳо бериш айрим йигит-қизларда ифтихор тариқасида ифодаланади. Улар тенгдошлиридан қай томонлари билан устунликларини эътироф қиладилар.

Шу нарсаны таъкидлаш керакки, фахрланиш, ўз қадр-қимматини, иззат-нафсини билиш ҳеч вақт ёмон оқибатларга олиб келмайди. Бунда, асосан, ўспириннинг нима билан фахрланишини, ўзи учун фахр деб нимани тушунишини билиб олишга тўғри келади. Масалан, «Бирлик» маҳалласида истиқомат қилувчи Аҳаджон ўқиши билан, ўзини кўча-кўйда тува билиши билан яшаш жойида обрў-жътибор қозонган эди. Кўп вақт ўтмай унда ўзига бино қўйиш пайдо бўлди. Мактабда магурланици ҳолатлари кўзга ташланди. Маҳалла ҳамда мактаб ота-оналар мажлисида унинг номи икки марта «ёмон отлиқа» чиққандан сўнг, хатти-ҳаракатларида тузалиш вужудга келди, хатоларини англаб етди. Шунинг учун фахр, иззат-нафс, қадрни англаш худбинликдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Акс ҳолда унда такаббурик, манманлик, ғурурланиш каби салбий хислатлар пайдо бўлиши мумкин.

Шундай ўспирин ўғил-қизлар борки, улар ўзларининг олижаноб хислатларини пеш қилмайдилар, асло керилмайдилар. Бундай ўқувчилар камтар бўладилар. Уларнинг хатти-ҳаракатларида, гапсўзида манманлик белгиси учрамайди. Камтар йигит ёки қиз ўзини бошқалардан устун қўйишга, хизматларини пеш қилишга уринмайди. Ўзига бошқаларни жалб қилишга интилмайди.

Камтар ўспириннинг катталарга ва тенгқурларига муомаласи; юриш-туриши, нутқи, хулқ-одатлари; ўз-ўзини жамоат жойларида тутиши, ҳатто кийиниши ҳам оддий ва табиий бўлади. Чунки камтарлик иисоннинг иккинчи ҳусни ҳисобланади. Камтар йигит-қиз ўзига нисбатан талабчан, ўз ишига тўғри баҳо берадиган, ишидаги камчиликларни кўра биладиган бўлади. Шунингдек, у ўз камчиликларини дадил очиб ташлайдиган, уларга иқрор бўладиган, ўз нуқсонларини вижданан бартараф қилиш йўлларини қидириб топадиган ҳусусиятга эгадир.

Ўспириндаги камтарлик баъзан тортинчоқлик, уятчанлик тарзида намоён бўлади. Лекин камтарликнинг ҳам маълум месъри бўлмоғи керак. Акс ҳолда турмушда «андишанинг отини қўрқоқ» деб аташлари мумкин.

Ижтимоий ҳаётда шундай йигит-қизлар ҳам учрайдики, улар бирон гаразни ўз шахсий манфаатини кўзлаб, унга эришмоқ учун иисонлик қадр-қимматини ерга уришга, уни оёқ ости қилишгача борадилар. Уларнинг юриш-туришларида хушомадгўйлик, лаган-бардорлик сингари тубан қилиқлар, иллатлар учраб қолади.

Акобир отасига мопед олдиришни мўлжаллаб қўйган эди. Йигит мопедга тезроқ стишиш учун отасининг пинжига кириб, «ёқимтой» бўлмоқчи бўлди. Лекин отанинг ўғлига: «Бу қилиқларинг сенга мос эмас, мутлақо сунъий чиқиб қолди. Бу нарсалар асло сенга тўғри келмайди, чунки кап-катта йигит бўлиб қолдинг. Яхшиси, бор муддаонигни айта қол. Тахминан мен чамалаб турибман» дейиши уни бу йўлдан воз кесишига мажбур этди.

Баъзи йигит-қизлар ўзларига бино қўйган, мақтанчоқ бўладилар, гердайиб юрадилар. Кўпинча улар «катта кетиб»

гапирадилар, лсқин аслида субутсиз, ношуд бұладилар. Үзлариде йўқ инсоний сифатларни бор деб тасаввур қиласылар. Аслида эса уларнинг ҳағли һуч, ресжаси чин ҳақиқатдан йироқдир.

Зилоланинг замонавий кийиниб юриши, хушбичимлиги қарисшда илиқ таассурот қолдиради. Аммо у билан бир марта мулоқотга киришишингиз билан фикрингиз мутлақо ўзгаради. Гарчанд ҳеч қандай зисн-заҳмат стказмаса ҳам, гоҳо унга нисбата кишида ичдан нафрат ҳислари уйғонади.

Замонамизда камол топаётган йигит-қизларда күпгина инсоний фазилатлар, хислатлар, сифатлар камтарлик тушунчаси билан узвий қўшилиб кетган. Уларга ўз қадр-қимматини билиш туйғуси ҳамроҳдир. Чунки турмуш қуришга тайёргарлик кўраётган, катта ҳаст қучогига эндингина кириб келаётган ёшлиарга маҳмадоналик, лаганбардорлик, хушомадгўйлик каби ярамас хулқ-одатлар, нохуш иллатлар, қилиқлар асло ярашмаслиги аниқ. Бундай кесчинмалардан ўспириналарни халос этишини ижтимоий турмушимизда юз беряётган тубдан ўзгаришлар ҳам қатъий тарзда талаб қилмоқда. Ана шундан келиб чиққан ҳолда ёшлиарнинг ахлоқий камолот даражасини кескин суръатда кутармогимиз мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун улар олдига қўйиладиган талаблар жиддий, бажариладиган топшириқлар кучли ақлий зўр беришларига, ирода сифатларини ишга солиб мавжуд тўсиқларни снгишга қаратилган бўлиши лозим. Модомики шундай экан, ўспирин йигит ва қизлар миллий ифтихор ҳисси билан нафас олиб, камол топишлари зарур.

Ўспирин йигит-қизларнинг олижаноб инсоний хислатларга эга бўлиши кўп жиҳатдан ота-оналарга, катта ёшдаги кишиларга боғлиқдир. Шунинг учун халқимизда «Қуш уясида курганини қиласи» деган нақл бежиз айтилмаган. Оила қучогида шаклланган одат ва хислатлар ўспириннинг кейинги ҳастига жиддий таъсир қилиши аниқ. Уларда пайдо бўладиган инсонийлик хислатлари вужудга келишида оиланинг роли муҳимдир. Оила аъзолари бир-бирлари билан қандай муомалада бўлсалар, шу муҳит қобигидаги ўспириналарда ҳам худди шунга ўхшаш ва уларга хос хулқ-атворлар намоси бўла бошлиди.

Ҳар бир инсондаги мавжуд инсоний фазилатлар унинг яшас турган шарт-шароитидаги ижтимоий муносабатларнинг бевосита таъсири натижасида вужудга келади.

Катта ҳаст йули арафасида турган йигит-қизлар жамики майдада-чўйда нарсаларга тақлидчан бўладилар. Мазкур тақлидчанлик айниқса, уларни ота-оналарининг, катта ёшдаги одамларнинг хатти-ҳаракатлари, хулқ-атвори, юриш-туришлари, имо-ишораларини жуда қизиқиб кузатишида ўз ифодасини топади. Улар дастурхонатрофида ўзларини қай ҳолатда тутишлари, ҳаттоқи жонли ва жонсиз нарсаларгача бўлган муносабат ва муомалаларига аҳамият берадилар.

Ижтимоий мұхитда ўспириннинг одоби, мұомаласи ва ақл-заковати худди шу оиласы, хонадонда олған ва әгаллаган таассурутлари асосида вужудга келади. Оиласының намуна уларда инсонийлик хислаттарининг намоңиң бўлишида алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқитувчиларнинг, ота-оналарнинг, катта ёшдаги кишиларнинг кичикларга намуна бўлиши ҳаётда турли кўринишларда кўзга ташланади. Уларнинг меҳнат жараённада фидокорлик кўрсатишлари, турмуш ташвишларини снгишдаги матонатлари йигит ва қизларда меҳнатсеварлик, матонат кўрсатиш, ирова кучини ишга солиш, фидокорлик каби муҳим ижобий хислатларни туғдириши мумкин.

Бирор бир масалани амалга оширишда оила аъзоларининг мустақил фикр ва мулоҳаза юритишлари, шунингдек, унда қатъиятлик билан иш тутишдаги намуналари болаларда мустақиллик, масъулиятни ҳис қилиш сингари хислатларнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

Оила хонтахтаси атрофида ўтириб, турли мавзуларда мулоҳазалар юритиш, мураккаб муаммоларни ҳал қилиш борасидаги атрофлича асосли баҳслар, шубҳасиз, йигит-қизлар ақл-заковатининг ўсишида, уларнинг умумий ақлий камолотида туртки вазифасини бажаради.

Ота-оналарнинг оила аъзоларига ва ўзгаларга қилган мұомалалари, кишиларга муносабатлари, хатти-ҳаракатлари, улардаги товуш оҳангларининг чин юракдан чиқиши, хуштабиатли, хушфсьликлари; фавқулодда ҳолларда ўзини тута билиш, интизомлилик, самимийлик, ҳаққонийлик, одиллик хислатларини таркиб топтиришга ёрдам беради.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, барча инсоний хислатларнинг таркиб топишида ўқитувчилар, ота-оналар, катта ёшдаги кишилар, жумладан аёллар ҳамиша ўзларини ўта жиддий ҳолатда тутишлари шарт эмас. Чунки ўспиринлар хоҳ қиз, хоҳ йигит бўлсин, барибир катталар билан чин юракдан, очиқ чирой билан гаплашибни яхши кўрадилар. Шунинг учун озми ёки кўпми жиддийликдан тушиш мақсадга мувофиқдир. Аммо ўқитувчилар, ота-оналар, оиласынг вояга етган аъзолари ҳеч вақт ўспиринлар ўртасида бачкана қиликлар ва ҳазил-мутойибалар қилиши жоиз эмас. Маълумки, ноўрин ҳазил-мутойибалар инсон обрусига птуретказади. Ҳар бир нарсанинг ўз месъёри, ўз мавруди бор эканлигини сира унутмаслик лозим.

Турмуш қуришга тайёргарлик кўраётган юқори синф ўқитувчиларида гўзал, намунали, ибратли фсъл-автор хислатлари таркиб топишида ўқитувчи, ота-она ва вояга етган кишилар намунасидан ташқари, бошқа воситалар ҳам мавжуд. Ҳар бир восита уларда инсоний фазилат ва зийнатнинг тугилишида муҳим роль ўйнайди. Восита вазифасини ўтовчи манбаларга мурожаат қилиш фаолияти ўқитувчилар, ота-оналарнинг бевосита раҳбарлигида амалга оши-

рилиши кўзланган мақсадга стиштиради. Ўспириналарга ибратли китобларни ўқишининг тавсия қилиниши ва ундан олган таассуротлари билан фикр алмашинуви мақсадга моликдир.

Асл муддаолардан яна бири ўспириналар диққатини уларнинг ёшига хос бўлган телевизион ва радио эшиттиришлари дастурига тортишdir.

Инсоний хислатларнинг шаклланиши борасида кино ва театр асарлари билан танишиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шуни ҳам ёддан чиқармаслик керакки, йигит-қизларга ажойиб матонатли, фидокор кишилар тўғрисида суҳбатлар уюштириш, ҳикоялар айтиб бериш уларда эзгуликка даъват этувчи жўшқин ҳисларни вужудга келтиради ва янги парвоз сари стаклайди.

Балоғатга етган ўспирин йигит ва қизларни оила қуришга тайёрлашда уларда ҳалқимизнинг энг яхши урф-одатлари, баркамол ҳислатларини тарбиялаш ҳар бир ўқитувчининг, ота-онанинг ва соғиф виждонли фуқаронинг муқаддас бурчидир.

Ўспириналар маънавияти ва руҳиятига кирувчи барча психолого-гик тушунчалар ҳамда фалсафий категорияларни англаш даражасига етказиш мактаб педагоглар жамоаси аъзоларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Ушбу масъулиятли вазифани амалга ошириш учун ўспириналарнинг психологик хусусиятларига алоҳида ёндашиш мақсадга мувофиқдир.

ЎСПИРИНЛАРНИ ТУРМУШ ҚУРИШГА ТАЙЁРЛАШ

Турмуш оғирликларининг аччиқ-чучугини ҳали синаб бошидан кечирмаган, маънавий ва руҳий жиҳатдан тўла камолотга эришмаган, ахлоқий нормаларни ўзида мужассамлаштирумаган баъзи йигит ва қизлар томонидан қурилаётган ёш оиласарнинг объектив ва субъектив сабабларга кўра бузилиб кетиш ҳоллари ҳамон давом этаёттир. Бунда таълим ва тарбия соҳасида йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ёшларни турмуш қуришга тайёрлаш ишларини такомиллаштириш, бунда оқилона усууллар топиш, ўзига хос воситалардан фойдаланиш зарур. Бу вазифа ёшларни турмуш қуришга тайёрлашда оила, жамоатчилик, мактаб, техникум, билим юрти жамоалари зиммасига юксак масъулият юклайди.

Жинсий тарбияга алоҳида эътибор бериш миллий мактаблар, ўзбек оиласари учун долзарб масалалардандир. Бинобарин, ёш авлодни ахлоқий, жисмоний, эстетик ва маънавий жиҳатдан вояга етказишида жинсий тарбия катта аҳамиятга эга. Бироқ бу соҳада самара берадиган барча тарбиявий чора ва тадбирларни ишга солмасдан туриб муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Юқори синф ўқувчиларини ижтимоий-фойдали меҳнатга тортиш, синфдошларни биргаликда дарс тайёрлашга жалб этиш, экспурсияларга олиб чиқиш, музейларга, театр ва киноларга томошага олиб бориш; жамоат ташкилоти ишларида, бадиий

ҳаваскорлик тұғараларыда, спорт секцияларыда иштирок эттириш; үспириналарнинг илмий дунәқарашини вужудга келтириш, бойитиш, зътиқодини шакллантириш; ұзаро дүстлик риштасини мустаҳкамлаш жинсий ҳисларни барвақт уйгонишдан, мақсадсиз саққ юришлардан асрайди. Тарбиявий нұқтаи назардан ёшларга жинсий ҳисларни құзғатадиган, шақватпаратлықтарғиб этадиган кино, спектакль, расмларни күрсатмаслик, шундай китобларни үқишиң, уларнинг олдидә балогатға стган кишиларнинг бачкаиқилиқтар қилишига йўл қўймаслик керак.

Үспирилик даврида юзага келадиган ҳис-туйғуларни тұғри идора этиш, йигит ва қиз үртасидаги муносабатларнинг нақадар нозик бўлиши, бўлажак оиласига баҳти учун гамхўрлик қилиш ҳақидаги тушунчаларни улар онгига сингдириш яхши натижа беради.

Ёш авлоднинг соғлиги, ахлоқи, зътиқоди, келажакда унинг ўз оиласига нисбатан муносабати кўп жиҳатдан жинсий тарбияга боғлиқ. Жинсий тарбияни амалга оширишда педагоглар, шифокорлар, оила ва жамоатчиликнинг фаол иштирок этишлари талаб қилинади. Албатта бунда мактаб етакчи роль ўйнаши керак. Чунки мактаб микромуҳитида ёш бўгиннинг камолоти учун мос негиз яратилади. Бинобарин, жинсий тарбия ана шу муҳитда, ҳамкорликда олиб борилиши керак.

Йигит ва қизларнинг маънавий оламида учрайдиган айрим зиддиятли ҳолатларни бартараф этишда, уларда ижтимоий онгни шакллантиришда бўлажак оиласига келажагига юзаки муносабатда бўлмаслиқка ўргатишда ва уларни оила қуришга тайёрлашда жинсий тарбия алоҳида аҳамиятга моликдир.

Совет олимларининг фикрича, жинсий туйғуларни идора қилиш ҳар бир шахснинг ўзига боғлиқ бўлиб, уларни тұғри йўлга буриб юбориш мумкин.

Эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги, бир-бирига садоқати хислатларини ёшлар онгига сингдириши зарур. Бу ўринда ўқитувчи ўзбек миллый турмуш тарзидан аниқ мисоллар келтириши лозим. Чунончи, хотин-қизларга паст назар билан қараш, баъзан ҳуқуқда тенг эмаслик ҳолларини амалий ишда кўрсатиб қўйилаётган пайтларни кўз олдига келтириш, айрим ўз-ўзига ўт қўйган, сирка ичган, ўзини осган аёлларнинг аянчли аҳволидан лавҳалар келтирилиши ҳамда уларнинг ижтимоий илдизлари очиб ташланиши лозим.

Үспирин йигит ва қизларга эркак ва асл үртасидаги муносабатлар тұғрисида ётиғи билан тушунтириш ота-она, шифокор, синф раҳбари ва ўқитувчилар жамоасининг муқаддас мураббийлик бурчига бўлмоғи лозим. Мазкур муаммони ҳал этишда қўйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Йигит ва қизлар үртасида ахлоқий муносабатларни тұғри шакллантириш.

2. Үспириналарда ұзаро ҳурмат, беғараз дүстлик, самимий ҳамкорлик ҳис-туйғуларини ривожлантириш.

3. Ахлоқий тарбиянинг табиий ва ижтимоий масалалари, йигит ва қизларнинг ривожланиш хусусиятлари тұғрисида уларда илмий тушунчалар ва ҳаққоний тасаввурлар ҳосил қилиш.

4. Йигит ва қизларни жисмоний бақывват, соғлом, маданиятли қилиб үстириш; тотув оила қуышта тайёрлаш.

Умумий биология дарсларида генлар ҳақида, исон зотининг ўсиш хусусиятлари юзасидан маълумот бериш, инсоннинг дунёга келиш имкониятлари юзасидан тушунча ҳосил этиш, адабиёт ва тарих дарсларида ұзаро самимий муносабат, севги, ҳурмат, фидокорлик, дүстлик тұғрисида баҳс юритилиши; меңнат таълимида эса уй-рұзғор ишлери хусусида фикр юритилиши ҳам үспириң ёшларни турмуш қуышта тайёрлашта ёрдам беради. Үқитувчи ана шу тушунчаларни ривожлантириб, қизлар учун уй юмушлари: кир ювиш, турли хил овқатлар тайёрлаш технологияларини үргатиши; мол боқа олиш, нон ёпиш, сигир соғиши, ҳовли супуриш, сув сепиши, уй күтариш, тозалаш маданиятини үрганишни тавсия этади.

Мактаб микромұхитида үспириңлардаги жисмоний, физиологик ва руҳий үзгаришнинг содир бўлиши; йигит ва қиз ұзаро муносабатларининг шаклланиши; севги, оиласи турмуш мақсади, унинг ижтимоий ва гигиеник масалалари тұғрисида маҳсус билим бериш лозим. Тарбиявий соатлар, шифокор билан суҳбат, оила аъзоларининг маслаҳати кабиларни мактабда ҳам, оиласда ҳам йигит ва қизлар билан алоҳида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Үспириң йигитларда шаҳватнинг ажralиши бозовталантиради. Шунинг учун отаси ёки акаси, баъзи ҳолларда үқитувчи унинг организм учун заарсиз эканлигини ётиғи билан тушунтиришлари керак. Чунончи, кечки пайт, айниқса уйқу олдидан қалампир, мурч ва доривор нарсаларни истеъмол қилмаслик; камроқ суюқлик ичиш, ўта юмшоқ тұшакда ётмаслик, мукка тушиб ухламаслик, ҳирс уйғотовувчи китоб үқимаслик ва ҳатто севги-муҳабbat тұғрисидаги кинофильмларни томоша қилмаслик лозим.

Тоза ҳавода күпроқ юриш, спорт билан шуғулланиш, ўринда қўзилиб ётмаслик үспириңни нохуш кечинмалардан халос қиласди, шахс сифатида тұғри камолга эришувида ёрдам беради. Шунингдес, үспириңга ананизм заарини тушунтириш, ўзини ўзи сунъий равища қондириш организмни күчсизлантиришини, оқибатда ишчанлик қобилияти пасайишини үқидириш мақсадга мувофиқдир.

Қизларда биринчи ҳайз күриш безовталик, қўрқиши, ҳаяжон аломатларини юзага келтиради. Шунинг учун қизнинг онаси ёки опаси, үқитувчиси балогатта етган даврдан бошлаб унга ҳайз қўриш хавфсиз эканлигини тушунтиришлари шарт. Шунинг билан биргә, ҳайз күриш қиз учун қачонлардир ҳомиладор бўлиш мумкинлигини жўрсатувчи аломатлардан бири эканлигини онгиға сингдириш даркор.

Ота-она ва үқитувчи үспириң йигит ва қизга севгининг иккитури — шаҳвоний түйгу заминида вужудга келадиган беқарор сев-

ги ва чинакам дүстлик, инсоний муносабатлар асосида пайдо бўладиган ҳақиқий севги борлигини тушунтиришлари ксрак. Қизларда ҳақиқий севги куртаклари ўғил болаларга қараганда бир оз эрта уйғонади, у бир умр ўзига йўлдош, уни ардоқловчи кишининг муҳаббатига сазовор бўлишни орзу қиласди. Баъзан қизларда ҳам йигитларга ўхшаш беқарор ҳислар юзага келиши мумкин.

Оилада ва мактабда ўспириналарнинг камолоти учун қуйидаги зарур шарт-шароитларни яратиш лозим:

1) йигит ва қизнинг кундалик режимини гигисна талабларига биноан тузиш ва ташкил этиш;

2) ўз вақтида ва нормал овқатланиш;

3) шахсий гигиеник қонидаларга ўргатиш ва шу асосда кўникмалар ҳосил қилиш;

4) ақлий ва жисмоний меҳнатни бир-бири билан алмаштириб туриш;

5) оилада уй-рӯзгор ишларига, мактабда жамоат ишларига жалб қилиш;

6) йигит ва қизларда ўзаро дўстона муносабатларни шакллантириш мақсадида, аввало бундай муносабатларнинг ота-она ва оила аъзолари уртасида ҳамиша самимий ва тўғри бўлишини тъминлаш ва ҳоказо.

Ота ва онанинг бир-бирига дўстона муносабати, меҳрибонлиги, ғамхўрлиги, ўз ҳавбатида оилада фарзандларнинг муносабатларини нормал ўстиришга ёрдам беради. Она қизида мулойимлик, ширинаханлик; қизларга хос бўлган орият, уятчанлик, ибо, иффат каби фазилатларни шакллантириш билан бирга, унга уй-рӯзгор юмушларини мукаммал ўргатмоғи зарур. Ёки аксинча, маънавий қашшоқ, енгил-елпи ҳаётга кўникиб тубанлик ботқогига ботиб қолган айрим аёлларнинг аянчли қисматидан мисоллар келтириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ота-она назокати деган ибора заминида катта маъно бор. Фарзандларга оқилона тарбиявий таъсир ўтказишнинг энг муҳим жиҳатларидан бири айни шу ота-онанинг тарбиячилик назокатидир. Тарбиячилик назокати ота-онадан ўғил-қизлар билан тўғри муносабатда, илиқ муомалада бўлишни, уларга ҳамиша ғамхўрлик кўрсатишни, уларнинг олдига омилкорлик билан талаблар қўйишни, инсон қадр-қимматини ҳурматлашга ўргатишни тақозо қиласди. Бошқача ибора билан айтганда, ота-онанинг мураббийлик назокати — оила аъзоларига тарбиявий таъсир ўтказишнинг ноёб туйгуси, турмуш тажрибасида синалган ҳақиқий мезони, мулоқотга киришишининг месъри ҳисобланади. Бинобарин, назокат бу — фарзандлар иззат-нафсига тегмасдан, ўртага ҳеч бир низо туширмасдан, уларни рўйи рост тарбиялашдан иборат ота-онанинг тарбиячилик санъатидир. Назокат ўз ичига ҳатто ота-онанинг кийиниши, юриш-туриши, маданий савияси каби ҳолатларни қамраб олади.

Тарбияда ҳазилга йўл қўювчи жиддийлик ҳукм суриши лозим, лескин ҳамма иш ҳазилга, эрмакка, сертакаллуплика, адовар — тириоқ остидан кир излашга, бачканаликка айланниб кетмаслиги керак. Шу боисдан ота-оналар муайян педагогик-психологик қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда, тарбия принципи билан қуроллангандагина ҳақиқий назокатга ва одобга әришган бўладилар.

Мураббийлик назокатининг қонун-қоидаларини әгаллаган ота-она фарзандларининг ёш давр хусусиятларини, шахсий фазилатларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг хатти-ҳаракатларини, фикр юритишларини тўғри фаҳмлайди ва оқилона баҳолай олади. Оила-нииг учинчи фарзанди — Аваз юқори синфга ўтгандан сўнг хулқи тубдан ўзгариб қолди. Унинг опаси ҳам, акаси ҳам «ёмон ўқииди, ялқов, аразчи, интизомсиз» деган баҳони беришади. Ота болани ўргана бошлайди, уйда ҳадеб дакки эшитавериши, у билан опа ва акасининг қалтис муюмалада бўлиши аразчан қилиб қўйганлигини аниқлайди. Ота илиқ, адолатли, омилкорлик билан муюмала қилиб ўғилни ўзига қаратади, натижада ака-ука ва опа-ука ўртасида пайдо бўлган ноҳуш кечинма ва туйгуларни бартараф қилиш имкониятига эга бўлади, оиласда ўзаро тенглик ва ҳурмат асосига қурилган мулоқот аҳиллик ва психологик илиқ иқлимини вужудга келтиради. Бинобарин, мураббийлик назокатидан четга чиқмаган ота-она катта фарзандларига ўз тазиикларини ўтказмайдилар, уларнинг иззат-нафсига тегмайдилар, ошкора, дўстои ва ғамхўрона фикр алмашиш ўзининг ижобий самарасини беради.

Омилкор ота-она фарзандларидан ҳар бирининг хулқи, одоби кайфияти ва таъсирчанлигини ҳисобга олган ҳолда, тарбиявий таъсир ўтказадилар, мураббийлик назокати мсьёрига тўла амал қиладилар.

Шу нарсанни унутмаслик керакки, ота-она болада бирор ўзгариш ёки нуқсонни — иллатни аниқласа, унга тўғри ёндоша билиши ва ўз вақтида ёрдам уюштириши, олдини олиши мақсадга мувофиқдир. Катталар ҳамиша кичикларга талабчан бўлишлари лозим. Чунки талабчанлик фарзанд хатти-ҳаракатини мунтазам равишда назорат қилиш ва узлуксиз кузатишда ўз ифодасини топади. Ҳеч қачон фарзандни ҳақоратлаш, шахсига тегиши (хоҳ у ўғил бўлсин, хоҳ қиз бўлсин), ўринисиз жазолаш ва рагбатлантириш мумкин эмас. Турли ёшдаги фарзандларга, айниқса, балогат давридаги ўғил-қизларга самимий, адолатли бўлиш, жинсий хусусиятларини ўтиборга олиш ота-онанинг ҳурматини оширади.

Мураббийлик назокатига хилоф иш тутган она балогат ёшидаги Дурданни қўпчилик ўртасида «ношуд, ландавур» деб ҳақоратлагани учун у уйдан қариндошлариникига аразлаб кетиб қолади. Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин қариндош-уруглар ўртага тушиши натижасида она ва қиз ўртасидаги гина-адоварат кўтарилади.*

Сир эмаски, ўғил-қизлар ростгүйлик, камтарлик, инсонпарварлик, сөзгирилик каби хислатларни даставвал оиласа ота-онадан ўрганадилар. Эл-юрга, ижтимоий ҳастга илк муносабат ҳам оила даврасида шаклланади. Назокатли ота-оналаримиз зүр масъулият ҳис қилган ҳолда замон руҳига мос феъл-атворли ўғил-қизлар тарбиялаб вояга стказишга ҳаракат қылмоқдалар. Оиласа фарзандларга тарбиявий таъсир күрсатышнинг илтимос, маслаҳат, ишонтириш, талаб қилиш, буйруқ ва танбек бериш, жазолаш, рагбатлантириш сингари қатор усууларидан ўз ўринда ва месъери билан фойдаланишгина кўзланган натижага олиб боради. Мезон туйғуси ва месъер ҳисси ота-она табиатига сингиб борса, у ҳолда фарзандларидан узоқлашиш, бегоналашиши, борди-келдига бориш, баландпарвозликка интилиш, обрўйини кетказадиган даражада ҳаракат қилиш ва бачканалашиш хулқ-атвори намоён бўлмайди.

Тарбиянинг муҳим қуроли нутқида, сўзида ёқимсиз избораларни ишлатмаслиги; мантиқсиз, ёқимсиз оҳанг билан фарзандларини ранжитмаслиги, уларда ишонч ҳиссини вужудга келтирмайдиган, самимий бўлмаган фикр ва мулоҳазалардан сақланиши керак. Ҳастда мулоҳимликка, ширинсуханликка, самимийликка, соф виждонли бўлишга нима етсин! Мазаҳ қилиш, баъзан ноўрин ҳазил-мутойиба ишлатиш орқали ҳам ўз фарзандларининг мурғак қалбини, руҳини чўктириш мумкин.

Умумая, ўспириналар тарбияси билан шуғулланиш кезида ота-онанинг мураббийлик санъати муҳим аҳамият касб этади ва уларни турмуш қуришга тайёрлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ўспириналарни турмуш қуришга тайёрлашда ҳамкорлик муваффақият гарови бўлиб хизмат қилади. Рўй бериши мумкин бўлган руҳий жисмоний изтиробларнинг олдини олиш жуда мураккаб иш. Педагоглар жамоаси бу муаммони ёлғиз ўзи ҳал қилиши жуда мушкул. Шунинг учун ишни ота-оналар, жамоатчиликка бевосита суюнган ҳолда ҳамкорликда ўюштириш мақсадга мувофиқдир.

Мактаб ва оиласа ўспириналар олдига бир хил талаб ҳамда вазифаларнинг қўйилиши, тарбия сифатини ошириш ёшларни турмуш қуришга тайёрлашда кенг имкониятлар яратади.

Шуни ҳам ёслатиб ўтиш керакки, ўқувчилар билан иш олиб боришида уларнинг ўзига хос хусусияти, билим доираси, савияси, фаҳм-фаросати ҳамда ақлий камолотини ҳисобга олиш зарур. Фақат ана шундагина бу нозик ишда кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Ўспирин ўқувчиларнинг ота-оналари билан олиб бориладиган ишларда қўйидагиларга ётибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Мактаб ва турар жойларда, маҳаллаларда, қишлоқ марказларида ота-оналар учун консультация пункtlарини ташкил қилиш ва бу ерда ўспирин йигит-қизларнинг психологик хусусиятлари тўғрисида, совет қонунлари ҳақида, инсон эрки, сўз эркинлиги юзасидан маҳсус суҳбатлар ўюштириш ва ахборотлар, маълумот-

Тарбияда ҳазилга йўл қўювчи жиддийлик ҳукм суриши лозим, лекин ҳамма иш ҳазилга, эрмакка, сертакаллұфликка, адоват — тирноқ остидан кир излашга, бачканаликка айланиб кетмаслиги керак. Шу боисдан ота-оналар муайян педагогик-психологик қонуни-қоидаларга риоя қилган ҳолда, тарбия принципи билан қуролланғандагина ҳақиқий назокатга ва одобга әришган бўладилар.

Мураббийлик назокатининг қонун-қоидаларини әгаллаган ота-она фарзандларининг ёш давр хусусиятларини, шахсий фазилатларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг хатти-ҳаракатларини, фикр юритишларини тўғри фаҳмлайди ва оқилона баҳолай олади. Оиласнинг учинчи фарзанди — Аваз юқори синфга ўтгандан сўнг хулқи тубдан ўзгариб қолди. Унинг опаси ҳам, акаси ҳам «смон ўқииди, ялқов, аразчи, интизомсиз» деган баҳони беришади. Ота болани ўргана бошлайди, уйда ҳадеб дакки эшитавериши, у билан опа ва акасининг қалтис муюмалада бўлиши аразчан қилиб қўйғанларини аниқлайди. Ота илиқ, адолатли, омилкорлик билан муюмала қилиб ўғилни ўзига қаратади, натижада ака-ука ва опа-ука ўртасида пайдо бўлган ноҳуш кечинима ва туйғуларни бартараф қилиш имкониятига эга бўлади, оиласда ўзаро тенглик ва ҳурмат асосига қурилган мулоқот аҳиллик ва психологик илиқ иқлимни вужудга келтиради. Бинобарин, мураббийлик назокатидан чистга чиқмаган ота-она катта фарзандларига ўз тазиикларини ўтказмайдилар, уларнинг иззат-нафсиға тегмайдилар, ошкора, дўстона ва гамхўона фикр алмашиш ўзининг ижобий самарасини беради.

Омилкор ота-она фарзандларидан ҳар бирининг хулқи, одоби кайфияти ва таъсирчанлигини ҳисобга олган ҳолда, тарбиявий таъсир ўтказадилар, мураббийлик назокати месъёрига тўла амал қила-дилар.

Шу иарсанни унутмаслик керакки, ота-она болада бирор ўзгариш ёки нуқсонни — иллатни аниқласа, унга тўғри ёндоша билиши ва ўз вақтида ёрдам уюштириши, олдини олиши мақсадга мувофиқдир. Катталар ҳамиша кичикларга талабчан бўлишлари лозим. Чунки талабчанлик фарзанд хатти-ҳаракатини мунтазам равишда назорат қилиш ва узлуксиз кузатишда ўз ифодасини топади. **Ҳеч** қачон фарзандни ҳақоратлаш, шахсига тегиши (хоҳ у ўғил бўлсин, хоҳ қиз бўлсин), ўринсиз жазолаш ва рагбатлантириш мумкин эмас. Турли ёшдаги фарзандларга, айниқса, балогат давридаги ўғил-қизларга самимий, адолатли бўлиш, жинсий хусусиятларини ўтиборга олиш ота-онанинг ҳурматини оширади.

Мураббийлик назокатига хилоф иш тутган она балогат ёшидаги Дурдонани кўпчилик ўртасида «ношуд, ландавур» деб ҳақоратла-гани учун у уйдан қариндошларини кига аразлаб кетиб қолади. Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин қариндош-уруглар ўртага тушиши натижасида она ва қиз ўртасидаги гина-адоват кўтарилади.

Сир эмаски, ўғил-қизлар росттүйлик, камтарлик, инсонпарварлык, сөзгирлик каби хислатларни даставал оиласа ота-онадан ўрганадилар. Эл-юртга, ижтимоий ҳаётта илк муносабат ҳам оила даврасида шаклланади. Назокатли ота-оналаримиз зүр масъулнят ҳис қылган ҳолда замон руҳига мос феъл-атворли ўғил-қизлар тарбиялаб вояга етказишга ҳаракат қылмоқдалар. Оиласа фарзандларга тарбиявий таъсир күрсатышнинг илтимос, маслаҳат, ишонтириш, талаб қилиш, буйруқ ва танбек бериш, жазолаш, рағбатлантириш сингари қатор усуllibаридан ўз ўрина ва месъёри билан фойдаланишига кўзланган натижага олиб боради. Мезон туйгуси ва месъёр ҳисси ота-она табиатига сингиб борса, у ҳолда фарзандларидан узоқлашиш, бегоналашиши, борди-келдига бориш, баландпарвозликка интилиш, обрўйини кетказадиган даражада ҳаракат қилиш ва бачканалашиш хулқ-атвори намоён бўлмайди.

Тарбиянинг муҳим қуроли нутқ ҳисобланади. Шунинг учун ота-она ўз нутқида, сўзида ёқимсиз ибораларни ишлатмаслиги; мантиқсиз, ёқимсиз оҳанг билан фарзандларини ранжитмаслиги, уларда ишонч ҳиссини вужудга келтирмайдиган, самимий бўлмаган фикр ва мулоҳазалардан сақланиши керак. Ҳаётда мулоҳимликка, ширинсуханликка, самимийликка, соф вижданли бўлишга нима етсан! Мазаҳ қилиш, баъзан ноўрин ҳазил-мутобиба ишлатиш орқали ҳам ўз фарзандларининг мургак қалбии, руҳини чўқтириш мумкин.

Умуман, ўспириналар тарбияси билан шуғулланиш кезида ота-онанинг мураббийлик санъати муҳим аҳамият қасб этади ва уларни турмуш қуришга тайёрлашда ҳал қиувчи роль ўйнайди.

Ўспириналарни турмуш қуришга тайёрлашда ҳамкорлик мувоффақият гарови бўлиб хизмат қилади. Рўй бериши мумкин бўлган руҳий жисмоний изтиробларнинг олдини олиш жуда мураккаб иш. Педагоглар жамоаси бу муаммони ёлгиз ўзи ҳал қилиши жуда мушкул. Шунинг учун ишни ота-оналар, жамоатчиликка бевосита суюнган ҳолда ҳамкорликда ўюштириш мақсадга мувофиқдир.

Мактаб ва оиласа ўспириналар олдига бир хил талаб ҳамда вазифаларнинг қўйилиши, тарбия сифатини ошириш ёшлиарни турмуш қуришга тайёрлашда кенг имкониятлар яратади.

Шуни ҳам ёслатиб ўтиш керакки, ўқувчилар билан иш олиб боришида уларнинг ўзига хос хусусияти, билим доираси, савияси, фаҳм-фаросати ҳамда ақлий камолотини ҳисобга олиш зарур. Фақат ана шундагина бу нозик ишда кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Ўспирин ўқувчиларнинг ота-оналари билан олиб бориладиган ишларда қўйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Мактаб ва турар жойларда, маҳаллаларда, қишлоқ марказларида ота-оналар учун консультация пункктларини ташкил қилиш ва бу ерда ўспирин йигит-қизларнинг психологик хусусиятлари тўғрисида, совет қонунлари ҳақида, инсон әрки, сўз әркинлиги юзасидан махсус сұхбатлар ўюштириш ва ахборотлар, маълумот-

лар, хабарлар бериб бориш; ота-оналар дорилфунунида вояга стган ўғил-қизлар тұғрисида ЗАГС ва хотин-қизлар құмиталари ходимларидан лекция ва суҳбатлар, катталарнинг үспириңлар устидан мураббийлиги бўйича маърузалар тинглаш, ота-оналар құмитасида ва ота-оналар йиғилишида тарбия сифатини кўтариш масаласини муҳокама қилиш; миллӣ илғор урф-одатларни тарғиб этиш; ота-оналарни ўқувчиларнинг ташкилотлари мажлисларига, педагоглар кенгаши ва бошқа тадбирларга фаол суратда жалб қилиш; синф раҳбарларининг үспириңлар хулқ-автори ва кундалиги билан ота-оналарни таништириб боришлари ҳамда улар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказишини маълум режа асосида ташкил қилиш; ота-оналар лекторийсида айрим кинокартиналар, воқса-ҳодисалар, рӯзнома ва ойномалардаги мақолаларнинг муҳокамасини доимий ўтказиб туриш, муҳокамаларда ота-оналар томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни маҳсус журналга қайд этиб бориш ва бошқалар.

Радио ва телевиденис орқали бериб бориладиган ёшлар, хусусан, ўсмирлар учун эшиттиришларни кўриш ва тинглашга ота-оналар диққатини жалб этиш, айниқса, уларнинг «Ўқитувчи экрани», «Оила», «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи», «Ота-оналар телевизион дорилфунуни», «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари», «Она мактаби» сингари эшиттиришларни мунтазам куриб боришлари фарзандлар тарбиясида ўзига хос ҳаёт сабоқларини олишларида муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, педагогик ва психологик билимларни тарғиб этиш ишларига ота-оналарни кенг кўламда жалб этиш, уларнинг маҳсус курсларга иштирокини таъминлаш, ота-оналар, жамоатчилик, мактаб ва ишлаб чиқариш жамоалари ҳамкорлиги тұғрисида дастурлар тузиш, уларнинг амалий аҳамиятини биргаликда чуқур таҳлил қилиш, ота-оналарнинг оиласа бола тарбиясидаги намунасини кўрсатиш мақсадида айрим пайтларда хонадонларга экспурсиялар уюштириш, олган таассурутлар юзасидан биргаликда мунозара ташкил этиш фойдалидир.

Булардан ташқари, ота-оналарни үспириңларни турмуш қуришга тайёрлашга бағищланган конференция, семинар ҳамда симпозиум материаллари билан доимо таништириб бориш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, педагоглар жамоасининг турмуш бўсағасида турган үспириңлар ота-оналарига маълум дастур асосида илмий-амалий кўрсатмалар бериб бориши ва уларнинг натижаларини синчковлик билан кузатиши каби иш шаклларидан ўқитувчиларимиз самарали фойдалансалар, 9—11-синфларда тарбия сифатини янада ошириш ва ёшларни турмуш қуришга тайёрлаш жараённадаги қийинчиликларни камайтиришида яхши кўрсаткичларга эришишлари, шубҳасизdir.

Педагоглар вояга стган юқори синф ўқувчиларининг ота-оналари билан олиб бориладиган иш шаклларида асосий эътиборни ўқувчилар (йигит ва қизлар) руҳий дунёсининг кўпгина мураккаб томонларини очишга қаратишлари керак. Уларда танқид ва ўз-

ўзини танқид, ўз хатти-ҳаракатларини баҳолаш, ўз-ўзини идора қилиш, ўзини тута билиш каби хусусиятларни ривожлантириш ва такомиллаштириш қоидалари билан танишириш; ўз хатти-ҳаракатлари, қулқ-автори, ақлий фАОлиятини назорат қилишга ўргатиш йұллари юзасидан ота-оналар билан машғулотлар ўтказиши ҳам алоҳида зътибор бериш керак. Бу борада маҳалла ва қышлоқ шүролари қошидаги түй ўтказиши комиссияси ишлари ва режалари билан танишиб бориш ота-онага катта наф келтириши мумкин.

Педагоглар жамоасининг ота-оналар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда ўспириналарни оила қуришга тайёрлаш ишлари ижтимоий аҳамият касб этиб, барқарор ёш оиласалар бунёд бўлиши учун ҳал қилувчи роль ўйнайди. Турмуш тарихидан, яққол воқсалардан намуналар келтириш ва уларни атрофлича таҳлил қилиш асосида ёшларни турмушга тайёрлаш яхши самаралар бериши, шак-шубҳасиздир.

Ўспирин йигит-қизларни келажак ҳаёт ражалари билан таниширишда улардаги мавжуд майлга, қизиқишга, нафосат ва нафис туйгуларга, иродавий сифатларга, идеал мақсадларга интилиш ва романтикага алоҳида зътибор бериш зарур. Йигит ёки қиз руҳияти ва маънавиятига тўғри йўл топиш орқали унинг феъл-авторига ўрнашиб олган хислатларида айрим ўзгаришлар вужудга келтириш имконияти туғилади.

Юқори синф ўқувчиларида оиласавий турмуш тасаввурини шакллантириш ва бунга ўзларини атрофлича тайёрлашлари учун даставал уларда масъулият, ғурур, жавобгарлик, ишонч, самимиilik, камтарлик, дилкашлиқ сингари юксак инсоний хислатларни таркиб топтириш лозим. Бу улуғвор мақсадни амалга оширишда ўспириналарнинг кучига, қобилиятига, қизиқишига, имкониятига қараб уларни топшириқларни бажаришга ўргатиш; оила шарт-шароитларига кўнишиш ва мослашиш йўлларини кўрсатиш; қийинчилекларни снгиг ўтиш ва бартараф этиш йўллари билан танишириш; уларга ишонч билдириб турли хилдаги юмуш ва муаммоларни ҳал қилиш ёки бажариш имкониятларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, ёшларни турмушга тайёрлаш учун ҳар доим бирон-бир нарса билан банд бўлиб туришларини таъминлаш уларнинг хатти-ҳаракатида нуқсоналар вужудга келишининг олдини олади.

Ўспирин йигит ва қизларни қизиқсан тўғрагига, спорт секцияларига тортиш билан ўқишга нисбатан уларда пайдо бўлган салбий муносабатни аста-сскин йўқотиш мумкин.

Ўспирин йигит-қизларнинг ота-оналари билан олиб бориладиган иш шакллари турли-туман бўлиб, вазиятга қараб у ёки бу шаклни амалий қўллаш ижобий натижалар бериши муқаррардир.

Йигит-қизларни турмушга тайёрлаш тажрибасининг кўрсатишича, маъқуллаш ва қоралаш, рағбатлантириш ва жазолаш уларни тўғри йўлга йўналтиришнинг энг зарур воситасидир.

Йигит-қизларнинг юриш-туришига, фсъл-авторига, хатти-ҳаракатига хулқигаadolатли баҳо бериш («Баракалла», «Иш мана буидай бўлти», «Ташаккур», «Балли», «Кўп яшанг» кабилар) уларнинг кайфиятини чоғ қиласди, қувонч ва қаноатланиш ҳислариний вужудга келтиради. Бунинг учун оғзаки мақтаси, миннатдорчилик билдиришнинг ўзи етарли. Ушбу мақтовлар кейинги юмушнинг янада чиройли чиқиши учун умидворлик туйғуси ва яхшилик истагини туғдиради.

Вояга етган болаларга ноўрин танбсҳ бериш, ноҳуш хулқ-авторини турли сўзлар билан қоралаш уларда берилган жазодан норози бўлиш, катталардан ранжиш ҳисларини туғдиради, ноҳуш кечинмаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Кўпинча танбсҳ бериш таъсирида болаларда ножӯя хатти-ҳаракатлардан ўзини тийишга интилиш истаги вужудга келади. Лескин маънавий жазолаш ҳаддан ташқари қўпол бўлмаслиги, фарзанд ундан руҳан эзилмаслиги, одамгарчиликни йўқотгандай умидсизликка бориб сенмаслиги лозим.

Ўспириналарни ўринсиз рағбатлантириш ёки жазолаш яхши натижа бермайди. Масалан, месъридан ошириб рағбатлантириш, мақтаси ўғил-қиз тарбиясига заар етказади. Натижада унда ўз кучи, имконияти тўғрисида сохта тасаввур туғилади: кеккайнish, манманлик, кибр-ҳаво иллатлари намоси бўлади.

Оддий юмуш, кўмаклашиш фарзандлик бурчи ҳисобланади. Бунинг учун бола рағбатлантирилса, мақтаси ўта қадрсизланади. Мақтаси оила аъзолари ўртасида қанча кам қўлланилса, шунчалик таъсиричан бўлади.

Ҳар қандай хатти-ҳаракат мақтога сазовор бўлаверса, бола бу нарса унинг фарзандлик бурчи эмас, балки хизматини тақдирлаш деб тушунади. Баъзан ота-оналар фарзандлари янада хушхулқ, хушодоб бўлсин деб мақтайдилар ва келажакка умид боғлайдилар. Бу, албатта, яхши одат. Аммо ўз-ўзига ҳазмат қилишни ҳам кўкларга кўтариб мақтаси оқибатида бола фақат мақтаси эшиши, мукофот олиш учун ўзини хушхулқ, интизомли қилиб кўрсатишга интилади. Бундай кайфиятдаги йигит ва қизлар мақтаси эшитмасалар, ранжийдилар.

Турмуш тақозоси билан фарзандларнинг хулқ-автори ҳали старли барқарор, қатъий мустақил бўлмаса ҳам, уларни ўрни билан мақтаси мақсадга мувофиқдир. Айрим ҳолларда бола тушунмасдан ножӯя қилиқ, ёркалик ва шўхлик қилиши мумкин. Буни кечириш маъқул. Шу боисдан хушхулқни мақтаси, маъқуллаб жиҳмайиш, бош иргаб қўйиш, бир-икки оғиз юмшоқ, далда беरувчи сўз айтиш ўринлидир. Чунки хулқ-авторини тузатастган ўспирин хулқидаги сал ижобий ўзгариш учун катталарнинг илик сўзини ва мақтавини эшитишга маҳтал бўлади. Ҳар бир ибратли қадамнинг тўғрилигини тасдиқлаб бориш фарзандни. қувонтиради.

Ўғил-қизлар хатти-ҳаракатини қоралаш ва жазолашдан мавруди билан фойдаланиш керак. Ўзбек халқ педагогикасида инсо-

зотини тарбиялаш жазосиз, құрқитишиңиз, бақириқ-чақириқсиз, мәхрибонлик билан, яхшиликча амалға оширилишини тақозо қылади. Ана шунинг учун халқимиз «Яхши сүз билан илон инидан чиқади», деб бежиз айтмаган.

Фарзанднинг хатти-ҳаракати, хулқ-автори қораланганда унинг қанчалик айб қилғанлыгига ажамият бериш зарур. Жазолаш эса адолатли бўлиши, фақат жазо олувчига эмас, балки бутун оила аъзолари руҳиятига салбий таъсир қилмаслиги, нохуш таассурот қолдирмаслиги керак.

Фарзанднинг феъл-авторидан таъсирланган, жаҳли чиққан, аччиқланган ота-она уни жазолашга шошмаслиги лозим. Маълумки, жаҳл чиққанда — ақл қочади. Жаҳл устида унинг айбини ошириб юбориш, тан жазосига ўтиб кетиш, месъридан ортиқча койиш, оғир жазога тортишда ҳамиша әҳтиёткорликка риоя қилган яхши.

Ўғил-қизлар жазо олмасдан ҳам ҳижолат бўлади, уялади, изза чекади. У стмагандай катталардан дакки, ҳақорат, бақириқ эшитиш адолатдан бўлмайди. Гуниоҳкор «ўз ёғига ўзи қовурилиб» турганда, жазолаш муддатини бир оз суриш (чўзиш) керак, холос.

Ўспирин йигит ва қизлар хатти-ҳаракатини салбий баҳолаш ва қоралашнинг ҳар хил йўллари мавжуд. Айрим хулқ-авторга лойиқ салбий баҳо, койинищ шахсга бериладиган умумий баҳога айланиб кетмаслиги зарур. Ўспирин шахсига берилган умумий салбий баҳо уни газаблантиради, ўзига ишонч ҳиссини йўқотади. Масалан, фарзанднинг камчилигини бсмаврид юзига солиш, қалбига қаттиқ ботадиган, шахсиятига тегадиган қилиб гапиравсриш ёмон оқибатларга олиб келади. Чунончи «Сенинг одам булишингга ақлим бовар қилмайди», «Ширинаханлик ҳам, бақириқ-чақириқ ҳам таъсир қилмайди, фақат хипчин қолди, холос», деган сўзлар унга қанчалик оғир ботишини ўйлаб кўриш керак.

Ўғил-қизга берилган салбий характеристика уни бадном қиласди. Ноўрин таҳқирлаш, киноя таъсирида умидсизликка учрайди, лоқайдлик ва бефарқлик иллати намоён бўлади.

Ўспириларнинг айрим ножӯя қилиқлари ва нохуш хатти-ҳаракатларини баҳолашда бошқача йўл тутиш мумкин. Агарда жазолаш бошқача оҳангда, бошқача маънода қўлланилса, фарзандда ижобий хислат таркиб топади. Масалан, «Иккинчи марта қўполлик қилмайсан деб ишонаман, чунки сен унақанг болалар тоифасига кирмайсан», «Ўзинг ажойиб боласан-у, бу қилган қилигингни қара!», «Сенга тундлик, ужарлик ярашмайди» ва ҳоказо. Ушбу оҳангда болага таъсир утказиш ота-она ишончини оқлаш истагини вужудга келтиради. Бола ўзининг қилиғидан ва юриш-туришидан уяла бошлайди. Билдирилган ишончга асосланиб, ўз бўйига, ёшига ярашмайдиган ножӯя хатти-ҳаракатни тақрорламасликка интилади.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, жазолаш ва рағбатлантириш кезида ўспириларнинг йигитлик ва қизлик хусусиятларига, назокат ва иффатига, нуфуз ва ориятига эътибор

қылган қолда иш юритиш ёшларни турмуш қуришга жиддийроқ тайёрлашни таъминлайди.

Биз бу ўринда ўспиринлар тарбиясига оид айрим маслаҳатларни айтиб ўтиши лозим топдик. Ўғил ва қизлар учун күн тартибиға риој қилиш яхши самаралар беради. Уларнинг күн тартибини тахминан қўйидагича тузиш мумкин: уйқудан туриш, эрталабки гимнастика, сувли тадбирлар ўтказиш (чиниқиш), нонушта, машгулот, иккинчи нонушта, машгулотни давом эттириш, спорт билан шуғулланиш, тушки овқат, дам олиш, топшириқларни бажариш, кечки овқат, оила даврҳисида ҳордиқ чиқариш, уйқуга ётиш кабилар.

Уйқу бирдан-бир дам олиш манбаидир. Уйқу марказий нерв системаси ва бош мия ҳужайраларини қайтадан кучга киргизади. И. П. Павлов «Уйқу — нерв системасининг қутқарувчиси» деб бе-жиз атамаган эди.

Соғлом ўспирин ўқувчи одатда тез уйқуга кетади ва қаттиқ ухлади. Яхши ухладиган йигит ва қизда кучларнинг тикланиши, сезгирилик, тетикилик, ўқишга ёки ишга ҳафсала билан киришиш хусусияти мавжуд бўлади. Катта ёшдаги одамлар суткасига 8 соат ухлаши, ўспиринларнинг ухлаши вақти эса суткасига 9—10 соатни ташкил этиши лозим. Кўрсатилган соатдан ортиқ ухланса, ўспириннинг боши оғрийди, ўзини оғир ҳис қиласди.

Айниқса, тушки овқатдан сўнг 1—2 соатлик уйқу жуда фойдалидир. Баъзи ўспиринлар тушки уйқудан сўнг кечаси ухлай олмайдилар. Бундай болаларнинг кундузги ухлаши шарт эмас. Тўйиб ухламаслик ўқувчилар нерв системасининг чарчашига олиб келади, юрак-қон томир системаси, овқатни ҳазм қилиш ва бошқа шу каби аъзоларга таъсир қиласди.

Ўйқудан олдин хонани шамоллатиши лозим. Кечки овқатни уйқудан 1—2 соат олдин истесъмол қилиш керак. Уйқудан олдин оғир овқат ейиш, аччиқ чой, кофе ва марказий нерв системасини қўзгатадиган ичимликларни ичиш тавсия қилинмайди. Бундан ташқари, овқатдан сўнг ва жисмоний иш қылгандан кейин бирданига ётиш мумкин эмас.

Ўспиринларнинг ўсиб-улгайиш даврида гигиеник тадбир-чоралар орасида жисмоний тарбия ва спорт ҳамда ҳар хил чиниқиш усуслари уларни жисмоний бақувват, соғлом қилиб етиштиради. Гигиена огоҳлантириш тибиёти демакдир. Тиббиётнинг ўзи эса даволаш ва организмни тиклаб, меҳнатга қайтаришдир.

Кишининг хулқ-атвори ва соглигининг мустаҳкамланиши унинг шахсий гигиенасига боблиқ. Унга таъна гигиенаси, терини тарбиялаш, оғиз бўшлиги, соч ва бошқаларга эътибор бериш киради. Ҳамма ўтказиладиган гигиеник тадбирлар соглиқни яхшилашга қаратилади. Дам олиш билан меҳнатни уйғунлаштириб тўғри ташкил этиш инсоннинг ёшига ва меҳнат қилиш қобилиятига мувофиқ бўлса, соглиқни мустаҳкамлайди.

Маълумки, одамнинг ҳарорати кечки пайт кутарилиб, эрталаб пасаяди. Мускулнинг кучи ҳам кундузгига қараганда кечаси ка-

маяди. Үспириңнинг организми бир месъерда ўзгариб бораётган табиат қонунларига: ёзниң қишига, куннинг тунга уланишига мослашиб боради. Масалан, ўспириң кундузи ўқиса ёки меҳнат қилса, тунда дам олади, ухлайди. Буларнинг барчаси соғлиқни ва юқори ишлаб чиқариш қобилиятини таъминлайди. Агар месъёр бузилса, ўқувчидаги чарчаши ҳолати сезилади. Шу сабабли ўспириң кун тартибига қатъий риоя қилиши: ўз вақтида дам олиши, вақтида овқатланиши, ҳар куни бир вақтда ухлаши, дарс тайёрлаши, спорт билан мунтазам шуғулланиши лозим.

Ёшларни турмуш қуришга тайёрлашда уларни кўпинча ташқаридан юқа бошлаган худбинлик иллатидан сақлашга ҳаракат қилиш ксрак. Чунки худбинлик оила заволи бўлиб, турмуш қуришга, оиласининг мустаҳкам бўлишига ҳалал беради.

Турмушда бир хил шароитнинг месваси — бир ота-онанинг фарзанди турли хулқ-атворга эга бўлишади. Одатда уларнинг биттаси ёқимтой, кўнгли очиқ, одамшаванда сахий, ҳотамтой хислатли, иккинчиси эса инжиқ, ўжар, худбин бўлиб вояга етишади. Хўш йигит-қизлар нега худбин бўлиб ўсади?

Ҳеч бир ўғил ёки қиз онадан худбин бўлиб туғилмайди. Бу иллат ўзаро номақбул муносабатнинг ёки нотўғри тарбиянинг маҳсулидир.

Худбинлик фарзандда жуда эрта пайдо бўла бошлайди. Нохуш хатти-ҳаракатлар кундан-кун тўплана бориб, салбий хислатга ёки иллатга айланастганлигини ота-онанинг ўзи ҳам сезмай қолади. Фарзандда бундай худбинлик иллати пайдо бўлишининг бир неча сабаблари мавжуд.

Салбий воситалардан баъзиси ота-оналарда учрайди. Бу уларнинг қўни-қўшилар билан муомала қилганда ўз фойдасини кўзлаб иш юритиши, болалар жанжалига бир томонлама қараси, фарзандининг хулқини ошириб баҳолаши билан бевосита боғлиқдир.

Маълумки, кичик ёки катта фарзанд бўлмасин, улар турмушда тажрибасизликлари сабабли ота-оналарнинг барча хатти-ҳаракатига тақлидчан бўладилар. Ўз амалий фаолиятида кўрган нарсаларини ҳеч ўзгаришсиз такрорлашга интиладилар. Бунинг натижасида салбий хулқ-атвор малакалари шакллана боради. Бинобарин, «Қуш уясида кўрганини қилади» деган нақл ҳам бекорга айтилмаган.

Оилада фарзандлар ўртасида уй-рўзгор анжоми, кийим-бош, ўқув қуролларининг қатъий равишда айирбош қилиниши ўғил-қизлар руҳиятида, маънавиятида нохуш таассурот қолдиради.

Оилада фарзанднинг ёлғиз тарбияланиши ёки тўнгич бўлиб ўсиши, айниқса кенжатой сифатида ўта ардоқланиши, ота-она олдига фарзанд томонидан қўйилган талабларнинг сўзсиз бажарилиши ҳам ўспириңни худбинликка етаклайди. Кейинчалик у ота-онаси олдига ҳатто удда қилиш қийин бўлган талабларни қўя бошлайди. Ўз мақсадига эришиш учун турли хатти-ҳаракатлар

қилади. Агар осойишталык билан бу нарсалар амалга оширилмаса, у ҳолда әркәтойликнинг аччиқ меваси сифатида инжиқлиқ, ўжарлик, кўз ёши тўкиш каби ҳолатлар юзага келади; ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам шахсий эҳтиёжини қондиришга уринади. Унда шахсий эҳтиёж бош вазифага айланади. Бундай йигит ва қизлар кўпчилик раъйига қарши борадилар, ҳамма уларнинг сўзини ҳеч рад этмасдан адо этишини хоҳлайдилар. Айниқса, уларнинг кўнглини замонавий кийимлар, тақинчоқлар, ўта қиммат турадиган моллар, ашёлар қўмсаб туради.

Фарзанднинг ўз истак ва мақсадини бошқа жамики нарсалардан устун қўйиши авж олиши оқибатида у тўла маънодаги худбинга айланга бошлади. Ҳамиша илтимос ва талаб қилиб ўз эҳтиёжини қондирган бўлса, у турмушда ҳам шуни такрорлади, албатта. Бу соҳада оила шароити билан ҳисоблашишни истамайди. «Мен кимдан камман», «Нега бошқаларники бор, менда эса йўқ?» қабилида иш кўради.

Турмуши иноқ кечган оиласарда ота-онанинг ибрат-намунаси фарзандларда пайдо бўлиб келаётган иллатнинг олдини олишга ёрдам беради. Оилада катталарнинг ўз эҳтиёжларини кўпчилик баҳти, манфаати, меҳнатидан устун кўрмаслиги; давлат ва ҳалқ мулкини кўз қорачигидай асрари фарзандлар учун ҳақиқий ибрат намунасини ўтайди. Ҳар қандай оғир шароитда ҳам ўз манфаатини эмас, балки умум манфаатини юқори қўя билиш ўспирин учун таъсирчан кучдир.

Оила аъзолари орасида айсрлик, иккюзламачилик, инжиқлиқ, ўжарлик сингари салбий ҳулқ-атвортининг учрамаслиги, катта ёшдагиларнинг шахсий намуна кўрсатишлари туғилиб келаётган худбинлик хавфига кескин зарба беради.

Оиладаги соғлом муҳит асосидаги одамийлик, инсонпарварлик муносабатлари фарзанднинг руҳий дунёсига ижобий таъсир этади. Ўспиринлар катталарнинг юриш-туришига тақлид қилиш орқали муҳим умуминсоний хислатларни ўзларига сингдириб борадилар.

Катта ёшдагиларнинг оиласа саҳиyllиги, бир-бирига ғамхўрлиги ёшлиларни оила қуришга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Катталарнинг қўни-қўшни ва қариндош-уруглар билан илиқ муносабати, уларнинг қайғусига малҳам, қувончига шерик була олишлари йигит-қизларда кўпчилик манфаатини англаш, ҳастнинг оғир ва енгилини тушуниш ҳиссини вужудга келтиради.

Оиласа фарзандларга адолатли тарзда бирдай қараш, улардан айримларига имтиёз бермаслик зарур. Шунингдек, ёлғиз фарзанд деб барча талаб ва эҳтиёжини қондиравериш ҳам ўринли эмас. Яхиси бундай фарзандларга оила бюджети тўғрисидаги маҳсус маълумотларни етказиш мақсадга мувофиқдир.

Фарзандларда ижтимоий онгнинг ўсиши, уларни кўпчилик манфаатини кўзлаб иш тутишга ўргатиш худбинлик иллатини

йўқотишга олиб келади. Ана шундагина турмуш қувончлари ва ташвишлари юзасидан оқилона тушунчаларга эга бўлиши мумкин.

Оилада олиб борилган тарбиявий ишлар мактабда мустаҳкамланиши ва ривожлантирилиши, ўспиринлар онгига турмуш масаласига илмий нуқтаи назардан қарашни сингдириш лозим. Йигит ва қиз ўртасидаги муносабат анчагина мураккаб бўлиб аста-секин шаклланади, унинг нормал ривожланиши кўп жиҳатдан синф раҳбари фаолиятига боғлиқ. У ишини шундай ташкил қилиши керакки, йигит ва қизлар бир-бирига нисбатан дўстлик муносабатларини аъло ўқиш, намунали ҳулқ, жамоат ишларида фаол қатнашиш билан бирга қўшиб олиб борсинашлар. Ўспиринни шундай вазиятга қўйиш керакки, у оғир ишини бажаришда қизларга ёрдам берсин, қизлар эса ўспиринларнинг ёрдамини муносабат баҳолашни, уларга меҳрибонлик туйғусини намоён қиладиган бўлиб тарбиялансанлар.

Мактабда ўқиш даврида ҳар иккала жинсдаги ўқувчилар бир-бири билан дўстона муносабатда бўлишлари, ўзаро ёрдам бермоқлари, бир-бирини ҳурмат қилмоқлари шарт. Лекин уларнинг ўртасида муқаддас, ҳеч бузилмайдиган иарда, чегара бўлиши лозим. Йигитнинг бурчи қизни авайлаш, унинг шарм-ҳаёсини поймол қилмаслик, тақдирига юзаки қарамаслик; қиз эса ўз навбатида уятчан, шарм-ҳаёли, андишали, камтар, қизларга хос мағрур, назокатли бўлиши даркор. Қизлик ор-номусини поймол қиладиган ҳатти-ҳаракат ва ҳирсга барҳам бериш келажакдаги баҳти учун зарур эканлигини ҳар бир қиз билиб қўйгани яхши.

Йигит ва қизларни турмуш қуришга тайёрлашда, улар ўртасида юксак ахлоқий муносабатлар шаклланишида жамоа муҳим роль ўйнайди.

Ёшларда оила тўғрисида тасаввур ўйготиш учун синфдан ва мактабдан ташқари ишлардан, чунончи турмуш муаммоларига багишиланган мунозара ва муҳоммалар ўтказишдан фойдаланиш мумкин:

1. Йигит билан қиз ўртасидаги чинакам дўстлик нимадан иборат?
2. Сиз ҳақиқий севгини қандай тушунасиз?
3. Сизнингча баҳт нимадан иборат?
4. Жамиятимизда оила қандай роль ўйнайди?
5. Оила қуришга тайёрмисиз?

Бундай мазмунларда мунозара ва савол-жавоб кечалари йигит-қизлар учун алоҳида-алоҳида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Ёшлик даври қисқа, ёшлик — келгуси турмуш қуришга тайёрланиш даври, бетўхтов ва тинимсиз такомиллашиш, келажакдаги баҳт-саодат учун олдинга интилиш даври эканлигини ўспиринлар бир лаҳза ҳам унутмасликлари керак.

Ота ўғлини меҳнатсевар, мард, қўрқмас, дўстлик қадрига стадиган, аслларни ҳурмат ва ҳимоя қиладиган киши қилиб тарбиялаши; она эса қизига рўзгор ишларини, бўлажак турмуш ўрготига

«Она күнида сүянчиқ бўладиган, жонига роҳат баҳш этадиган бир сирдош топур. Хотун одам болисида бўлган кулқларни гўзаллаштирурки, бунига сабаб қаттиқ кўнгулларни юмшатувчи, инсонларни жонивор эмас, инсон этувчи бир қут бўлганидандир. Зоро дўстлик ва яқинлик каби нарсалар нақадар маҳкам бўлса-да, оила ташкил этишда қудратлари стмас» (9-бет).

«Эзгу хотун эрининг молини сақлар, эрига келадиган балоларни даф этар, гайратли бир аскар каби барча куч-қудратини сарф қилур, кўл вақт баъзи нарсаларда иқтисод этиб, кўпми-озми мол йиғур-да, зарурат бўлганда чиқариб бериб, уни шодлантирур.

Агарда оила кемага ўхшатилса, хотун кеманинг қўйруги (рули) ҳукмида бўлур. Дарёда катта қувватга эта бўлган кема қўйрук ҳаракатига эргашиб юргани каби, мамлакат мисолида бўлган оиласларда оила ичида бўлган хотун ҳаракатига эргашурлар. Кўз ўигимида бўлган халқларининг аҳволи, хотунлар аҳволи билан бир вақтда муносиб бўлмоги ушбу даъвонинг дурустлигини исбот этур. Хотунлари тарбияли бўлган халқ — тарбияли-ю, хотунлари тарбиясиз бўлган халқ тарбиясиз, хотунлари тиришқоқ, тадбиркор, иродали бўлган халқ — бою, хотунлари ялқов ёки исрофгар халқ фақир бўлиши аниқди» (9-бет).

«Тарбияли хотун ота-онасини, эр ҳамда боласини, бутун оила хулқини, онлага муносабатли бўлган дўсту қўшиниларини, ходиму ходималарини тарбия-ю, ҳусни хулқи билан мамнун қилур. Ўзи ҳам баҳтли ўлароқ умр сурур. Аммо тарбиясиз хотун бунинг аксини қилиб, ота-онасини, эру боласини эл масхарасига қолдирур. Ўзи ҳам баҳтсиз ўлароқ яшар, болаларини тарбиясиз қолдирив, умрларини барбод қилур» (10-бет).

«Болаларига тарбия бера билмаган ва ҳусни ахлоқ ўргата олмаган хотундан фойда ўрнига улуг заرارлар кўрилур. Зоро бундай хотунлар халқ орасида вабо микробларидан заарли бўлган инсонлар этиштирурлар» (11-бет).

«Турмуш қуриш эр билан хотуннинг оила тузиб, бирликда яшаш, бирликда болалар ўстириш учун ўз ораларида этган аҳду иттифоқларидан иборат бўлиб, талоқ ва эжралиш эса ушбу иттифоқни бузишдан иборат» (38-бет).

«Оила ташкил этиб бир жону бир тан бўлиб бирликда яшаш учун биринчи шарт оила қуриётгандар табиатларидан бирлик бўлишицир. Зоро турмуш қуриш бир-икки куилик сағарда эмас, балки умр бўйи бир-бириги йўлдош бўлишдан иборатдир. Табиатларидан бирлик бўлмаса, бирга яшамоқ мумкин бўлмас». (38-бет).

Ўсириналарни турмуш қуришга тайёрлашда педагог-олим Раҳимжон Усмоновининг «Дилнома» китобидаги¹ манбалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

«Оила қуришдан олдин, унинг иқболи ва истиқболи устида ўйламоқ оқилларининг иши. Аксинча баъзилар аввал турмуш

¹ Усмонов Р. Дилюма, Тошкент, «Ўқитувчи», 1981.

қуриб, кейин пушаймон қила бошлайдилар. Мәтілумки, «кейинги пушаймон үзинге душман» дейдилар. Ойла қуриш бу шунчаки бескінмачоқ үйнин әмас, балки бир умр биргаликда зэгулик сари интилишдір. Шундай экан, аввало, мен турмуш қуришга тайсманым? Мен фарзаңдға ота ёки она ҳамда мен билән бир әстіққа бөш құидиган кишиңе доимий умр йұлдоши бұла оламаними?— деган савол түгрисінде үйлаб күр. Агар бу саволдарни ижобий ҳал қила олсанғ, бу шарафли бүрчіға қадам құя. Аксинча, ойла қуришкіннеге мақсад да мөхияттарини түшүнмай күркүрона турмуш қурған киши оқибатда ағасусланады: хотин шу Інгітте текканиға, ғынғыт шу қызыға үйланғаниға ағасу қылғады. Сен яхши ойла қурмоқчи бұлсанғ да ҳәстининг құданин биљган, яхши ойла бүнед әтған азиз одамларнинг турмушлариниң құнты билән күзат, улардан үзінг үчүн тегишли күлеса чиқар, уларнан қастан әт тарзларини синичкелаб үргән, ижобий фойдалан. Чүнкі бизге қастан — устоз, халқ әса мұаллимдір. Құпинча турмуш бузыша мәишатпараст, манбаатпараст киши монаңд бұлады. Бундай шахс кишиниң чин дилден құрмат қила олмайды, умр йұлдошиның шарафнин, орномусиниң сақлаш үчүн кураша олмайды да уни дилден құрмат қылыш, унга маңнави бойлық инъом әттіш каби одамийлік фазилатлардан ҳам маңрум бұлады. Шундай экан, дүстүм, турмуш қурмоқчи бұлған, сенған умр йұлдошиның ору номусиниң күз қорачигиңдек сақла, у билән ғаҳралын. Ким күрганға мұхаббат изәхор қилиб юрган бекәбап үзоқроқ юрганинг маңқұл. Бундай кишинин ғына мұхаббаты ҳам сохта бұлғады (104—105-бетлар).

«Дүстүм, баъзилар күең ёки келин таипласалар, фақат уларнан дәнгиллана участкасы-ю, машинасы да мол-мулкинга қараб тұн бичадилар. Үндай кишилар күпинча келин-куевнин ғылыми да истиқболын болта урадилар. Шундай әр да хотинлар борки, улар керагилән ортиқ зебу-зиннатта, катта уй ёки құшақұша гаринитурлар да машиналарға етә әмаслар, лекин оддий ойла яшаши үчүн керак бұлған зарурий шароитлар бор. Энг мұхими, тотув яшаңылар, ҳәттлері қувноқ да бир-бірларига мәхру үафо, садоқатлары бор, очиқ ғылыми-ю шириң сұзлары бор» (106-бет).

«Әр да хотинининг бир-бірінде үйлін бұлған месхру үафоси бизга ота-боболаримиздан қолған бебақо меросын» (126-бет).

«Калтабии киши үзидеги ағзалларының умр йұлдошиның үстідан құкмронлик қуороли қилиб фойдаланышина үриналады. Әр хотин орасидеги самимий құрмат да месхрибонлик улар орасидеги олижаноб мүносабатнан қуороли қисобланады. Оилави қастанда өлгиз сенинг манбаатының әмас, балки ойла аязолары манбаатлары асосий масалалардан қисобланады. Бундай тадбир оилдин түгрік йұлға бошлайды. Сенниң турмушының келгүсі аудандың қыбали үчүн пойдевор бүлиши керак» (126-бет).

СЕВГИ — МУРАККАВ. ЮКСАК ИНСОННИЙ ТҮЙГҮ

...Улар бир-бирларини сениб турмуш қуришган әди. Аммо, бир йил бирга яшар-яшамас ажралиб кетишди.. Севги ҳақида юксак фикр әшитиб юрган ёшларга бундай гап галати түнгизлиши табиийдир. Ахир, улар муҳаббат билән қурилған турмуш тинч-тотув, баҳтли кечади, оила мустаҳкам бўлади, эр-хотиги бир-бирига вафодор, ҳамдам булиб яшайди, деган фикрда әдилар-да!

Ўқитувчи ана шундай муаммоли вазиятни яратиб, бирмулча кенгроқ баҳс ўтказиши дарс самарадорлигини таъминлайди.

Ўқитувчиларнинг баҳси, умумлаштириш асосида якунлангач. Ўқитувчи мутафаккирларнинг севги ҳақидаги фикрларнга тұхталади. Ўзбек халқынинг буюк шоири Алишер Навоий:

«Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун»,-

деб, ишқсиз ҳаёт, ҳаёт эмас қабилиздаги фикрин олга суради.

Ф. Энгельссиңг таъбирича, «агар муҳаббатга асосланған никоҳгина ахлоқ талабига жавоб берадиган бўлса, у муҳаббат сўймасдан давом этган тақдирдагина ахлоққа жавоб берадиган никоҳ бўлиб қолади».¹

Енгилтаклиқ билан ёхуд кўнгилхушлик билан юзага келадиган муҳаббат ҳақиқий бўлмайди. У вактинча әхтиросдан иборат бўлиб, тезда сўниади. Натижада, қиз ски йигит изият чекиб бир умр пушаймонлик дардидан нола тортади. Бинобарин, севиш ва севилиш ҳам табиат инъом этган олий түйгу баҳш этувчи юксак фазилат бўлиб, унинг янада ривож топиши шахснинг камолотида муҳим роль ўйнайди: инсонда «маданият маҳсули бўлган хислатлар» юзага келади.

Бу ўринда биз В. И. Лениннинг 20-йилларда ёшлар ўртасида пайдо бўлган никоҳсиз, оиласиша, «эркин севги» назариясини қаттиқ қоралаб, Клара Цеткинга: «...ишқ-муҳаббатда икки киши иштирок этади, учинчи, янги ҳаёт пайдо бўлади. Бу срда ижтимоий манфаат яширишиб ёттани, жамоатга иисбатан бурч пайдо бўлади» деб куюниб ёзган хатида одий ҳақиқат борлигини кўрамиз.

Атоқли давлат арбоби А. В. Луначарскийнинг муҳаббат, никоҳ ва оила хусусида баён этган фикрлари гоятда характерлидири... «Кутиш, кутиш, сабр-қаюоат билан кутиш керак, зоро кишилар бир-бирини севган тақдирдагина узоқ умрли яхши турмуш қурилади: шу сабабли биз эркак билан аёлниңг бир-бирига кўнгил бериб юришини, уларниңг хирсий ҳислар ҳам аралашган муносабатларини инкор этмаслигимиз керак. Йигит-қизлар шу йўл билан

¹ Энгельс Ф. Оила, хусуси мулк ва давлатининг келиб чиқишни. Т. «Ўзбекистон» нацириети, 1967, 96-бет.

бир-бирларини төнгилдилар; анча вақт бир-бирларини сиынаб юрганларидан кейин мунисиб турмуш ўртоги топадилар».

Мұхаббатни сиғыл-елпи тушунулчи ёшларниң турмуши мустақам бўлмайди. Шу туфайли кейинги даврда онлаларниң бўзилиши кўп ҳайда этилмоқда.

1988 йилнинг охири таридаги маълумотга кўра, Америка Қўшина Штатларида сўнгити уч йил ичидаги 17-30 ёшлилар орасида турмуш қуреб, ўртача бир йил яшаб ажralишганлар 21 минг 838 кишинин ташкил этган. Японияда эса мазкур муддат ичидаги 18-28 ёшлилардан 7 минг 511 йигит-қиз, Италияда 16-24 ёшлилардан 8 минг 791 киши, Англияда эса 17-26 ёшлилардан 16 минг 441 киши турмуш қуреб ажрашиди.

Собиқ Иттилоғида биргина 1987-1988 йиллар мобайнида 18-28 ёшлилардан 31 минг 700 кишининг оиласи бузилиб, ажralишган. Узбекистонда 1988 йилда турмуш қурганинг иккى йил тўлмай туриб ажрашиб кетган 20-25 ёшли йигит-қизлар сони 891 нафарин ташкил этди. Демак, бизнинг мамлакатдаги оила, никоҳ моҳият жиҳатдан ҳақиқий оилавий истиғоз, чин севги асосидаги турмушни англатмайди. Аксинча, бу кўрсаткич шу кунгача биз қораллаб келган буржуа никоҳи ва оиласига нисбатан мустақам эмаслинини кўрсатади.

Талқиқотчи Ф. Блехер Ўзининг «Совет хотин-қизлари оиласи ва жамиятда» номли тадқиқотида Ўрта Осиё хотин-қизларининг оилавий ҳаётни, турмуш тарзи, никоҳ маданийати хусусида анча ўринли гапларин айтib ўтган.

У мамлакат хотин-қизларининг турмуш тарзига ингоҳ ташлар экан, бир-бiri билан «севишимасдан турмуш қуриш оқибатида ажralиб кетган оилаларни асосий омил» деб ҳисоблайди ва қатор фикрлар баён этади. Унинг маълумотига кўра, «Ўрта Осиё шаҳарларида ҳар бир юзта никоҳдан бир йилда 12 та ажralиш содир бўлади, МДҲ инг Европа шаҳарларида жа ажralиш буидан 3-4 баробар кўпфидир. Бунга асосий сабаб, замонавий индустрлаштириш ҳамда урбанизация, яни жамият ривожланишида шаҳарлар ролининг ошиш жараёни бўлиб, бу нарса «никоҳга салбий таъсир этган». Бошқача қилиб айттанди, никоҳларининг бузилиши қишлоқларда шаҳарларга нисбатан камдир. Бу гапларда бир оз ҳақиқат бордек туюлади. Чунки 1987 йилда биргина Бекобод шаҳрининг ўзидан 25 та никоҳ бузилиши содир бўлганилиги ва бу кўрслеккич Баҳмал раёнинда 18 тани ташкил этганилиги юқоридаги фикрни бир оз тасдиқлайди.

Шу ўринда ўқитувчи АҚШ, Англия, Италия, Туркия каби буржуа давлатлари турмуш тарзи, никоҳ кўламлари ҳақида матбуотда ўлон қилинган материаллардан мисоллар келтириб юқоридаги фикрларни тўлдиради. Сўнгра биздаги турмуш, никоҳ ва оилавий ҳаётнинг ўзига хос томонлари хусусида аниқ далиллар келтириб, яхши ва ёмон оилалар тўғрисида қиёсий хуносаллар чиқаради.

Айниқса, бу ўринда ўқитувчи ёш оиласларнинг ажралиб кетиши, турмуш бузилишларига, чин инсоний севгисиз қилинган аҳдпаймонлар сабаб бўлғанилигини далиллар билан исботлади. Ўқитувчи ёш оиласларнинг арзимаган турди сабаблар билан ажрашиб кетаётганилиги инсоний бурч, миллый турур доирасидан четга чиқиш бўлиб, бундай ножӯя ҳаракатининг олдини олиш, оиласларни мустаҳкамлаш учун бутун жамоатчилик, маҳалла, мактаб матъмурияти, қариялар жон куйдирастганини уқтиради.

Чин муҳаббат асосига қурилган турмуш йигит ва қизининг умрбокий бахт иш қувончидир. Улар учун келгусида фарзанд кўриб, ота ва она бўлишдан ҳам кўра муқаддас нарса йўқ! Бу тўғрида атоқли ўзбек совет олими, Ўзбекистон совет фанининг асосчилиридан бири, академик Қори-Ниёзий ўз ҳасти мисолида тўлқинланиб өзади: «Менинг ҳастимда 1923 ва 1924 йиллар алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу йилларда менинг рафиқам оналик шарафига муваффақ бўлди, менинг — оталик шарафига: Ойшашон 1923 йилда қиз ва 1924 йилда ўғил инъом қисди. Бу қувончили воқсалар туфайли оиласларнинг ҳасти қандайдир ёрқин нур билан мунаввар бўлди: кучга-куч, гайратта-гайрат қўшди. Табиийки, бу ҳол фикрот она ва отага хосдир».

Бинобарин, ўз оиласлар турмушидан бениндоя мамини бўлган барча кишилар учун, Т.Н.Қори-Ниёзиий таъбирича, ҳақиқатда ҳам чин муҳаббат — олижаноб муқаддас туйғудир!

Атоқли педагог, ўзбек совет мактаби асосчилиридан бири, давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Абдулла Авлоний ўзининг «Туркий Гумистон ёхуд Ахлоқ» десан асарида барча инсоний фазилатлар ҳақида фикр юритиб, уларнинг ҳар бирни хусусида ҳикматомуз фикрларни ҳаён этади, муҳаббат туйғусини кенг мазмунда таърифлайди: «Муҳаббат деб бир нарсани сўймакни айтилур. Дунёдаги инсонлар исҳар ва муҳаббат соясида яшарлар. Ҳар бир ишини муҳаббат орасида ишларлар. Муҳаббатсиз киши ҳеч бир ишини ишламакга гайрат ва касорат қилолмас, дунё исъматидан лаззат ололмас»².

Ўқитувчи дарс мавзусини чуқурроқ ёртиши мақсадида атоқли кишилар, хусусан, олимлар, машҳур педагогларниш севги-муҳрабат ўтирисида басн этган фикрларидан ҳамда ҳалқ нақдларидан намуналар еттириб, моҳиятини айтиб бериши мақсадига мувофиқдир.

*Севги дунёни каби ёски ва қадим,
Аммо ким кетади-ю, ким келар,
ҳар гал
Муҳаббат лаоҳига бергай япги ҳал.*

Д. Байрон.

¹ Қори-Ниёзиий Т. Н. Ҳадт мактаби. ЎзССР «Фан» паприёти. Т., 1966. 19-бет.

² Абдулла Авлоний. Тошкент тиғи, Тошкент. «Ўқитувчи» паприёти. 1979, 4-бет.

*Сөзги ўзи ул эски нараса,
Хар бир юрак учи яңгарта.*

Ходи Тоқтош.

«Бахтишие тұртдаң үч қисміни өдам никоҳдан, өзінде оралғандағы әстемас қисміни қолған нарасадан топади».

Ф. Достоевский.

Никоҳ қилиб түрмүш құрғашлар маңнавий жиғатдан зерттең бир кишидек бўлиб яшашлари керак».

И. Каин.

*Одамларга бермоқ үчүн ҳақиқиүй баҳт
Жуфт-жуфт қилиб қояштираң мұхаббат.
Алмо үтсөн бўлгачгина ато бўлур
Бизлар үчүн ул самимий чип фарогат.*

В. Гёте.

*«Нозик-ниҳдол қилиб тарбиялаш шүңға олиб келиши мүмкінки,
олай Тіері системасы күчли бўлиб түғимдан өдам умрбод юраксиз
бир бечора бўлиб қолади».*

И. П. Паало.

*«Гарчи болға органдарнанғ хоссалари билан танишиш қапчалик зарур бўлса, жинсий органдарнанғ хоссалари билан танишиши
ҳам шунчалик зарурдиру».*

А. Бебель.

*«Мұхаббат — бир-бираига ким күпроқ баҳт-саодат бераркан, деб
эркак билан аел киши ўртасида қышынадиган ўзаро мұсobaқадир».
Халқ нақли.*

*«Мұхаббат — ўзини фидо қиладиган даражада меңр құйши,
юрак-юракдан сөвши ҳисседидир».*

Халқ нақли.

Үқитувчи ўқувчиларни фаоллаштириш, дарсни янада мароқли үтказиш мақсадида ҳар бир машгулоттың мазмуни, мақсади ва хусусиятларидан келиб чиқиб, синиғға саволлар билан мурожаат қилиши, мүмкін.

Илмий тадқиқотларда сөвги-мухаббаттың тұла маңындағы тәърифи йўқ. Этікага онд лугатда сөвги-мухаббат кишиларнинг ўзаро мәнніфатдорлиги ва майлита асосланған ҳиссесітдір, леб талқии қилинган бўлса, фалсафий әнциклопедияда: сөвги — шахснинг

бошқа шахсга бегораз ва бекиёс интилишида намоси булувчи
қызындири, деб таърифланади.¹

Үқитувчи мавжуд адабиётларда баён этилган манбалардан иже-
ниб фойдаланган ҳолда севгининг сеҳрли қудратини ойдинлашти-
шиб беришга ҳаракат қилади. Бу ўринда үқитувчи севгининг
мураккаб ва юксак инсоний туйгу эканлигига биологик, педагогик
ва психологик нуқтаи назардан ёндашган ҳолда, ёшларнинг қалба
а онгига чуқур таъсир ўтказиши айни муддаодир.

Ишқ-муҳаббат ўтида ёнган ёхуд бу мураккаб туйгуни ўз бо-
нидан кечираётган ҳар бир кишининг дунёси бетакрор сирлидир.
Муҳаббат хотирада сира ҳам ўчмайдиган из қолдириб кетади.
Иннлар ўтади, аммо инсон ўзининг севгисидан қолган хотира-
арни асло унутмайди — бу хотиротлар жисмининг азиз бир
тлагига, чинакам ҳастни мунаввар этиб турувчи сўнмас алангага
планиб қолган бўлади,— деб ёзган эди' Б. Чекалин ўзининг
Севги ва оила» китобида.

Ўқувчи ёшларга инсон ҳаётида муҳаббатнинг чуқур мазъно касб
нишини, бу юксак туйгуни гоятда ардоқлаш зарурлигини үқитув-
чи алоҳида уқтириб ўтар экан, бадиий адабиётлардан, турмушдан
трактерли мисоллар келтириш билан машгулотнинг янада ма-
қили ўтишини таъминлайди.

Ўқитувчи шоирларнинг ишқ-муҳаббат ҳақида битилган ажойиб
съларидан айрим намуналарни ёҳтирос билан ифодали ўқиб
рар экан, шундай лирик шеъларни ёдлаган ўқувчилардан ҳам
тиб беришни илтимос қилади. Ўз наебатида, ўқувчилар адабиёт
сларида ўрганган, дарсдан бўш вақтларида мутолва этган шеъ-
й асарлардан парчаларни ёдан ифодали ўқиб берадилар.

Шеърий асарлар билан бир қаторда, насрый ва драматик асар-
га ҳам мурожаат этиш дарснинг таъсирчалигини янада оши-
ди. Ўқувчилар севги-муҳаббат тўғрисида ёзувчи Абдулла
Ҳидиёнинг «Мэҳробдан чаён» романидаги бош қаҳрамонлар Ан-
ро ва Раъно ўртасидаги ишқномадан иборат мушонрани чиройли
либ ўқиб беришлари мумкин:

Анвар — Ҳамиша хавфда кўнглим бу муҳаббат интиҳосидин,
Мени ҳам этмаса Мажнун дебон Раъноминг савдоси.
Раъно — Муҳаббат жомидан нўш айлаган аҳли зако бўлмиш,
Фунун тибда мажнунидир кишининг куйса сафроси...

Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» драмасидаги бош
қаҳрамонлар — Фофир ва Жамила ўртасидаги ишқий мубоҳасани
итувчи ёхуд ўқувчиларнинг ўзлари юксак оҳанѓдорлик билан
сирчан ўқиб беришлари ҳам мақсаддага мувофиқдир. Бинобарин,
ниининг вафодорлигига шубҳа уйғотган Хонзоданинг аччиқ ки-
кесатиқ гапларини эшитган Фофирнинг Жамилани қийин-қис-

¹ Философская энциклопедия. М., 1964, 265-бет.

төкөд олиб унга берган таңна-дашномларини я, ўз наебатида, Соғирға чимакам садоқатлы эканлигини билдирган Жамиланиң юрак сүзларини синфда дарс жарағында әхтирослы үқишиниң ахлоқий-эстетик тасыры ғоятда күчлицир.

Бадий адабиётда ифодаланған севги-муҳаббатини улугловчы лавжаларин тасырдан-эмоционал оқанға үқиши, ўз наебатида, бу юксак түйгүнинг мөхиятнини чуқур англашға ердам беради.

Севги-муҳаббат түгрисида үқувчиларниң тасаввуриниң бойитиш мақсадыла илмий манбаларда бағыттылған манбалардан ҳам ижодий фойдаланыш мүмкін. Намуна сифатида айрым фикрларни қағид қилиб ұтамиз.

Социолог олим Ұ. Тошемиров үзинининг «Социалистик оила» номлы китобида биз талқын әтаётгап масалалага қойылады: «Севги-муҳаббат шаклларин шақыллары да иамоен бұлни жиҳатидан ахлоқий ҳиссесіттір. Башқача айттанда, уннег үйгөннешінде шахснинг ахлоқий-эстетик фазилатлари мүхим роль үйнайды. Шунингдек, севги кишилар орасидаги ахлоқий-психологик муносабатлариниң олий шакли сифатида иамоен бұлады»¹. «Философская энциклопедия»да севги-муҳаббат масаласининг туандары мазмунда берилған талқын келтирилады: «Севги-муҳаббат әркак ва аёлнинг үзаро табиий интилиши заминнанда үйгөннады. Лекин иисоп үзининиг әнг яғын аждадтаридан қанчалық илгарылаб кетген бұлса, уннег бу иистинкти ҳам шуныча үзгарады. Башқача айттанда, шахснинг жинесінде интилиши одатда «яланғоч» қолда иамоен бұлмай, ахлоқий-эстетик муносабат сифатида иамоен бұлады. Севги-муҳаббатнин ахлоқий мөхияти шундағы, әркак аёлға еки аәл әркакқа ғақат башқа жисс вакиғи сифатидагына әмас, балки муайян ақлий, ахлоқий, ҳиссий хислатларни үзиге хос тарзда мұжассамлаштырувчы алоқида шахс бұлғанлығы учун интилады. Әркак ва аәл бир-биринин жисмоний, ахлоқий, эстетик хиселатларин идрек қилиши, үзаро мұомаласидан қосыл бўладиган гўзатлар ҳиссесі севги-муҳаббатнинг асл маъносини ташкил этады»².

Тадқиқот ишларидан шу нареа аәнки, қызларда жинсий ба-логаттаға стиши үгил болаларға иисбатан әрта бошланады. Бу фарқ таҳминан 1,5-2 йылнан ташкил этады. Ҳуди шу хусусият, ўз наебатида ҳаётта бұлғап муносабатта ҳам маътум даражада ўз аксиини топады. Қызларининг муҳаббагида үзиге хос субъекттив жиҳатлар мавжуд бўлиб, ахлоқий-психологик ҳиссесіт ва муносабат устуни туралди. Бипобарии, «қызларининг дүстлик ҳақиқидаги тасаввурлары позитив ва мурқаба роқ. Жумладан, уларининг дүстликкүн тушунишида үгил болаларға иисбатан руҳий, маъниавий яқинликка әхтийж аниқроқ ифодаланады»³.

¹ Тошемиров Ұ. Социалистик оила. Ташкент, 1977, 63-бет.

² Философская энциклопедия. М., 1964, 265-266-бетлар.

³ Социальная психология личности. Л., 1974, 119-бет.

Маълумки, севги-муҳаббат ўзига хос алоҳида руҳий хислат бўлгани сабабли, ҳар бир шахснинг ички түғёни ҳам хусусийдир. Яъни ҳар бир шахснинг ишқий кечинмалари фақат унинг ўзига аён бўлиб, ошиқ ва маъшуқа қалбини ларзага келтирувчи, барча ўй-хаёлларини занжирбанд қиласуви сирли бир қудратдир. Зотан, севги-муҳаббат ўзининг ана шу куч-қудрати билан кишиларни илҳомлантиради, эзгуликка бошлайди, қайта тарбиялади. Бино-барин, севги шуидай сеҳрли кучга эгадирки, у қотилни раҳмдила, иблисни мўминга, имонсизни иисофга, ўғри-муттаҳамни олижабобликка даъват этади ва машъум қилмишлари ила бадном бўлган кишига эзгулик нури билан қайта жоп багишлади. Ҳатто бу тўғрида биз «Дайди», «Жаноб — 420» каби ҳинд кинофильмларидаги бош қаҳрамонлар тимсолида ҳам ёркни тасаввур ҳосил қиласмиш. Зотан, бу фыльмларнинг таъсиричанини ҳам ана шундадир.

Севги ришиласи икки ешни қовуштире, улар биргаликда қурган оила кошонаси ғоят чарогон ва мустаҳкам бўлади. Лекин бунинг учун оилавий бурч ҳам зарур. «Оилавий бурч — шахснинг жамият томонидан никоҳ-оила муносабатларига қўйилган талабларига эътиқод билан амал қилишидир.

Оилавий бурчин дастлаб эр-хотинлик бурчи, ота-оналий, фарзандлик бурчига ажратиш мумкин. Эр-хотинлик бурчи эркак ва аёл никоҳнинг шаклланишидан бошланади ва улардан ўзаро муносабатларда оилавий-ахлоқий қондаларга амал қилишини тақозо қиласи. Бу — бир никоҳликка қатъий риоя қилишида ўзаро ҳурмат, севигига садоқат, вафодорлик, ўй-рӯзгор юритишда ўзаро ердам ва ҳамкорликдир¹.

Ўқитувчи шу ўринда турмуш сўқмоқларида, айниқса, ўзбек миллий урф-олатларida соғ севги түғенинга эътибор бермай иш гутиши ҳоллари ҳануз давом этиб келаётганилигини, баъзи ота-оналар қизнинг ёхуд ўғилининг розилигисиз «унашиб» қўйиншиб, турмуш қурдиришлари — никоҳдан ўтказишлари оқибатда «ҳавоий севги» ясосида қурилган ёш оилалар вайрон бўлаётганилиги хусусида тўхталади.

Аҳду паймоқ билан никоҳдан ўтиб турмуш қуриш баҳтига саювор бўлган ёшлар, аввало, энг яқин дўст — сирдош, дилдош ва ғирдош; бир-бирига мададкор, ҳамдара, гамхўр — меҳрибон ўлишлари лозим. Оилала тугилган фарзанд эса эр-хотин ўтасидаги севги ришиласини янада чамбарчас болгайди.

Оила қуришда ўзбек ҳалқида унашиши ва никоҳнинг ўзига хос сусусиятлари мавжуд. Бугунги кунда ота-она қиз билан йигитнинг чрашиб суҳбатлашишларига имкон яратадилар. Уларнинг розилиги олинигач, совчилар қўйилади. Бунда йигитнинг онаси, аммаси ҳоласи, кениойиси, умуман, яқини кишилардан икки-уч аёл қўулчилликка борадилар. (АЗалдан совчи аёллар қизнинг остоиза-

суга қадам қўйишар экан, «кулчилликка келдик», деб ўзларининг совчи экпнликларини маълум қиласиллар).

Биринчи бор совчиликда қизникига ҳеч нарса олиб борилмайди. Бироқ иккинчи марта қизникига бориша қуруқ борплмайди: турли шинринликлар, совга-саломлар олиб бориллади.

Агар қиз томон розилик билдиrsa, совчилар кўтариб келган нарсалардан бир қисмини олиб, ўринига ўзлариникини қўшиб қўйтариадиллар. Акс ҳолда йигит юборгани нарсалар шундайлигича қўйтарилади.

Қиз томон розилик билдиргач, унашиш тадбири ўтказилди. Иккала томоннинг келишувинга кўра белгиланган кунда қизникига йигит томонидан патир нон, пишириқлар, ҳар хил таомлар, шинринликлар ва турли совга-саломлар юборилади. Қиз томонидан олдиндан чиройли тузалган дастурхонга бўлгуси қудалар тайёрлаб юборган ноз-исъматлар қўйилади. Зисфат чогида ҳар иккала томондан келган вакиллар яхши инит билан нон ушатилганини маълум қиласиллар. Моданий ва расмий режалар (куёв ва келин сармолари, тўй куни, кусусан никоҳ кечсан кабилар) келишиб олнигач, ҳориялар оқ фотиҳа бериб, икки ёшга (келин ва күбёга) «Қўша қаришсин, баҳтли бўлишсин!» деся эзгу инятлар билдирадиллар.

Ўқитувчи айрим вилоятларининг шаҳар ва қишлоқларида йигит ва қизни унаштириш, тўй маросимлари гоят даражада дабдабтабозлика айланиб кетгани, қизниг бадалига катта миқдордаги қалин пуллари талаб этилиши тўгрисила ҳам гапириб, бунинг гоятда зиён ва исрофгарчилик келтираётганини аниқ мисоллар орқали тушунтиради.

Никоҳ тўгрисидаги қонунга мувофиқ, йигит ва қиб камидা бир ой илғари ЗАГСга приза берадиллар. Напбат етиб келгач, белгиланган кунда никоҳдан ўтиш тантанали маросими ўтказилиб, эр ва хотин бўлганлик гувоҳномаси топшириллади. Йигит ва қиз бир-бира га никоҳ узугини тақадиллар.

Аччиқ-надомат билан ойтиш керакки, турни қатор машиналар билан ЗАГС маросимини ўтказиш, рулда ўтирган ёшларининг, ҳатто келин-куёвнинг спиртли ичнимликлар истеъмол қилишлари натижасида кўплаб нохуш воқсалар содир бўлганки, булар тўқтакка шўхликнинг даҳшати ва истиробидир.

Ўқитувчи бугунги кунда кўпчилик жойларда тўйларда анча ихчам шаклга кирганлиги, икки томоннинг ўзаро келишувинга мувофиқ никоҳ маросими бир кунда ўтаётганилиги, айниқса, маҳалла фаолларининг ташаббуси билан тўй оқшомларни ич-киликсиз уюштирилаётгани барча учун ҳам моддий, ҳам маънавий наф келтираётганини ҳаётий мисоллар билан тушунтиради.

Шу ўринда чии инсоний севги-муҳаббат асосига қурилган оиласарининг мустаҳкамланиб, фарзаандлари одоб ва ахлоқ деган табаррук, пок тушунчани бир умр ўзларига ғўлдош тутганиликлари

хақила ишончли даиллар көлтирилади. Буилай оиласалар ҳәстидан әшлар ўрнак олишига чақирилади.

Шубҳасизки, севги-муҳаббат мұаммоси үқупчи әшлар учунғоятда қизиқарлы бүлгани сабабли, үқитувчи «Севги — мураккаб ва юксак инсоний түйгү» деган мавзудаты машгулотта қойыладын масаңаларни Әритиши мүмкін.

Мұхаббат чин дүстликкіннің ажралмас бир қисмидір. Мавжұдоттнннг сарвари бүлгани инсонига хос мұхаббат, чин севги туғайлы ҳам олам қароғон, ҳәёт фаропон, одам ширии забондір. Биновари, инсон пок мұхаббат түйгүсі билан гүзәл. Бутун инсонияттарихида барча илгор кишилар — мутафаккір улуғ сиймолар дүстликкіннг моҳияттінін гоявий бирлік, инсонпарварлік, одамийлік, халқындағы, ҳамлардың, пок мұхаббат ва мәхру әвағо каби инсоний фазилатлар билан бөглиқ равища талқын қылғанлар»¹.

Севги-муҳаббаттннг ҳарораттың түйгүсі, аввало, бегубор боққан тиңиқ құзларда акс этади. Иккі бир-бириниң әқтүрген ғылғит пақызың күнгил майли билан ұзаро ипсиз бөгләніш қоладилар. Зоро, «Үн саккизга кирмаган ким бор? Үн саккизга түлиб, шеър әзмаган ким бор?» дегендарына, шу әшда бир-бирларига күнгил қүйгін әшлар белгітиәр құлларига қақам олиб ишқиң номалар әзишлари, севги-муҳаббат түгрисіндеги китобларни бериліб мутолаа қилиштари, әхуд шеърларни әд олишлари, кинофильмларни иштиес ғана күришлари табиғи бир ҳолданды.

Зоро, халқимизда «Ишқи йүқ — әшак, дарди йүқ — кесак» деган нақыл бежиз айттылған. Ошиқлар қалбинннг күйчесін Қувайдо:

«Мұхаббатдан білур мұхаббат пайдо,
Мұхаббатсуз кишипдан қоч, Ҳудайдо!...

Іеган байтни битар экан, мұхаббатсуз кишиниң қоралайди, ундан ғазар қылади.

Иккі әш ахду-паймои билан сөнгі риштасини бөгләр экапилар, із іхтиёрларини бир-бирларига тошириадылар. Улар бир-бирлана ғылғитта нұқсон әмас, балқи фазилат құрадылар. Ошиқлар наездіда сенілған шахс идеал зотдір. Бироқ халқимиздеги «чирийлік гүзәл мәс, балқи севғанннг гүзәл» деган нақылаға чуқур маъни бор.

Ошиқ наездіда севған маҳбубаси ҳамма қыздардан ҳам ағло, үзел вә ақли расо бўлиб туялса, маъшуқа наездіда маҳбуб ғылғитар кўркам, баҳодир, марлу майдон, ақли барқамолдір. Ҳәёт ақиқатларини, минг хил синовларни бошдан кечириш билан туғуна олган донишманд ҳалқимиз «Мұхаббаттннг күзи кўр бўлади» еб бежиз айттылған. Бунинг асл маъноси — ақли ҳушиңгии ғылғиғ үнгил қўй, билиб қүнгил қўй! Елғон вакыларға, ширии сўзларға чма, келишган қоматига маҳлис бўлма! — демакдір.

¹ Усмонов Р. Дириюча. Тошкент, 1981, 100-бет.

Тұғри, севги ҳусн тәнламайди. Лекин ҳуснга учиб күнгил құйиншының охир-оқибати ҳам вөйдір. Донишмандар «Ҳусн түйда, ақп қуында керак» деб сирасини айттанды.

Шу нарасын иштесмаслик керакки, юксак ҳпроратли инсоний қалб соҳиби, том маңнодаги шахс сифатыда шакланағстан йигиттіннің бегуор күзларига маңшуқасн бокира Ширину Лаймолар, Зұхрою, Зулайхолар каби нурлы сиймода күрниши керпк. Бир сүз билан айттанды, қызы боланинг хунуги бўлмайди — у қайноқ қалб, оташин муҳаббат әгаси бир умрли садоқатли, месхрибон ср сифатыда гўзал ва ардоқтиди.

Ҳуснинг бино қўйиб, ўзгаларни менсимайдиган, бор вужуди билан уни севган кишини оёқ ости қилиб хўрлайдиган там-тамлар ҳам учрайди. Зоро, Шарқининг бадиий дурданалар хазинасини муносиб равишда тўлдирган Кайковусининг «Қобуснома» китобида ҳам гўзал хотинга кўнгил қўйма, чуники унинг жазмайлари кўп бўлади — изтирофда қоласан, деган насиҳат бор.

Дарҳақиқат, кишига ҳусн ва келишган қомат ҳам зарур. Қадимда юнонлар гўзаликка мафтун бўлиб, гўзалик худоси — Мавъудатга сигиганликлари ва ҳатто унинг ҳайкалтини ҳам яратганиларни бежиз эмас. Бироқ педагог-олим Раҳимжон Усмонов айттандаридек, «ҳусн ахлоқий гўзалик билан кўркам. Ахлоқий томондан фазилати бўлмаган ҳусн қалбга ҳарорат баҳш этмайди. Севган кишининг ташқи ҳусни ўзига хос бир жозибали куч, лекин у умр ўтиши билан тугаб боради, қалбнинг чиройи эса зеболик касб этиб, доимо яшайди. Бундай чин севги асло қаримайди, тобора ривожланади, лекин унинг камол топишининг асосиий шарти ҳар икки томоннинг муҳаббат туйгуларини муқаддас билиб, ардоқлаб, ҳастга, эзгуликка бирга интилишларидир. Умр утади, лекин чин инсонга берилган муҳаббат бир умр яшайди¹.

Бинобарин, бир ёқлама севги, янина фақат бир кишининг севиши кифоя қилмайди. Аксарият ҳолларда у севган ва севилган кишига баҳту қувонч ҳам келтирмайди. Лекин, бир томон иккеничисига қараганда ортиқроқ севганда севилган шахс оқиллик кўрсатиши — умр йўлдошига мурувватли бўлган ҳолда, уни ҳеч қачон камситмаслиги, аксинча қўлидан келганча илҳомлантириши зарур. «Хуллас, умр йўлдоши тақлашда ёлгиз ҳусн қидирган эмас, балки ақл-одоб излаган ютади².

Халқимизда «тенг-тенги билан тезак қоли билан» деган ибора бор. Буништ майносида ҳар ким ўзига муносиб киши билан оила қуриши керак, деган гоя ҳам ётади. Йўқса, «суратига ортиқча берилниб кетиб, калтабин киши билан турмуш қурган одамнинг ҳасти кўпинича жуда оғир кечади»³.

Демак, севги-муҳаббат икки жинисдаги ёшишнинг бир-бирига моянд бўлиши, бир-биirlарини бир қараашнинг ўзида тушуна билиши,

¹⁻³Мақкур фикрлар профессор Р. Усмоновнинг «Дилюма» китобидан олинди.

бир-бирига ҳамиша ён босишлиари, бир-бирларини бутун умр бўйи ардоқлашлариидир. Бу хусусиятлар севишгизларни бир вужуд қилиб бирластирадики, бунда чин муҳаббатнииг эзгуликни яратувчи қудрати — икки ёш қалбни тарбиялаш манбаси эканлиги ёркни намоси бўлади.

Катта ёшдаги мактаб ўқувчиларида юксак инсоний туйтугъ — севги пайдо бўлиши табиий ҳолдир. Бинобарин, севгининг пайдо бўлиши мазкур ёшдаги йигит ва қиз қалбидаги ўзгача ички мураккаб кечинмадир.

Усмирда меҳр-муҳаббатнииг энг оддий кўринишлари — кўнгил қўйниш, ишқибозлик, ҳатто илк севги түгрисида мулоҳаза юритиш ҳоллари кўзга ташланади. Лекин кучли туйтугъ асосига қўрилган ҳақиқий ҳис сифатидаги севги фақат ўспириналарда вужудга келади.

Ўспириналарнииг севгиси, одатда, соф, покиза, беғубор, маъсум, иболи, раиг-бараг ички кечинмаларга сероб, мулойим, ҳаслотга берилиш, самимий, лиризм алломатларига бой бўлади.

Бу йигит ва қизларининг бир-бирини ҳурмат қилишида, эъзозлашида, чин дўстлигига, ўзаро ёрдамида ва қўллаб-қувватлашида кўзга ташланади.

Мазкур ёшда қизларимизнииг аксариятида йигитларни танлашда ўзгача муносабат пайдо бўлади. Уларнииг «Мен илгарилари хушбичим, гўзал йигит тўгрисида ўйлардим ва унга интилардим. Ҳозирчи, фикрим тубдан ўзгарди. Энди кўримсизгина йигит кўйглимдан жой олди, у билан дўстлашишини хоҳлаймаи. Мен йигитда асосий нарса — бу қадди-қомат, ташқи гўзаллик эмаслигига иқор бўлдим. Уша сени ёқтиргани инсон қандай ички кечинмалар билан яшастгани ва қандай эзгу ният, орзу умид билан банд эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Мен учун бундан ортиқча нарса керак эмас» деганилари қулоққа чалинади. Йигитлар эса «Мен оддий, камтар, ҳалдан энёд гўзал бўлмаса ҳам майли, истараси иссиқ қизни ёқтираман. У билан дўстлашишини истайман. Унда кўзга яққол ташланадиган нарсаси йўқ, лекин қиздаги самимият, жозиба, фаҳм-фаросат менин ўзига ром этади», деган хуласага келадилар.

Қизларининг фикрича, йигитда камтарлик, магрурлик, ўз кучига ишонч, юксак эътиқод, ўқтамлик, мардлик, оддийлик хусусиятлари мавжуд бўлиши керак. Қиз бола учун энг асосий фазилат эса ўз қадр-қимматини, иффат, ор-номусини билишдан иборатлар.

Ўспирии севгиси том маънода соф ва согломдир. Шу сабабдан ёш қалб эгаларининг самимий кечинмалари оламига қўполлик қилиш, уларнииг шахсиятига тегиши асло мумкин эмас. Уларни изза қилиш, койниш ва ҳақоратлаш ёмон натижага олиб келиши турган гап. Шунинг учун улар билан муомала қилгандага жуда ёхтиёт бўлиш лозим.

Ўқитувчи бу ўринда ёзупчи Уткир Ҳошимовнииг «Қалбинга қулоқ сол» қиссасида бокира севгиси, қизлик ор-номуси мактаб

илемий мудираси томонидан топталган Дилфузанинг тақдири оғир фожиға билан тугаганилиги — бу айни ҳаёттй ҳақиқат эканлигини таъкидлаб ўтиши мумкин.

Демак, севги ўта мураккаб ва айни чоқда инсоний туйгудир. Успирии ўзининг шу инсоний туйгусининг хўрланишини асло истамайди.

Ученини бўлум
ОИЛАНИНГ МИЛЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

ЎЗБЕК ХАЛҚИННИНГ ЭТНОПСИХОЛОГИЯСИ

Ҳар бир миллат ўзига хослиги, миллий маданияти, миллий адабиёти, миллий тили ва шу миллатнинг руҳий (маънавий) тарзининг мажмуасида, яъни миллий руҳиятида ўз ифодасини топади.

Ўзбек халқининг ўз руҳий қисьеси, миллий хусусияти, миллий характеристи, миллий түйгуси, мижози (темпераменти), хулқ-атвори, ахлоқи, диди, таъби алоҳида ажралиб туради. Ўзбек миллатининг билиш жараёнлари, қобилиятининг аниқ йўналишига қартилганлиги, эҳтиёжи ва қизиқиши, миллий онги ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Ўзбек халқининг тарихий аиъаналари, урф-одатлари, удуми, расм-русларни, ахлоқ месъди, турмуш тарзи, маънавий қадрияtlари, шахсларро муносабати, мулоқот мароми ва хусусияти бошқа қардош халқларнидан маълум даражада тафовутланади. Масалан, ўзбек халқи характеристига андишалик, хушмуомалалик, ширинсуханлик, меҳмон кутишлари қўли очиқлик ва саҳийлик одитлари мавжуд. Шунинг билан бирга, сабр-косаси тўлғач, зўравонларга нисбатан аёвсиз бўлиш, юрган йўлидан орта қайтмаслик, исёнкорлик, бир сўзлилик одати ҳам халқимиз учун хосдир.

Миллий характер муайян миллат фазилатларининг ўзига хос хусусиятларининг мажмуасидан иборат бўлади. Миллий характер ўз ичаги иродлий сифатларни (мустақиллик, чишамлилик, принципиаллик, ўз-ўзинни тута билиш, қатънийлик, матонат кабилаларни) ва ахлоқий хислатларни (поклик, интизомлилик, самитигиллик, ҳаққопийлик, инсонпарварлик ва бошқаларни) қамраб олади. Шунингдек, миллий характер одамларги бўлған муносабатларни (яхшилик, меҳрибонлик, талабчанилик, такаббурлик), меҳнатга бўлған муносабатларни (меҳнатсанарлик ёки ялқоплик, масъулнинглиятлик ёки насьутиятсалик), нарсаларги бўлған муносабатларни (озодалик, ифослик, тежакорлик — истрофгарчилик, аяш ёки пяласлик) ва ҳамларнинг ўз-ўзига бўлған муносабатларни (иззат-нағслилик, шуҳратпариётлик, магрурлик, ўзини катта олиш, димогдорлик, камгаринлик) каби хусусиятларни ифодалтайди.

Халқ ўртасида ҳукм суриб келадиган «Сут билан кирган ғесъл — жон билан чиқади» деган ишқл ҳамиша ҳам тўғри ўлавермайди. Чунки ҳеч қандай инсон зоти онадан ўгри, диёнатсиз, бебурд, бераҳи бўлиб туғилмайди. Аксинча, миллий характер хислатлари оила, жамоатчилик, мактаб муҳити таъсирида иакланаади ва инсон шахси ижтимоийлашиб боради. Худди ана шу бонсдан инсон шахсининг камолоти учун ақлий тараққиёт

эмас, балки ахлоқий баркамолзик ўзак (негиз) вазифасини ўтаси дозим.

Ахлоқий масала ишонсият ер юзида наидо бўлган дақиқадан тортиб, то ҳозирги давргача ўз долзарблигини сақлаб келмоқда. Гайри одатий хатти-ҳаракатлар юзага келмаслиги учун ахлоқ тарбия негизи бўлиб қолмоги шарт.

Миллий ўз-ўзини англаш — одамнинг ижтимоий этник умунийликка (бирликка) мансублигига, ижтимоий соҳадаги муносабатларда ўз миллатининг эгаллаган маъқинни яққол тасавур қилинлигига, миллий манфатдорлигига ёрқин ифодасини топади.

Оилавий таъсир (оила турмуш тарзи, ота-она нуфузи, оиласда шахслараро муносабатлар мароми), миллий тил муҳити, матнавиятга интилиш (қизиқиш), турмушдаги қарнидош-уругчиллик риштаси ёрдамида ўз-ўзини англаш намоён бўлади. Миллий ўз-ўзини англашнинг қатор объектив ва субъектив омиллари мавжуд. Ана шу омилларининг пишиб этилиши мазкур жараёни жадаллаштиради.

Миллий туйгу (гурур, ифтихор) шахслараро муносабат жараёнида, ҳиссий таъсиrlанишида, юксак маънаний ички түғенларда (нафосат, лаззатланиш, роҳитланиш, қониқиниш), ижодий гойлар туптишида, миллий зазек ва шавқда, кайфият, шижоат, хуш кўриш, ёқтираслик каби ички кечинималарда акс этади.

Миллий кўй — халқ ҳис-туйгуси ва кечинималарининг ўйгун бир маромдаги товушлар орқали ифодаланишидир. Бинобарин, міллтий санъат, адабиёт, расм-тасвир, меъморчилик ўзинииг жилоси, мароми, гавдаланиши, миллий руҳи, оҳангдорлиги ва монандлиги билан бетакрордир.

Ҳатто ўзбек миллатининг қомад тутиши, кийиниши, ибоси, имо-ишораси, ўз-ҳаракатлари, табассуми, уйқуси, хәслоти, таъзими, маросимлари, халқ ижодиёти (фольклори), таъби, диши, очиқ қалблиги ижтимоий-тарихий шарт-шароитлари маҳсулни сплотида ёрқин гавдаланади.

Миллий юриш-туриши тарзи кишиларининг миллий хусусияти тўғрисида тоҳок оқилона, тоҳок холис бўлмаган таҳминий Фикр юритишга олиб келади. Бундай мураккаб ҳолат миллатларининг ўзаро тушунишларини қўйинлаштиради. Айрим ҳолда мулоқотга киришишда ижтимоий тўсиқ вазифасини ўтайди. Шунинг учун халқ ва элатлариниг барқарор ҳулқ-атворини атрофлича ўрганмасдан туриб миллатлараро тенгликтин ўрнатиш мумкин эмас.

Бинобарин, халқ ва элатлар маъқавиҷти ва руҳиятини ёш авлодга синганириш учун, аввало, ишни оиласдан ва мактабдан бошлиш керак. Қолаверса, миллий характер, миллий ўз-ўзини англашнинг шаклланиши қонуниятларини талқиқ қилиши айни муддаодир.

Шуни унутмаслик керакки, ҳатто ўзбек халқининг қўшиқлари ва рақслари ҳам мислий турмуш тарзи, машгулот турини акс эттиради. Улар шўх ва ўйноқилиги, гамгии ва пазменилиги, му-

раккаблиги ва лапарга ўхшаш қалбларга осон (сиптил) кириб бо
риштиги, маросимбоплиги билан ажралиб туради.

Бизнинингча, миллий мактаб, диставал, ўзининг ташки
қуриниши билан: биринчидан, мактаб биноси миллий услубда
халқ месъморчилик ашъаналарига риоя қилган ҳолда қурилиши
иккинчидан, мактаб томорқаси миллий бодгорчиликка ўйгу
бўлиши; учинчидан, мактабининг спорт майдонлари ҳам милли
жилоларга ҳамоқандиганти билан ажралиб туриши керак. Мактаб
биносининг ички қисми миллий нақш ва гаич ўймакорлиги на-
мунаси билан безатилиши, коридорнинг яхлит манзарасида мил-
лий түйгу ҳокимлик қилиши, ёғоч ва гаич ўймакорлиги безаклар
ўз аксиини топмоги, шарқ афсоналаридан тараинум этилмоги ло-
зим. Минг афсуски, ҳозирги замон мактаб биноларининг
купчилигига миллий оҳанг, миллий пардоз ~~иёқ~~.

Табиат ва жамиятга бағишланган кўргазмалар маҳаллий
жиҳозлар, ашёлар асосида (туб жойлик халқининг уруш ва меҳнат
фаҳрийлари ҳаётидан, жумҳурийтининг сўлим жойлари, бахтли бо-
лалик, хушманзара Чимён тоглари, мовий сунъий денгизлар тас-
вири) безатилмоги, осиб қўйиладиган шиорлар, кўчирмалар
аксарият ҳолларда ўзбек мақоллари, маталларидан тузилмоги
шарт. Имконият борича ҳамюртларимиз тўғрисида ишонарли
лавҳалар акс эттирилмоги, заллардан зарбюор кишиларимиз пор-
третлари, қайноқ ҳаётимишини кенг акс эттирувчи стснлар ўрин
олмоги зарур.

Таълим ва тарбия жараёнида республиканинг тарихи, мадани-
яти, узоқ пайдодларимиздан стишиб чиққан жаҳонгашта кишилар,
илм-фан арабблари, мутафаккирлар, маърифатпарварлар
тўғрисида билим уругни сочиш ўқувчиларда гуур ва ифтихор
тўғусини вужудга келтиради. Ўзбекистонининг фан ва техникаси,
унумдор она тупроги, сахиӣ ва заҳматкапі халқи, фойдали қазил-
малари, жаҳон ва умумхалқ бозоридагипахтаси, ипаги, қоракўли
салмолигининг очиб берилishi — ўқувчиларда миллий онни
ўстиради, миллий ўз-ўзини англашни тақомиллаштиради. Ижти-
моний фаолликни жадаллаштиради, уларни ижодий изланишлар са-
ри стаклайди, билимга қизиқишини оширади.

Ўқитишида ўзбек миллий таълими усуулларидан, топиш-
моқларидаи унумли фойдаланиш талабалар ақлий фаолиятини
ривожлантиради, ақлни пешлаш машқлари вазифасини бажа-
ради.

Мактаб тарбиявий ишларида миллий ашъаналар, маросимлар,
расм-руслар, байрамлар (Наврӯз байрами, ўзбек тили куни, ол-
гини куз, кўчат ўтқазиш мавсуми, қовун сабли, узум сабли, ҳосил
байрами, пахта байрами, сумалак ва ўзбек таомлари кўриклари
(абиллар) маълум даражада ўз ўринини топса, ўқувчиларга энг са-
марали таъсир ўтказади. Мазкур ишларда ўқувчиларининг ижти-
моний қатнашувин уларда фаолликни ортириади, ҳар бир шахс ўз
обиблияти ва уқувини синаб кўради. Ўқувчиларининг бундай фа-

олиятларда иштирок этишлари уларда мустақиллик, ташаббускорлик синтегри хислатларни таркиб топтирали.

Үқиңчылар ўртасида миңлий орасталик, соч үстериш, тораш, үриш ва кийиниш маданияти, ворислик масъулияти, миңлий таъб ҳамда дидга мувофиқ равишда иш юритиш ҳақида маслаҳатлар, күрсатмалар берниш, азалий үқуплар билан қуроллаштириш юқори самара беради. Миңлий кийимнинг иқлим шароитига мослиги, малсумбоплиги юзасидан билдирилган фикрлар болаларда илк кечинималар ҳосил қилиши мумкин.

Ота-боболаримиздан ҳалқимизга мерос қолған сахийлик, меҳмондүстлик, ростгүйлик, тантитик, садоқатлилик, поклик, одоблийик фазилатларни миңлий характернинг Энг муҳим жиҳати ҳисобланади. Ушбу хислатларни таълим-тарбия жараенида ёш аплод онгида шакллантириш, улар руҳиятини ҳалқ дурдоналари билан бойитиш. Миңлий қадриятлардан оқилюна тадбирларига эътиборни қаратиш мақсадига мувофиқиди.

Ахлоқ ва одобли бўлиш, ота-оналар ва каттатарга ҳурмат, савимийлик, иноқлик, қадр-қиммат, вижданлилик, инфатлилик, ўзаро ёрдам каби инсоний хислатлар ўзбек ҳалқи маънаниятининг рамзи соналади. Тугишганларга, аввало, ота-онага ишебатни миңлий туйгудаги муносабат, қон-қардошлик ришталари ҳам миңлий руҳиятини акс эттиради. Бу иарсаларнинг барчаси ҳалқининг бой маданияти, тили, адабиётни обидаларидан ўз инфодасини тонади. Ана шу сабабдан миңлий маънавий бойлигимизни ўқувчилар чуқур эгаллышлари учун унинг бебаҳо дурдоналарини кенг кўламла намойиш қилишимиз. Булар тўгрисидаги билим-маълумотларни талабалар онгига сингдиришимиз зарурки, улар кўп асрлик қадриятларимизни англаб етмоғи керак. Зотан, буларнинг барчаси ўзбек мактабларила миңлий туйгунинг кенг кўламда қулоч сийиши учун пухта замин ҳозирлайди.

Агарда ўқувчилар ўртасидаги муносабат, шахслараро мулоқот, миңлий характер, миңлий ўз-ўзини англаш, миңлий туйгу, миңлий ҳулқ-автор тарзига асосланиб амалги оширилса, мактаб жамоасида ҳамжиҳатлик, илк психологияк иқлим ҳукм суради. Шуни унутмаслик керакки, ҳатто «тўзалик» тушуичаси ҳам миңлий хусусиятга эга. Энг муҳими — бу миңлий-психологик туйгуни байналмилал ҳис билан ўйгунаштириш тарбия самара-дорлигини оширади, миңлатлараро дўстликни мустаҳкамлайди.

Миңлий урф-одатлар ва маросимларнинг барқарор бўлиши янги мазмун, янги моҳият касб этади. Меҳмондүстлик, инсонпарварлик, дўстлик, болажонлик, меҳнатсеварлик каби хислатлар Октябрь ишқилобидан олдин ҳам Урга Осиё ҳалқларида мавжуд бўлганди. Улар, айниқса, эндешликда янгича маънио касб этмоқда.

Ҳалқимизда онлавий турмушда содир бўлаётган воқеаларни, унтутилмас дамларни нишонлашга интилиш, ўз наъбатида янги амъана ва маросимларни — тугилган кун, мактабга бориш, базогатга етиш, никоҳдан ўтиш, янги меҳмонини қутлаш, армияга

кузатиш кабиларда бевосита иштирок этиш ўспирии олдига янги талаблар құяды, ижтимоий қамолотта стишутика хизмат қилали.

Миллий аңыналар, миллий урф-одатлар ва маросимлар шаклида намосын бұлади. Урф-одат муайян хатты-қаракаттаринің айнаң тақрөрләсінб туришини, үнгә тұла амал қилинишиниң тақозетті, шуинингдек, у, ижтимоий маданиятшының үзігін хос амалий ифодасы ҳисобланади. Маросимлар еса урф-одаттаринің барқарорлашған шаклини билдириб, ичики яхшитликка, шаклан бежиримликка әзге бұлалы. Маросимларинің әнг мұхым хусусиятларидан бири — бу халқ назокати, латофати, нафосати, руҳиятшының акесеттіришшір. Ота-онага ҳурмат, кексаларға әхтиром кабилар үзбек ва Үрта Осиә ҳалқларинің әнг асосий урф-одатлари ҳисобланади.

Халқ расм-руслары маросимлар ва урф-одатлар доирасында мансуб бўлиб, уларнің үзаро муносабатини англатади. Расм-руслар маросимлар ва урф-одаттаринің намосын бўлиш шакли тарқасыда тасниф қилинади. Масалан, тўй, меҳмоң кутиш, дағи билан боғлиқ урф-одатлар ва маросимлар умумий жиҳатлар билан бир қаторла, үзбек миллатида сўз ва ҳаракатлар билан ажрилиб турадиган үзігін хос маҳаллий хусусиятларга әзга.

Үзбек ҳалқинің азалий ҳашар, қовун сайли, ҳосил байрами каби аңыналари ҳозирги даврда янгича моҳият касб этіб, жумҳурият миқёсида даном этмоқда.

Анъана ва урф-одатлар моҳиятига кўра инқилобий, жанговарлик ва меҳнатсеварлик хусусиятига әзга бўлиб, умумийлик, ҳалқаро, байнамилал ва миллийликни ўзида акс эттиради. Масалан, атоқли кишиларинің таваллуд топган саналарини нишонлаш, 1 Май ва 8 Мартин байрам қилиш — байнамилал, Наврӯз байрами, пахта ва ҳосил байрами, узум сайли кабилар еса миллий хусусият касб этади.

Ҳозирги даврда чақалоқларин тантанали равишда рўйхатта олиш, ёш гўлакка исм қўйиш, 16 ёшга етган ўспиришга паспорт топшириш, мактабларда биринчи қўнгироқ, сўнгти қўнгироқ, йигитларни ҳарбий хизмат сафига кузатиш тантаналари, ёшларни ишчилар, колхозчилар, қурувчилар сафига қабул қилиш, меҳнат фахрийларини пенсияга кузатиш, «Кумуш тўй», «Олтин тўй», «Ховли тўйи» кабилар янги аңыналар қаторига киради.

Үзбеклар орасида чақалоқ қулогига азои айтиш; ЗАГСдан ўтиш, күсв-қайлиққа диний никоҳ үқитиш, ақиқа (чақалоққа исм қўйишни нишонлаш), бешик ва суннат тўйлари каби маросимлар ҳам ўтказиб келинмоқда. Үқитувчи уларнің моҳиятини аниқ далиллар келтириб тушунтириб бериши керак.

Халқ урф-одатлари, аңыналары ва маросимлары катта тарбия-ний аҳамиятта әгадир. Улар одамларин бир-бираға яқинлаштиради, дўстлик-биродарлик ҳис-туйғуларини ривожлантиради. Булар үз навбатида ёшлар учун ибрат намунасиниң ўтайди.

Жумҳуриятимизда «Китоб байрами», «Ашула байрами», «Соғлигим — бойлигим», «Балы қызылар!», «Балли йигитлар!»

үйинлари ва мусобақаларини ўтказиш ҳам одат тусига кириб қолди.

Ўзбек оиласида фарзанд кўриш жуда катта баҳт ва унтуилмас яоқса. Фарзанд кўрган онлани қариндош-уруглар, дўстлар, ҳамкаслар табриклариб, чақалоққа ҳар хил совгалар олиб келишади. Болага исм қўйинида, бешикка солишда онла аъзолари билан бирга қариндошлар, дўст-биродарлар иштирок этадилар ва бу маросим жуда самимий, миллий тарзда ўтказилади.

Хозирги кунда тугруқоналар, болалар шифохоналарида ташкил қилинган «Оналар мактаби», «Еш она мактаби», «Соглом турмуш тарзи куни», «Ичкиликнинг гудакка ва ёш онага таъсири», «Ичкиликбозлилар ва бефараандлик», «Онанинг соглиги — боланинг баҳти», «Гиёҳландлик — умрининг ёгови», «Оталарининг болалар тарбиясидаги роли» тадбирларини ўтказиш анъанага айланниб қолди.

Кексаларни, хотин-қизларни иззат-хурмат қилиш, ўзаро ёрлам ва болаларга меҳр-муҳаббат туйгуларини ифода этиувчи анъаналар ҳалқимиз ҳаётидаги узоқ замонлардан бери давом этиб келмоқда. Шунинг учун инсон шахснинг таркиб топнишига ижобий таъсири кўрсатадиган айтъаналардан мактаб ўқувчиларини тарбиялашда муутазам фойдаланиш зарур.

Ҳалқимизнинг «Меҳмон — отангдан улуг», «Меҳмон келса, мушугингни ҳам «пишт» дема», деган ҳикматлари меҳмондўстликка ундаиди. Шунингдек, «Меҳмон кирса эшикдан, ризқи келар тешикдан» деган ибора эса ҳар қандай шароитда ҳам меҳмонни самимий, беминнат кутиб олишни англатади.

Одамларининг бир-бирига меҳр-оқибати, оқилона муносабати, тўғри мулокоти, илтифоти, эҳтироми ҳалқимизнинг ички гўзаллигини, бой маънавий ва руҳий қиёфасини ифодалайди. Бироқ «Ҳар нарса ҳам меъерида бўлгани маъқул», «Асаланинг озиширин», — дейди доно ҳалқимиз. Шунинг учун ичкиликбозликка, ортиқча истрофгарчилликка йўл қўймаслик керак. Ортиқча хатти-ҳаракат учун меҳмон хурсанда бўлмайди, аксинча, ранжиши мумкин.

Кишининг ҳақиқий инсонпарварлиги, бой маънавий гўзаллиги тўлалиги билан ватан, жамият манфаати йўлида жон фидо қилишида, инсон осойишталиги, баҳт-саодати йўлида қайгуришида ўз ифодасини топади. Пок қалбли, соҳфидил, диёнатли, виждонли, иро-дали, ҳалқимизнинг олижаиоблиги унинг танишга ҳам, бегонага ҳам беғараз ёрдам қўлини чўзишида намоён бўлади. Шу ўринци уруш лилларида 14 нафар етимни боқиб тарбиялаган Шоаҳмад ота ва Баҳриниса опа оиласини мисол тариқасида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ўзбек ҳалқининг ажойиб фазилатларидан бири — дўстликка садоқатдир. Дўстлик бор жойда меҳру-муҳаббат, вафо, садоқат, адолат, ҳақиқат қарор топади. Бу эса, ўз навбатида, инсоннинг маънавияти ва руҳиятига, ақл-заковатига тетиклик баҳш этади, уни яхшилик, самимийлик сари стаклайди.

Халқимизда: «Дүстлик барча бойлайлардан афзаал», «Арпа бүгдөй бир күнинің яралы, содиқ дүстинг үлгүинингга ярашы», «Дүст ачитиб гапирап, душман — кулдириб», «Дүст — дүсткін ойнасі», «Дүст — дүстнің таянчы», «Дүст кулфатда синалар», «Дүст сүзині ташлама, ташлаб бошиң қашлама», «Дүст узоқда бўлса ҳам кўнгли яқин», «Дүст юзингга боқар, душман изнигта», «Дүстнің эскиси яхши, кийиминің янгиси», «Дүстдан молини аямаган, элдан жонини аямас», «Дүстнің билан сирлош бўл, қилган ишига қўлдош бўл», «Дүстнің қўшиқ айт — меҳрингиң қўшиб айт», «Дўстларнинг сонини санама, сифатини сана», «Дўстсиз бошим — тузыз ошиш» каби ўзбек халқининг қатор мақоллари борки, буларпинг барчасида дўстлик мадҳини қалрлаш, куйлаш гояси ётади.

Халқимизнинг «Бирлашган — ўзар, бирлашмаган — тўзар», «Эсинг борила эл тани, кучинг борила ер тани», «Қаторда нориниг бўлса, юкинг ерда қолмайди», «Дўстларнинг ютуғи сенинг ютуғингди» деган мақолларида жамоатчилик ҳис-туйгулари ўз ифодасини топган.

Халқ ижодиётида дўстлик, ўртоқлик, биродарлик, жамоатчилик туйгулари — кишилар ўртасидаги энг мўътабар, энг гўзал, энг қудратли, юксак инсоний фазилатлар тарзида талқин қилиниали. Бахшиларнинг куйлаётган достонлари ва термалари юқоридаги олижаноблик фазилатлари билан йўғрилгандир. Буларнинг барчаси кишиларда ҳамкорлик, севги ва муҳаббат, самимий ҳурмат каби инсоний хислатларни та-комиллаштиради.

Кишиларнинг ўзаро самимий саломлашуви, айниқсад нотанишга ҳам салом бериб ўтиш мислий урф-одатларимизнинг ибратли ва ўзига хос бир кўришини ҳисобланади.

«Ассалому алайкум!» — тинчлик, саломатлик рамзи, осойишталикка, бегаразликка етаклайлигай таъсирчан восита. Саломлашиш — бу ҳурмат-эҳтиром, дўстликка ундовчи нидо, танишиш истаги, дўстлик-биродарлик алоқаларини бояловчи кўприк, хоҳиш-истакларни акс эттирувчи қалб садосидир. Бу одамийлик, одоб ва ахлоқ, иззокат, ҳурмат-эътибор, очиқ қалблилик, ширинсуханлик, дилкашлик, хуштабассумлик, хуштавозелик ҳаби инсоний хислатларнинг яққол тимсолидир.

Халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик, ўзаро муруват, яқинлик ипларини бир-бирига бояловчи ушбу тушунча тўгрисида доно халқимиз кўплаб ҳикматлар, ривоятлар, латифалар яратган; уларнинг тарбиявий аҳамияти то ҳозирги кунгача пасаймаган. Шунинг учун халқимиз «Бир кун туз ишган жойишта қирқ кун салом бер», — дейди.

Халқ ҳикматларида таърифланишича, кек сақламайдиган инсонининг ҳамиша руҳи тоза, фикри равшан, орзузи порлоқ, иияти холис, мақсали пок, дилти очиқ, тили ширин бўлади. Бинобарин, салом-алик халқ орасида муюмала, муносабат, мулокот, ишора,

ифода, моҳият мувоззинатини сақлаб турадиган сеҳрли калитдир. Бу сўз одоб-аҳлоқининг бирччи сифатларини ўзида мужассам этади.

Одамларниң маданиятли, юқори савиғати, саводхон экандигини уларниң саломлашувига қараб ажратса билиш мумкин. Бинобарин, саломлашишга киришувчи икки шахснинг ҳис-туйгуси ва ички кечинималарини таҳлил қилиш асосида уларниң бир-бирилари билан қай даражада яқинлик ва танишлик автоматларини аниқлаш мумкин. Шу боисдан саломлашиш кезида мөҳр-муҳаббат, қадр-қиммат, оқибат каби инсоний хислат акс этиб, мулоқотга кирумчи иккала шахснинг маънавий қиёфаси намоён бўлади. Демак, саломлашувда гуур, вазнилилк, оҳангдорлик турлича жилога эта бўлса, мулоқотиниг қай маънио касб этиши орқали унинг даражаси аниқланади.

Ҳўш, ҳулқ-автор фарзандларда қандаӣ тарбияланади? Мактабда бўлганини каби ҳалқ педагогикасида ҳам маъқуллаш ва қоралаш, рағбатлантириш ҳамда жазолаш ўғил ва қизларниң ҳулқини бошқаришининг ҳақиқий воситаси ҳисобланади. Қоралаш, жазолаш ҳатти-ҳаракатдаги салбий қўзғалашларни, нотўғри шаклларни жилоллаб туриш учун хизмат қилади. Ҳалқ педагогикасида юриш-туришини қўллаб-қувватлаш, маъқуллашининг ҳар хил турлари (оғзаки рағбатлантириш, мақташ, миннатдорчилк билдириш кабиллар) фарзаидда ижобий ҳис-туйгу, яъни қаноатланиш ва истак ҳисларини келтириб чиқаради. Оиласда нотўғри танбех бериш, қоралаш ўғил-қизларда нохуш кечинималарини, раижиш ҳиссини вужудга келтиради.

Рағбатлантириш ва жазолашдан фойдаланишда месъеридан ошириб мақташ катта зарар келтиради; чунки бу ҳолат уларда кеккайиш, майманлик хислатини таркиб топтиради. Рағбатлантириш қашчалик кўп қўлланилса, уни шуничалик қадри камаяди. Пировард натижада фарзаид мақтав эшитиш ёки мукофот (совга) олиш учун ўзини түгри тутадиган булиб қолиши мумкин. Оиласда шуничаки маъқуллаб жилмайни, бош силкитиб қўйини, далда бериш, икки оғиз юмшоқ сўз айтиш тарбия ишида муҳим аҳамият касб этади.

Тарбияда қоралаш ва жазолаш воситаларини қўллаш ўта на зокатлироқ ва юмшоқ, ими-жимида бўлиши зарур: у бақириқ-чақириқсиз, қўрқитишсиз, меҳрибонлик, яхшилик билан амалга оширилиши керак. Масалан, фарзанднинг камчиликларини ҳамиша таъкидлаб туриш, унга ҳадеб «Сен тузалмайсан» деб гапиравериш ярамайди; «Мен сендан ўйинқароқликдан бошқа ҳеч нарсанан кутмайман», «Сен ҳамма вақтдагидек ўжарсан ва бемаъни гапларни гапирасан», «Сен чинакам иш бузармонсан» деб айтиш уларда ўз кучларига ишонмасликни намоён қилади.

Ҳалқ педагогикасида боланинг ножӯя ишлари салбий характеристикаси билан боғлиқ ўлган салбий баҳо шахснинг ижобий йўналишида катта фойда келтирили: «Сен бошқа қўполтик қилмайсан деб ишонмаман, чунки сен унақа болалардан эмассан».

«Ўзинг яхши боласан-у қилған ишингни қара!», «Тұгриси, ұжарлик сенің қрашмайды. Сен ҳозирғи түркінгдан күра анча ақыллироқсан» кабылар.

Ўзбек ойласыда тарбия моҳияти, мазмунни, тарбияннің кундайлық ва истиқбол ресжасы, болаларға таъсир үтказыш воситасини танлаш на ундан унумли фойдаланиш ўзига хос хусусиятта әга; чунки уннинг асосида халқ анъаналари ётади.

Ўзбек халқининг этнопсихологик хусусиятларидан унумли фойдаланиш — ҳар томоғлама тарағый әтған инсон шахсини таркиб топтиришда мұхим роль үйнайды. Шу бойынан ҳам халқимизниң миеллій руҳиятидати бундай урф-одатлар, айтъаналар, удумлар келажак авлодға обида, мерос сиғатида қолдирилиши муқаддас бурчылар.

Тўртинчи бўлум ОИЛАДА БОЛА ТАРБИЯСИ

ОИЛАДА БОЛА ТАРБИЯСИННИГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ахлоқий тарбияни ичизл ва тартибли амалга оширишида оила мұхити гоит мұхим роль ўйнайды. Иисон ахлоқий, маънавий ва руҳий қиёғасининг пойдевори оиласи қўйилади. Шунинг учун ҳам машҳур алломалар оила тарбиясига катта ётибор беришган ҳамда шу масалага бағишилаб қатор қимматли асарлар ёзишган. Доно ҳалқимиз «Бола — бошидан, инжол — ёшидан» деган нақлии бежиз ийтмаган. Моломики шундай экан, ёш авлодин таркиб тоғтириш, тарбиялаш ишини ёшликлан, оиласдан бошлаш керак. Бинобарин, оиласдаги тарбия жарабнида ҳар бир дақиқа ва фурсатни қўлдан бой берни орқали ота-оналар кейинчалик қўнгина қўйинчиликларга дуч келалилар. Ахир, нотўғри тарбия туфайли нафс билоси ўқига гирифтор бўлган, ўн гулидан бир гули ҳам очилямай туриб умри ҳазон бўлган ёшлилар камми? Донишманд тили билан айтганда, «Қарға очлик, ташниаликнинг қийинчилигини сезса, музни тешади; бекиниб турган овчини кўрмай, уннинг тузогидаги доилар учун парво қилмай кираверали» (М. Кошигарий, Девону луготит турк, Тошкент, 1960, 401-бет).

Ўзбек ҳалқининг кўп асрлар бой маданиятни ва тарихи бор. Мазкур маданий мерос жамиятдаги жамики маънавий бойликларни ўз ичига қамраబ олади. Айниқса, Урта Осиё ҳалқлари педагогикаси, маънавий-маданий тарихи бой меросга эга бўлиб, уларнинг моҳияти, мазмунин ҳалқ ижодиётидан, илтгор мутафаккирларниң асарларида акс этган. Хусусан, жумҳуриятимиз ҳалқларининг педагогика ва руҳшунослик фанлари бўйича меросини ўрганиш ишлари ҳали ўзимиг кўпинча тадқиқотчиларини кутуб турибди. Ҳатто бир исча асрлар илтари Ат-Термизий, Исмоил Буқорий каби алломаларнинг иисон маънавий оламини бойитадиган дурдана ёѓигорликлари, хусусан, «Қуръони карим» мазмунини сритадиган ҳадислар мажмуаси мусулмон оламининг ҳаётбахш офтобидир. Унинг нурларидан ёшларимиз, фарзандларимизни баҳраманил этиш фурсати келли.

Маълумки, ёш авлодга мақсадга мувофиқ тарбия бериш учун ота-оналар ҳам тарбиянинг вазифаси, мақсади, воситалари, шартшароитлари юзасидан ҳар томонлама бўлимга эга бўлишлари, фарзандларининг ёши ва ўзига хос хусусиятларини ётиборга олган ҳолда иши юритишлари лозим.

Ўзбек оиласида бола тарбиялашниң ишонтириш, тушунтириш, иасиҳат, ибрат-намуна қўрасатиши, яхши фаннлатларни машқ

қылыш, рәзбатлантириш, таңбәҳ бериш, оғохлантириш, жазолаш каби усууллари құлтанилалы.

Оилада бола тарбияснининг үзиге хос қондалари мавжуд бўлиб ота-оналар улардан ўринили фойдаланишлари лозим. Хусусан, улар қўйидагича:

1) онлала ҳиссий мослик, руҳий хотиржамлик ва илиқ иқлим яратиш;

2) ота-она обрўсими сақлаш;

3) тарбияда ота-она, каттаплар ўртасида талабчанлик бирлиги;

4) бола шахснин мөхнатда тарбиялаш;

5) оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлиги;

6) болани севиш ва иззат қылыш;

7) оилада қатъий режим ва кун тартиби ўриятиш;

8) тарбияда болаларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш;

9) бола тараққистини аниқлаб бориш;

10) болада мустақиллик, ташаббускорлик сифатларини ҳосил этиш ва бошқалар.

Оиланинг маънавий дунёсини тақомиғлаштириш учун унда зарур руҳий хотиржамлик, ибратли руҳий муносабат, ўзаро тутувлик яратилган бўлиши зарур. Ота-оналар ўртасидаги ўзаро муносабатда ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, шириинсуҳанлик, бир-бирига гамхўрлик мавжуд бўлса, бундай муомала-муносабат бола тарбиясига ижобий таъсир қиласи. Улар ўз фарзандларига чинакам баҳт, қувонч ҳадя этадилар.

Оила аъзоларнинги дид-фаросати, қизиқиши, майллари, эҳтиёжлари, иштилишлари ўзаро бир-бирига муносиб бўлса, она нинг иноқ, аҳил турмуш кечиришларига, оилавий муносабатларнинг мустаҳкам бўлишинга пухта замин ҳозирлайди. Муайян даражада шарт-шаронтларнинг мавжудлиги, ота-онанинг ўзаро бир-биrlарини тушуниб турмуш кечиришлари, мақсад ва вазифалардаги бирлик, юзага келадиган зиддиятларни биргаликда бартараф эта олишлари мустаҳкам оила мұхитини шакллантиради.

Ўзбек оилаларининг аксарияти ўзининг ссрфарзандлиги билан ажralиб туради. Шунга кўра, ота-онанинг хоҳ ўғил, хоҳ қиз, хоҳ тўнгич, хоҳ кенжা фарзанд бўлмасин, уларга тенг ва одил муносабатда бўлиши, эркалатмаслиги, катталар намунаси орқали кинчларни тарбиялаш ижобий ҳодисадир.

Кам болали оилаларда ота-оналар фарзандларини ортиқча зеркалаидилар — бола оиланинг танҳо овумчогига вайланниб қолади. Натижада шундай ўғил ёки қизлар эрка, ўжар, тантқ, шахсиятпарат бўлиб вояга стиши мумкин.

Оилада қатъий интизом ва кун тартибининг бўлиши болалар тарбиясига ижобий таъсир қиласи. Болаларнинг билим олишлаги ютуғи, ахлоқи, саломатлик даражаси кўп жиҳатдан оилада қарор

төптирилган оқилюна режимга боғлиқ. Шунинг учун ота-оналарнинг ўзлари ҳам бу борада ибрат күрсатишлари, оқилюна тузишган оила режимига қатъий амал қилишлари, фирзаандарга ҳам ўргатишлари даркор. Бу нарса, айниқса, қиз болалар тарбияси учун жуда зарурдир. Чунки у катта бўлгач, ишол каби бошқа ўйга кўчиб ўтади — оила қуради.

Ота-оналарнинг ичкиликка ружу қилиши, бунинг оқибати ва бошқа сабабларга кўра тез-тез содир бўлиб турадиган оиласий жанжал-можаролар туфайли болаларининг ороми бузилади, уйқуси қочади, чучийдиган бўлиб қолади; асаб системаси касаллигига ча-линади, фирзандлари кўз ўнгига ота-онанинг обруси тўкилади.

Оила — бу ўзинг хос ҳўжалик бўлиб, унинг турмуш кечириш муаммолари мавжуд. Ота-оналар оила аъзоларининг амалий фаболиятларини ўюштиради, уларнинг овқатланиш, таълим олиш, ишлаш, дам олиш, кийим-бош билан таъминлаш каби кундалик режимини ташкил қиласди; фирзандни болалигидан бошлаб меҳнатта, мустақишлоликка, шахсларро ибратли муносабатга ўргата боради.

Ўзбек оиласи аъзоларининг деярли барчасини саводхон, маълумотли деб атасак, хато қилмаган бўламиз. Ана шу имкониятлар таъсирида ўғил ва қизлар мулоҳазали, топқир, ишбилармон, ақл-законитли бўлиб вояга етмоқдалар.

Оилада бола тарбияси иккисилемама пхамият касб этиб, фарзандларига руҳият ва маънавият билимидан сабоқ берниш билан қаноатланиб қолмасдан, балки ўзлари ҳам тарбия сеҳрлари, хусусиятлари, ҳолатлари моҳияти ва маъниоси юзпидан яшни-янги маълумотлардан хабардор бўлиб туришлари керак.

Бола тарбияси ота-оналардан максус педагогика ва руҳият бўйича билимлар, алоҳида кўнижмалар бўлишини қатъий равишда талаб қилмас-да, доимий юз берастган тарбия муаммоларини тўғри ҳал қилиш устида фикр юритишни тақозо этади.

Ўз фарзандларига ажойиб, гўзал, орзу қилгудек тарбия бериш имкониятига эга бўлган ота-оналар умрларини роҳат ва фароғатда ўтказадилар, болаларидан ҳамиша олижаноблик, меҳрибонлик, яхшилик кўрадилар, диллари асло жароҳат азобини сесмайди; ўқиниш ҳиссига дучор бўлмайдилар. Шу тўғрида ўзбек ҳалқининг қатор мақоллари яратилган: «Той улгайса, от тинади (яъни от минишдан қутқарилади), ўғил ўсса, ота тинади (яъни бола топган ҳосил отани тинидиради)». (М. Кошгари. Девону лугатит турк, 1 том. Тошкент, 1960, 214-бет).

Ота ҳаётда машақкатлардан тортиб, барча хурсандчилликларга-ча, ўзининг букилмаслиги, эгилмаслиги билан бардош берувчи буюк шахс сифатида тавдатланади. Оталар тупроқ қориб бино қурадилар, металл кессиб машиналар яратадилар, уруг сепиб дои олалидилар. Улар эл бошига иш тушса, этик билан сув кечадилар; ўз ҳалқининг баҳти ва тугилган срини кўкракни қалқон этиб қўриқлаидилар.

Даҳшатли ҳаёт-мамот жангларидан қишининг иззериини сувуғи-ю, өзининг ташка қуритар иссиқлари, очликнинг ҳафталааб, ойлаб, йиллаб берган азобларнига барлошли дамлар — ҳамма-ҳаммаси оталар жасорати учун хос. Ушбу жасоратлардан сўзловчи энг мұтабар ва энг жъозли маънолар ана шу «ота» сўзида мужассамлашган, десак, янгилиш бўлмас.

Агар оталир бўлмаса, осмонимиз мусаффо, ионимиз бутун, устимиз бут бўлмаслиги ҳаммага аёни. Шу туфайли ҳам фарзандларимиз «жонингизга жон бўлай, жонга дармоним отам» деб ашула айтганиларнига отанинг ана шу фазилатларидан, жасоратларидан илҳом олган бўлсалар ажаб эмас.

Оилада отанинг раҳбарлик ва йўлбошчилик роли тўғрисида улуг инсонлар, буюк сиймолар ҳикматли сўзлар айтишган. Жумладан, бо-бокалон шоир Алишер Навоий фарзандларни ўз ота-оналарини қаирлашга даъват этиб: «Бирисин оби англа, бирисин қуёш», — деги маҳэтар экан, отани қуёшга ўхшатади.

Муҳаммад Пайгамбар қолдирган ҳадислардан бирида: «Отанинг дўсти билан дустлик алоқасини давом эттиришиниг отанига қилигин яхшилигиниң ҳисобланади», — дейилади. Ҳалқ орасида «бир ота ўнта ўғилини боқишига қурби етади, бироқ ўнта ўғил битта отани боқа олмайди» деган нақлада чуқур маъни бор.

Демак, ота йўлини давом эттириш, уни қалрлаш ўғил учун фарзандлик бурчидир.

Ота — оила бошлани, посботиши. Зоро, оистанинг ҳар бир кўз илгами юмушларидан муаммолариниг мирилан-сиригача аралашиб, унга фақат тўғри иўл кўрсангиб туриницек инсоний масъулият ота елкасида туради. Буни моҳият жиҳатдан тушунган эркак ўз маъносига ота ҳисобланади; аксинча, бу мұтабар сўзига фикат иснонда кеттиради.

Шу ўринда отанинг оиласидаги обрўси масаласи атрофида фикр юритиш жониздир. Ота обруни дастлаб оиласда мустаҳкамлайди. Хотини, бола-чақаси орасида обрў топган ота жамоат орасида ҳам, шубҳасиз, ётибор топади, обрў орттиради.

Тасаввуримиздаги иззат-икромга сазовор оталар ҳаётиниг ҳар бир катта ва кичик деталларидан ҳам бош меканизмлек ролини ўтайдиган, ягона фигура сифатидан гавдатланувчи мураббийлардир. Булариз ҳаётни кечган оиласин оила ҳисобламайди. Чинакам инсоний тарбия ипларини оиласда пишиқ ва мустаҳкам этувчи ва йигириувчи ҳам ягона ота; унинг руҳий ҳокимлиги, эркаклик гурури, олам-олам орияти эса ҳақиқий идеал леса бўллади. Ҳа, бундай оталарининг улугтор сиймоси бутун борлигимиз, ҳастимиз учун ҳақиқий иззат-хурмат нималигини далолат берувчи ягона намунадир.

Янгийўл шаҳрида истиқомат қилюнчи, касби иқтисадчи Улмасжон Машарипов отдида бир оз иоқулай бўлса-да, ҳозирги кунда ҳаммага ошкор қилиш айб эмаслигиган шу оиласидаги ота обрўсининг сифатлари тўғрисида сўз юритишни лозим топдик.

Оила аъзоларининг муносиб тарада курсатаётган ҳурмат ва эҳтироми табиий равишда ота зиммасига катта масъулиятни — улар-

га нисбатан ҳам ҳурмат ва эҳтиромни оловлантирган. Шу бойсдан Үлмасжон ака кундалик иш графигини якунлаши биланоқ хонадониға — фарзандлари бағрига ошиқади. Чунки унинг учун оиласи яшайдиган хонадон муқаддас даргоҳдир. Гоҳида фарзандлари йўл-йўриқ сўраб иш тутганида, маслаҳат олганида Үлмас ака тобора руҳи снгил тортиб, ўзини гўё яшарганда ҳис этди. Фарзандларнинг бундай қобил, андишали ва виқорли бўлиб тарбияланишида Үлмас аканинг ота сифатилаги масъулиятигина сабабчи бўлган деб ўйлаймиз. Бу айтилганларга ахлоқий тарбияга оид олам-олам маънолар бор. Улар силсиласида жуда катта ижтимоний аҳамиятга мөлник бўлган, шу кунинг мазмунидан келиб чиқувчи ўзбек халқининг «ҳурмат» ва «иззат» деган таълимий мазмунидаги ибратли томонлари яширнинган.

Ота оиласда ўз фарзандларнга ҳар томонлама: юриш-турнишда, нутқ одобнода, сўз мадданиятида, ўзаро муомала жараённида, энг муҳимм амалий иш фаолиятида тўғрилик ва ҳаққонийлик, самимилик ва холислик юзасидан намуна кўрсатмас экан, бундай оиласидаги отада на бурд, на ҳурмат ва на обрў бўлади. Бундай ота «ҳурмат» ва «обрў» деган мўътабар сўзлардан йироқлашиб, дастлаб хотини олдинда, қолаверса фарзандлар орасида бебура, тутуруқсиз, қадр-қимматсиз, омонат бир бсона шахсга айланниб қолади. Бошқача қилиб айтиганида, бундай оталар қадрсизланади.

Оиласда обрўсиз ота тарбиясини олган бола кўпинча ўгри, муттаҳам, босқинчи, йўлтўсар ва гирт безори бўлиб етишиши шубҳасиздир.

Мурғак тасалвурли бола илк тарбияни оиласда олади. Бола тарбиясининг илк сабоқлари ҳақида атоқли ўзбек педагоги Абдулла Авлоний ўзининг «Туркий гулистон ёхуд Ахлоқ» китобида қўйидағи ибратли ўйтларни айтиган эди: «Тарбияни тугилган кундан бошламак, вужудимизни қувватлантиrmak, зеҳнимизни равшанлаштиrmak лозим»¹.

Бола ота-онанинг огушидан, илиқ нафасидан, қалб ҳароратидан баҳра олиб ўсади. Олам сирларини фарзанд даставвал ўзининг нуридийдаларидан ўрганади. Шунинг учун ота-онани биринчи тарбиячи муаллим дейишади.

Оиласда фарзанд тарбиясини тўғри йўлга қўйишнинг асосий воситаси унинг маънавий оламида эътиқодни шакллантиришдир. Бунга болани фақат ишонтириш йўли билан эришиш мумкин. Шунинг учун ота-она ўтил-қизларини тарбиялашда уларни қўрқитишла ёки асосиз бўйруқ беришга таянмасдан иш тутиши керак. Хўш, ота-она обрўси болада қаҷон пайдо бўлади?

Шу саволга тўлақонли жавоб топиш учун, энг аввало, оиласда отасиз тарбияланган ва отали тарбия кўрган болалар хусусида тўхталамиз.

¹ А. Авлоний. Туркий гулистон ёхуд Ахлоқ. Ушбу иловга А. Бобоконов, М. Махсумовнинг «Абдулла Авлоний педагогик фаолияти» номли рисоласининг 57-сағиғасидан олниди. Тошкент, 1966, 11-бет.

Текширишлар шунни күрсатдикі, Тошкент вилюяты Зангиота иохиясындағы мактаблардан бириңі тарбия олаётгап 1112 ўқувчінине (7—8-сингілар) 35 таси отасиз бўлиб, булардан 8 таси безори. Она-нинг гапига көрмайди, чекади, ичади, майда ўтирик қиласди; қолган 20 таси ёмон ўқийди. 3 таси аълочи, 4 таси ўрта ўқийди ва ахлоқан ночор. Демак, отасиз оиласдаги болалар тарбияси ўйлашга, мушоҳада қилишга олиб келади.

Бинобарин, оиласвий ва педагогик тарбияда отанинг обрўси алоҳида аҳамият қасб этади. Шу сабабли оиласда ота обрўси муаммолини кенг жамоатчилік ҳукмнига ҳавола қиажиши мақсадага мувофиқдир.

Турмуш тажрибаларида шу нарса маълумки, ота-онанинг обрўси давлат ва оила аъзоларни алдида жавобгарлигини ҳис қилишдаи бошланади. Агар ота-она ўз иши, ўз бурчи учун жавобгар эканлигини ҳис қиласа ва унга амал қила олса, бу уларнинг обрўсидир. Улар ўзларниннг ҳулқида, хатти-ҳаракатларидан буларга риоя қилсалар, етарли обрў қозониа оладилар.

Ота ва она обрўси бутун ҳаёт даюомида кундалик ибратли ҳулқи, ахлоқи, интизоми, камтарлиги, иш билармоилиги биланғина қўлга киритилади. Ибрат-намуна, заҳмат, чин эзгу-ният эвазига юзага келгап обрў ҳақиқий обрў ҳисобланади. У фарзандлар дикқат-эътиборига меҳр-муҳаббат билан йўғрилди. Натижада оила аъзолари тотув, осойишта, иноқ ҳаёт кечиралилар; оиласда фарзандлар орау қилгудай, замона руҳига мос тарбия оладилар. Улар ота-оналари билан беҳад фахрланадилар ва шу туйгу билан яшайдилар. Бу ўз наебатида, ёшлирда келажак ҳаётни учун, турмуш учун ибратли ахлоқ қўинкмаларини таркиб топтиради.

Баъзп ота-оналар борки, улар болалар, ойла аъзолари ўртасида қалондимонлик, серҳардалик, баджашлик, ўзини **Ўта оғиркарвои тутиш**, «лонишманҷ» қилиб күрсатиш йўли билан обрў ортиримоқчи бўлышдилар.

Оиласда айрим ота-оналар тазийк этиш йўли билан фарзандларни ўртасида обрў ортиришини хоҳлапдишлар. Бунда улар қўрқитиш, иоўрин буйруқ бериш, тазийк ўтказиш усуулларини ҳўлланашади. Улар заҳархандалик ва баджашликни тарбияғаситаси деб ҳисоблайдилар. Қўрқинч асосида болада вужудга келгай «буйсуниш»ни улар ўзларича обрў леб тушинадилар.

Баъзи ота-оналар фарзандлари билан камроқ мулоқотда бўлиш, улардан ўзларни нарироқ олиб юриши билан обрў ортиришини ўйлашади. Уларнинг нақарида, гўё фарзанд билан қанча кам учрашилса, шунча кўпроқ обрў қозонини мумкин. Бу мутлақо иотўғри тушишча, ота-она ўз фарзанди билан қанча кам мулоқотда бўлса, улар ўртасида бегоналашиши, лоқайл бўлиш ҳолатлари келиб чиқади.

Айрим ота-оналар бола билан фақат рәсмиятчилик орқали орбў ортиришга ҳаракат қилишади, холос. Бунда улар қиласдан қийиқ қизиришади, болага таинбех беришади, унинг барча хатти-ҳаракатларини чеклаб кўйишади, бўлар-бўлмасга жеркиб, силталашиб ташлашади.

Кузатишларимизга кўра, фарзандларга ортиқча панд-насиҳат қиласвериш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунончи, баъзи

ота-оналар арзимаган майды-чуйда масала бүйича ҳам узундан-узоқ ўгит-насиҳат қыладылар, ұзларининг насиҳаттүйілігінің бурч деб ҳисоблайдылар. Майдагаплик, әзмалық билан ўғыл-қизлар ўртасыда обрұ қозониб бўлмайди.

Турмушда шундай ота ва оналар ҳам учрайтики, улар сохта яхшилиқ қилиш орқали фарзандлари олдида обрӯ ортиримоқчи бўлладилар. Бундай ота-оналар ұзларининг юмшоқ муомалалиги, беозорлиги, кечириувчанлиги, ён берувчанлиги, кам талабчанлиги билан фарзандларни ұзларнга ром қилиб олишини истайдилар. Уларда на қатыннатлилик, на талабчалик, на барқарорлик мавжуд. Үнутмайликки, тилёгламазлик, сохталик, сунъийлик билан болғани яхши йўлга солиб ва унинг олдида обрӯ қозониб бўлмайди.

Ота-она обручини ортириши, энг аввали, ибрег-намуна мұхим роль ўйнайди. Оиласда тарбия ишини мұваффақиятли амалга ошириши учун ота-она тинмай ұзларни тарбиялаб боришлари керак. Ұзларидан стишмайдиган сифат ва фазиғатларни тўлдириб, маждуз ишлатларни батамом тугатишлари лозим. Чунки ота-оналарининг тарбия жараённадиган ишседоди — бу фарзандларга нисбатан муҳаббат ва салоқатдан иборатидир.

Ота-она фарзандлар ўртасыда обрӯга этгі бўлишлари учун қатор чора ва тағбиrlарни амалга оширишлари зарур. Даставиyl улар турли ёшдаги фарзандлари руҳи дунесига мос муомала қилишлари даркор. Кичик, ўрта ва катта ёшдаги ўғыл-қизлар билан мулоқотда уларниң ёши хусусиятларига мос муомалада бўлиш шарт.

Ота-оналар фарзандлари даврасида обрӯ ортириш учун уларниң руҳий дунесига аста-секин кириб боришлари айни муддаодир. Чунки болалар ота-оналар қалбига яқинлашиш учун кичкин тойлар «от-от» ўйнашин, ўрта ёшдагилар мусобақалашшини ёки беллашибини, кичик ёшдаги ўқувчи болалар эса эртаклар оламига киришни, ўсниришлар оиласиб, ижтимоий масалалар юзасидан мунозара юритишни ёқтирадилар. Чин обрӯга этга бўлмоқчи бўлган ҳар бир ота-она қимматли вакътларини ўз фарзандларидан ҳеч пяласликлари керак. Болалар руҳий дунесига кириш бачканалик эмас, балки тарбия воситасидир. Фарзандларининг талиб ва эҳтижжаларини оқилона қондириб бориш уларни бир-бирларига тобора яқинластиради, обрӯларига обрӯ қўшади.

Оила даврасида ота-оналарининг кузатувчанлығи, сезгирлиги ва ҳозиржавоблиги мұхим аҳамиятга эга. Майды-чуйда нарасалар ҳам диққат-эътибордан четда қолмаслиги, уларга шахсий фикр-мулоҳазалар билдиришлари фикрзандини ҳушёр тортириади. Улар ұзларининг нуридиндайларидан бундай ажойиб хислатларининг мавжудлигидан чексиз қувонадилар.

Ота-оналарининг одилона месъёри талабчанлиги обрӯ ортиришнинг энг мұхим йўлларидан бириди. Фарзандтарни кучнинг, қобиљиятига, қизиқишига биноан ақлий ва жисмоний топшириқлар берилиши ва ўз вактида уларининг натижасини текшириш болаларда қатыннатликни нужудга келтиради, натижада катта ёшдагиларга нисбатан уларда ихлос ортади. Ихлос, ҳурмат, обрӯнинг узвий заижири

бұлиб қисобланади. Шунинг учун унга алоқыла жытибор бершиі фарзанд камолоти учун мұхым ажамияттаға рға.

Шунингдеск, ота-оналарнинг самимийлігі ва ғамхұрлығы үларға катта обрұ келтириши мүмкін. Улардаги самимийлік, ғамкүрлік, фазилатлары фарзандлар юрагыда үчмас из қолдириб, түгри әүл топа олади. Уларнинг ибраттың характер хислатлары болалар қалбіда келгуси орзу-умидлары гулшаны сифатыда катта роль үйнайды; бипобарин, үларға иисбаттан ишонч, интилиш, мойыллік каби истиқбол сифатлары вужудға кела бошлайды. Отa-она обрұсін ортиши учун үларда маңнавий қиёсфа, ахлоқий байналмілаллік, гүзәллікка қарашилари, барқарор жытықод бұлмоги зарур.

Онда тотувликниң мавжуд бұлиши бағыт мұваффақиятларнинг гаровидір. Чунки онда азсоларининг бир-бирига бүлгап муносабаттары келажак аялодиниң қандай шахс бұлиб вояға етишиңға үз таъсирини күрсатади. Хүш, онда қучопыда қандағы муносабат вужудға келгейде онда тотувлик, бир-бирларини тушуниш ҳолаты ҳукм суради?

Фарзандларнинг рұхий хусусиятлардан қариялар, тажрибали ота-оналар үз турмуш тажрибалары орқалы бир оз бұлса-да хабардорлар. Лекин үлардаги билимлар рұхият қонуниятларынға, болаларнинг әш на шахсий хусусиятларына ассоциациянан бұлади. Шу туфайли қариялар әки катта әшшеги кишилар билан болалар үртасыда «ағлашилмовчылық гөві» вужудға келади. Бұлай муносабатни түбден үзгартыриш лозим. Бу нарасын үзгартыриш учун үларни рұхиятта педагогика ҳақидағы билімдер билан мұайян даражада қуоролғантириш керак.

Үз-үзидан маңлымки, болаларнинг рұхий хусусиятларини қарияларға ҳамда катта әшдагиларға таништириш онда тотувлик, ҳамжиҳатлық, илиқ рұхий иқлимин барпо қиласади. Болаларнинг катта әшдагиларға ва қарияларға бүлгап илиқ муносабаты, меҳр-муҳаббаты, намуна-тимсол әки маслак сифатыда қараши ва бошқа жарағылар орқалы үзаро тушунув намосын бұлади. Фарзандларға иисбатан қылтнанған юмшоқ әки құпоп мұомала үларнинг рұхий дүниенде ижобий әки салбий тәсессүрот қолдираади. Киши кайфияти ә күтарилади әки мутлақо бузилади.

Қариялар ва ота-оналар фарзандлариниң феъл-атвори ва хүлқини, қобиляти ва қизиқишини, умуман олғанда, үларнинг рұхий дүнісінің чуқур билгап тақдирдагына онда нормал (мұйтадил) рұхий илиқ иқлим мавжуд булиши мүмкін.

Кичік әшдаги болалар мектеб останасында оғэқ босиши билан үйнін фанатияти үрнеппен үқиши фанатияти әталай бошлайды. Більшан үлар қызығычиліктар олғыда бардош бера олмай инжиктік қылазылар. Бундай ҳолаттың олдини олиш учун уннан әржалатмаслик, ҳамиша құйған тарабишиң қаттықұллік билан амалғы ошировермаслик даркор. Үшінші үрнептегі әүл-шүриқ күрсатып, тушунтириш ишларини олиб бориш мақсаддаға мұвоғиқ. Фақат ана шундайғына үнде иродавиіт сифатлар шаклланади.

Бундай әшдаги болаларға онда талаб бир хил бұлиши-жашы нағыза беради. Уларнинг талабы ва истикларини дағылтлар асосында түшунтиришта ҳаракат қылыш, нотүгри әки қалбаки ахборотлар берішідан

сақланыш керак. Ылғон жавоб бериш орқали ота-оналарнинг фарзанд олдилга обрўси писаиди, чунки улар уйла олинига жарноб билди үқитувчи сининг жавобини солиштиридишлар ва шу асасда ким ҳәқ ёки ким ноҳақ эканлыгигини аниқлайдилар. Улар учун бошлангич синф үқитувчиси дошишманц, билимдон, ишбизлармоп шахс ролида намоён бўлади.

Оилада катталар обрўси қўрқитиш асосида вужудга келмасдан, балки самимилик, илиқ ҳурмат замприга қурилиши мақсадга мувофиқдир. Оила аъзоларнинг ишоқлиги, хатти-ҳаракати, кийиниши, меҳнат фаолияти, ўзга кишилар тўгрисидаги суҳбатлари ва уларнинг бошқа сифат ҳамда фазилатлари боланинг мурғак тасаввурига янги тиимсолларни олиб киради. Кичик ёшдаги болалар тарбияга беришувчан ҳамда катталарга ишонувчан бўладилар. Ота-оналар уларнинг бу хусусиятларини ишобатга олган ҳолда мулоқотда бўлсалар, оилада то тувллик қарор топади. Шу фазилатлар бола онгига сингиб боради ва у келажакда ахлоқий соглом ўсмир бўлиб стишади.

Ўсмирлик даврида (11—15 ёшлар) болаларнинг руҳини дунёсида катта ўзгаришлар юз беради. Бу ўзгаришларга қатор сабаблар таъсир қилади. Жумладан, унинг биологик жиҳатдан тараққисти, жинсий ўсиши, педагогик жамоа қўламининг кенгайиши, қуршаб олган муҳит таъсири ва бошқа оминалар. Ана шу омиллар таъсири истижасида унинг руҳиятида кескин бурилиш ясалади. Шунинг учун мактабда, оилада ва кўча-кўйда ўзини тутиши ўзгаради; ахлоқий масалаларга қараши бошқачароқ тус олади. Худан шу даврда ўсмирларда, шахсий фикрини мъъқуллаш, бошқалар фикрига танқидий муносабатда бўлиш, камчиликларига ўз вақтида иқорор бўлмаслик, ўзарлик, ўзбизлармошлик, ўзини катталардек ҳис этиш каби хусусиятлар кўзга ташланга бошлиди.

Ота-оналар ўсмирлар билди мулоқотга киришишда уларнинг иззатнафсига тегмаслини ҳамда қалака қўлмаслиги зарур. У ҳолда ота-онага бўлган меҳр-муҳаббат, самимилик ҳурмат ўрнини нафрат, ҳасад эталлаши мумкин. Ҳамиша уларга ҳақиқатни сизлиқ мумомала орқали тушунтириш даркор; «Углим, ўйт-кенгашимни қулогингга ол, билимсизликни ташла. Кимиңнинг талқони бўлса, шиннинга қоради. Шунингдек, ақлти кишини насиҳатни қабул қиласди» (М. Коштарий, Девону лутатит турк, I том, Тошкент, 1960, 413-бет) қабилида гапирилди.

Ўсмирларнинг жинсий тарбиясига раҳимомлик қилиши ота-оналарни фарзандларга янада яқинлаштириди. Ота-оналар уларнинг мурқиббийси, маслаҳаттўйи, сирдоши ролида ҳаёт майдонига отишиб чиқадилар. Ўсмирларнинг юриш-турини, меҳр-оқибати, ақлий камолоти турлича бўлади. Шунинг учун улар билан муюмала қилишида шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш тутилса, оилада ўзро тушуниш, тотувлик, ҳамжиҳатлик, руҳий мослик вужудга келади. Бу ерда отанинг оиласи ёки аксинча, бир-бирларига қилган муносабатлари ҳам шу иқтим шарт-шаронитларига тубдан мос тушини шарт. Чунки ота-оналарнинг ўзаро тотув ҳаёт кечириши оиласининг таркиб топиши борасидаги асосий оминалар. Ҳалқимиз шунинг учун ҳам «Фру хотин қўши ҳўкиз» деб айтишти.

«Ватан... Қандай азиз, улуғпор муқаддас сен! Ҳаётимнинг боиси, қувватимнинг манбай, ижодимнинг илҳоми сен! Жонажон, мәхрибон онам сен! Кўзимнинг қораси сен! Нури-дийдам сен!

¹ Сангилов М. Оила ва коммунистик тарбия. Т. «Ўқитувчи», 1988, 44-бет.

Наслу насабим, тасаллою таянчим сен! Абадий фикру зикрим, ифтихорим, самими мұхаббатим сен! Қалбимдати ниятларимининг, ерзу-ҳавасларимниң тимсоли — мужассами сен!

Ҳәқиқат учун курашган боболаримининг, улуг олимларининг, талантли шоирларининг, олижаноб мутафаккирларничег, маданият ва санъат араббларининг Ватани сен! Оромбахш наово ва мақомларининг, талантли ҳофизларининг, ажойиб халқ булбулларининг Ватани сен!

Рудакий ва Навонийларининг, Низомий ва Фузулийларининг, Пушкін ва Толстойларининг, Чехов ва Горькийларининг, Хоразмий ва Форобийларининг, Мавлоно Ҳусайн ва Чайковскийларининг Ватани сен!

Күкка стган төгларингнинг ёқимлы шаббодаси, азомат дараҳтлатынгнинг жилеме таъзими, ариқларнингда оқиб турған мусаффо сұларининг ажойиб оқанды. далалардаги гиёхдердинг хүмі 69ші, болгарингдаги құшларининг нағоси жонимга ором, заңқынға заңқ, ижодимға илҳом, күчиңға күч, гайратимға гайрат құшады! Ерләп бир чимдим тупроқ олиб күзимға суртдым ва қалбим ила қасымд әтдим: эй, жонажон, меҳрибон, севгили она-Ватан! Сен менге шоу тузы бердидиг, бағриңда тарбия қилиб, вояға стқазднинг... ижеди месхнат заңқыла мушарраф қылдинг. Сенинг учун қоним, керәк бўлса — женим фидо бўлсин, Ватаним»!

Албатта, 2 соатлик машгулот учун ушбу құлланымада берилген материаллар құплик қилиши әки үқитувчи белгиланған вактде мавзуны түлиқ әритиб бера олмасынғи мумкин. У ҳолда, үқувчиларниң ҳохишига, қараб синфдан ташқары машгулотлар уюштириш өхуд айрим адабиётларни мустақил үқиши учун топшириш; пакт. имконист топиб «Оила этикаси ва психологиясы» курси үқув программасын кирган мудиєян мавзуларда баҳс-мунозаралар уюштириши, семинарлар үтказиш бу курсни янада мукаммал үзлаштиришин таъминлаяди. Бу эса, үз навбатида, үқувчи ёшларни турмушга тайёрлашиш смалий ҳал этиш имконини беради.

ОИЛАДА АХЛОҚИИ ВА МАДАНИЙ МАЛАКАЛАРНИ ШАКЛЛАШТИРИШ

«Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга, ахлоқ-одобини ҳам яхшиләнгізтар», — дейилади Мұхаммад пайғамбар ҳадисларидан бирюла.

Фарзанд — ҳаёттинг гули. Даржакиқат, одобни фарзанд билан ҳаёттимиз файзлидир. Бироқ фарзандларимиз хатти-ҳеракатида ҳам тоғо нұқсонлар күзға ташланади, уларни үз вактида елдини олиб, бартараф этмаслик гуноҳ ишларға өлиб боради. Шунинг учун силада фарзандларимизга ҳадис намуналарини үқтириб боришимиз керак.

Педагогика фаны атамасыда «тарбияси қиийин» деган түшүнчә мавжуд. Бу түшүнчә одатта шұх ва қайсан үқувчиларға иисбетан ишлатылади. Шунингдек, тарбияси оғыр болалар қаторыға ұзбошимча, ҳатто бозори ва зараркунаяды даражасынга тушиб қолған ұсмирлар ҳам

¹ Қори-НиғанА т. II. Ҳаёт мактаби, 281—283-бетлар.

киради; уларни тарбиялаш, ҳәттә ҳақиқый түгри йүлга солиб юбо-риш осон иш әмас, албатта. Бирок астайдил, жытықод ва фидойилик күрсатиб, ижтимоий фанлар қонуниятларига сұяниб, бу оғир ва ма-шаққатли ишда мұваффакиятта әришадыган тарбиячи-мураббийлар ҳам йұқ әмас. Чунки атоқлы педагог В. А. Сухомлинский айтганидес, әмөн бола ғылым, ғақат әмөн тарбиячи бор, холос. Халқымыз «насанини күриб, қизини ол» деб бежиз айтмаган.

Бола руҳияти ва маданияттегі иң қоңырларни үз вактида пайқаб, уларни бартарағ этиш табиғи тәсілдерден излаш ва мохирона иш юритиб, тарбиявий таъсир үтказып орқали, шубхасиз, самарали натижаларға әришиш мүмкін. Бунинг учун руҳият ва педагогика фанларига асос-ланған қолда иш юритиш күзлаган мақсад сари стаклайди. Бұлмаса «Құруқ ғөчі әгілмайды, құриған кирши (новда) болгаймаиды, түгул-майды». Бу мақол бирон нарасы ишлатында ҳаддан ошириб юборил-ғандың кейин, у нараса аввалы ҳолига қайтмайды. (М. Кошгарий, I том, 1960. Тошкент, Фан, 206-бет) деган маънени англағатади.

Тарбия ишининг заргарнинг меңнитидек иозик иш эканлығини унұт-маган ҳолда, боланиң ең күчік әмбеттегі баштапқы құлқ-одоб, қори-штурниш мәтакаларига үргатып борыш, бунинг учун, аввало, машқ қылдириш, сұхбат, тушунтириш, ишонтириш, ибрат-намуна каби ил-мий-амалий мәтодлардан өкілдона фойдаланып мақсадға мұвоғиқиди.

Инсон машқ қилиші, алтрым одаттарни әгаллаш орқали ҳар қандай мұжизалар яратып оладында даражадаги құдраттың күчтегі эга. Дорбозу полвонларнинг маҳораты-ю, космонавт-учувчиларнинг жасорати ти-нимсиз машқ натижасы эканлығини түгри тушунтира олмасақ, кел-жакда «Сибіләк сайдер»деги Баҳромдек үз маҳоратларига қандайдыр рағбатлантиришни талаб қилишларининг гувоқи бұламиз.

Инсон үз олдига құйған мақсадың стиши учун тиимсиз меңнат қылар экан, бунинг учун аввало, унда мустаҳкам ирова бўлиши ло-зим. Демек, биз тарбияпий ишимизнинг асосий йүналишини болалар-да машқ қилиш сиғатларини шакллантиришта қараташимиз зарур. Бунда күн тартиби катта роль йиғаб, унинг асосида үз фаолияттеги ташкил этиғи бола вактдағы үнумлар олади, ҳәсти давомида қуант билан ишлаш, меңнат қилиш күнікмасыға эга бўлади. Унда ин-тилиш билан шахсий имконияттың баҳо бериш үртасида уйғунлик ву-жудга келади.

Вақт-вақтни билан ахлоқий мавзуларда сұхбат үтказыб, боланиң онғыға таъсир этиш ҳам аҳамиятлайди. Бундай сұхбатни бадий асар қаҳрамонлары, Ватайимизнинг ажойиб кишиллери ҳәсти ва фаолияттың түгрисида, табиат олами ҳақида қызықарлы қилиб үтказып мүмкін. Бунда үғыл ва қызларнинг әмбеттегі хусусиятлары, билим савиляри, ақлий имкониятлары, қызықишиллары, қобиلىятлары жытыборга олинған ҳолда тарбиявий табиғи ташкил этиш мақсадға мұвоғиқиди. Шу хусусда болаларнинг дин ахълары билан мулоқотда бўлиши ҳам мақсадимиз-ни ойлаплаштыради. Ислом ҳадисларыда «Дин — насиҳатдир» дейил-ған. Дарҳақиқат, әмөн гапта пичоқ қинидан, яхши гапта илон инидан чиқади.

Маълумки, боланинг хатти-ҳаракатида бавзан салбий ҳолатлар, ноқуш кечинималар ҳам учраб туради. У бирон-бир айни атайлаб эмас. балки кўпнича тушунмаганингидан қилади. Боланинг айни, ножӯя хатти-ҳаракати учун жазолашдан кўра, унинг келтирган зиёни ҳақида тушунча бериш керак.

Болалар ўз руҳий дупсизига кўра, фойдални ишларни билан катталарга ёрдам бериш истагида бўладилар. Бироқ турмуш тажрибасизлиги па уқувсизлиги туфайли уларнинг бу истаклари ҳамма вақт ҳам амалга ошавермайди. Гоҳо «қош қўяман деб, кўз чиқарниш» ҳолати рўй беради: у бир ишга дадил киришади-ю, сал вақт ўтмасдан ишкан чиқаради. Шундай ҳолларда, яъни бола бирон-бир фойдални ишга кўл урмоқчи бўлганида зудлик билан уни қандай бажаришини кўрсатиб, йўл-йўриқ бериш лозим. Бунда унинг муайян фаолиятни (вазифани, топширикни) ўзи мустақил равишда бажаришга одатланиши боланинг келгуси ақлий меҳнатида ижодкорлик, ташаббускорлик, мустақиллик каби сифатларининг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнайди.

Тарбия ишида ишонтириш методидан ҳам самарали фойдаланиш мумкин. Бу методни кўпинча бола муайян ишни дадиллик билан эмас, балки саросима, қўрқув ҳисси, иккиланиш туфайли бажара олмаган пайтда ҳам, умуман, ҳар қандай ҳолатларда ҳам қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ишонтириш орқали болада ўз кучига ишонч туѓигуси пайдо қилиниали; бу туѓигу эса болага кўтариники руҳ багишлайди.

Ахлоқий тарбияда ибрат-намуна методи алоҳида ўрин тутади. Педагогик адабиётларда ўқитувчи, ота-она намунаси ҳақидағи назарий фикрлар ималий мисоллар асосида бағи қилинганди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ўқувчи учун энг яқин кишилар унинг ота-онаси ва ўқитувчиларидир. Шунинг учун ҳам бола доимо тақлид қилиб, ўз ота-онасидай, ўз ўқитувчисидай бўлишини орзу қилади: ўқитувчининг ҳавас қўзгайдиган даражадаги одоби, юксак маданиятлилиги, сипо ва кўркам кийиниши, ширин муомаласи, ёргу чеҳраси, камтаринлиги, одийлиги, меҳнатсеварлиги, одамийлиги ва билимдонослиги шогирдларининг бегубор қалбига меҳр-муҳаббат нури билан сингиб киради.

Ота-она эса фарзандлар нигоҳида энг буюк кишилардир. Узининг энг яхши сифатлари: меҳнатсеварлиги, бир-бирлари билан аҳиллиги, фарзандларига гамхўрлиги, қўшиллар билан иттифоқлилиги, қарниларга ишебатан меҳрибоиллиги, кишиларга илтифотлилиги — одамохунлиги, очиқкўнгил, камтарлик хусусияти; оддий ва бежирим кийиниши, хуллас, ташқи ва ички қиёғасининг гўзаллиги билан фарзандлар назаридан «энг чироғли, истараси иссиқ» кишилардир. Ҳақиқатан ҳам, ана шу фазилатлар соҳиби бўлган ҳар бир ота ва она келгусида ўз фарзандлари томонидан бир умр эъзозланади. Чунки улар машаққат ческиб жон пардасида ардоқлагаги меҳр чашмаси билан ўстирган ниҳолларининг келгусидаги ширин мевасиқидан баҳраманда бўладилар. Зотан, ҳалқимиизнинг «буғдой эксанг — буғдой, арпа эксанг — арпа ўрасан» деган нақли айни ҳаётний ҳпқиқат талқинидир. Бироқ, афсуски, ҳаётда бунингакси ҳам бўлиб туради: узлуксиз оиласи-

ай жанжаллар, эр-хотининг ота-оналик бурчини унугиб, фарзандариниң ғылана ташлаб қўйини ва ҳатто, ажралишиб кетиб, болаларни тирик етим қолдириши даҳшатли ҳодисадир. Бунда қўйидаги иккоят ўриниладир.

Тинглагини бу икки инсон қиссасин:
Не эксане, оларсан шунинг мөвасин.
Яшарди бир ўйда ота ва фарзанд,
Уларда йўқ эди бошқа деч ҳамдард.
Сўнгра келин келди ўғил улганиб,
Ота ҳам қариби қадди буқчаниб,
Ўз ишини қилди охир бу жаҳон—
Келдни кўтарди отага исси.
Йигитга айтарди газаб-ла келин:
«Тилиб қўй отангнишга заҳарли тилин,
На туарар, на юрар — стар бир жойда.
Бу бадбаҳт одамдан бизга не фойда?
Гар уни йўқотсане баҳтли бўламиш.
Ундан сўнг иккимиз йўнаб-куламиш,
Йўқса мен кетаман бошқа бир ёққа,
Сенинг изине стмас уюқ-узоқла!»
Икки ут ишиди йигит чекди гам,
Тумасин ҳеч бошга бундайин ситам.
Тўхтатомай кўздан оққан ёшини,
Яриш туи кўтиради гамли бошини.
Туриб опичлади бемор отани,
Ҳеч ким қайтармасин бундай хатони,
Отага ёлғондин: «Сафирга» деди,
Лекин шум нияти хатарга эди.
Отасин опичлаб қирлардан ўтди
Охирни сен кўрган дарига етди.
Бизни кўрмас, арча туарар қўйқайиб,
Йигит қайтмоқ бўлди отани қўйиб,
Бу ишдан падари қаҳ-қаҳлаб кулди.
Фарзанд бу ҳолитдан ҳайратда қолди:
«Ташлаб кестмоқдаман сени бугун мен,
Нега йигламасдан кулдинг бунда сен?»
Ота гап бошлади ўғилга қараб,
Дараҳт остидаги сүякни силав:
«Отамни шу дараҳт остига ўзим
Ташлаб кестган эдим сенинедек, ўглим.
Боқ, бош суяги кулмоқда менга,
Гўё мен кулгандек ушбу дим сенга...»
Бу гапни эшишга, ўғил дод солиб,
Жўнади отасин кўтариб олиб.

Шундай кишилар ҳам борки, улар «болаларимизнинг қорнини түйдириб, яхши кийинтириб боқиб катта қиласыпман-ку, тагин нима зарур» деган хәбл билан яшайдилар. Улар фарзандга ҳамма нарсаны берадилар-ку, лекин унга керак бўлган бир нарсани — оналик ва оталик меҳр-шафқатини бера олмайдилар. Шундай оиласда вояга етган кўпчилик фарзандларнинг қисмати аячли, улар ота-оналари каби худбин, бемеҳр, ҳамма нарсага лоқайдалик билан қараидиган кишилар бўладилар. Ваҳолаини, тарбия ишида ҳатто кичик хатога йўл қўйиш ҳам кечирилмайдиган айбли иш бўлиб, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бинобарин, киши саломатлигига путур стиши ниҳоятда ташвишли ҳолат бўлганидек, унинг шахсина юзага келган ахлоқсизлик кўринишлари ҳам гоят ачиниарли ҳодисадир. Бундан жамият ҳам, отоналар ҳам, ўзи ҳам азият ческади. Шунни унутмаслик керакки, беморни даволашдан ҳам кўра шахснинг маънавий қиёфаси, унинг руҳияти ва феъл-атворидаги иллатни даволаш аинча мушкуллар.

Шахснинг ривожланиб, таркиб топишида асосан учта омил ҳал қилувчи аҳамиятга моликдир: биологик омил, ижтимоий шарт-шароит (муҳит) ва тарбия. Бинобарин, кишининг маънавий қиёфаси, унинг феъл-атвори, воқеликка муносабати, илгор дунёқарашни худди ана шу учта омил туфайли қарор топади. Зотан инсоннинг ҳақиқий комил инсон даражасига ўсиб стишишида мазкур учта омилнинг роли бирдек аҳамият касб этади. Муайян сабабларга кўра, бу омилларни бирортасц мэром даражасига бўлмай, шахс фаолиятида турли миқсада амал қилинимаслиги салбий кўринишларни келтириб чиқаради. Бошқача қилиб айтганида, шахс маънавий қиёфасида ческиниш юз беради — унинг тарбияси бузила бошлайди.

Бинобарин, «болани бошидан, ниҳолни ёнидан асра» деган ҳикматга амал қилган ҳолда, ёш бўғинин энг кичик ёш данридан бошлаб гоятда эътибор билан тарбиялаб борсан, зарур хулқ-атвор кўникмаларини шакллантирсак, фарзандларимизнинг келажаги ҳақида қайгуриб, ватан олдидаги масъулніятимизни доимо ҳис этгани ҳолда ота-оналик бурчимизни шараф билан адо этгани бўламиз. Ана ўшандай болаларимиз муҳим характер хислатларини эгаллаб, улар оиласинингтина фарзанди бўлиб қолмасдан, ватанига ва ҳалқига муносиб фарзанд бўлиб вояга стадилар. Шу ўринда буюк мутафаккир Алишер Навоий ва бошқалар ҳақидаги ҳикоятлардан сўзлаб бериш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Оила тарбиянинг асоси, пойdevоридир. Боланинг ким бўлиб стишиши асосан, оиласидаги муҳитга — тарбиявий таъсирга боғлиқ. Бу тўғрида атоқли педагог А. С. Макаренко алоқида тўхталиб, агар биз фарзандларимизга яхши тарбия берсан, бу бизнинг баҳтимиз, шодлигимиздир; ёмон тарбия берсан, бу — келажикдаги аччиқ кўз ёшимиз, ноқобил фарзанд туфайли қон-қон йиглаб ютадиган гамларимиз, вламларимиз, деб ота-оналарни огоҳлантирган эди. Зотан, болани пивало жисмоний соглом қилиб ўтиурсак, мустаҳкам иродали қилиб чиниқтиурсак; мургак қалбига

бесгуборликни, бокиравлики, чин одамийлик ҳиссенин, улугъорлик, мардлик-марданаорлик туйгуларини, әхтирос һа жышқишиликни, олжанобликни сингдириб борсак, унинг ақлини пешлаб, турмуш эхтийчи учун зарур бўлган билимлар билан бойитсан, флотиятига меҳнатсанарлик, гайрат-шижоат, ташаббускорлик, ижодкорлик, мустақил ҳаракат қилиш, уддабуронлик ииби сифатларни сингдириб юборсак, қобилиятини аниқ мақсад сари йўналтира олсан, биз отоналик һа мураббийлик бурчимишини бажарган бўламиз. Ана ўшида фарзандларимизни тарбиялаш йўлиди чеккан мешақатларимиз, сарф этган беминиат меҳнатимиз ширин месасини беради. Бу мевалан ўзимизгина эмас, балки жамият ҳам баҳраманд бўлиди. Фарзандимиз эса шундай улур даражага стишгинидан бениҳоя баҳт-қувончга тўлиб, бизлардан бир умр миннатдор бўлиб қолади. Акс ҳолда онлада дили ҳуфтонлик кайфиятлари авж олаверади. Шу сабабли, бола тарбиясида ота-онанинг фикрий муштараклиги катта роль ўйнайди.

Ота-онанинг сўзи билан ишининг бирлиги муҳим фазилит бўлиб, катта тарбиявий таъсир кучига эгадир. Ота-оналар болага тўғрилик ва ростгўйликтининг афзалликлари ҳамда спиртли ишимликлар ичиш ва чекишининг зигари ҳақида гапириб, ўзлари бунига амал қиласалар, сўзлари фойдасиз бўлиб қолади.

Ёлғончиликнинг киши характеристидаги дастлабки куртаклари ёшлидан пайдо бўлди. Қуш уясиде кўрганини қиласди, дегани тирилек, ёлғон-яшиқ, кўзбўямачилик билан шугулланувчи баъзи ёлғонни кўп гапирадиган катталар орасидан улгайиб бораётган ёшлар, улардан ёлғончилик касаллигини юқтиради. Бу касалликнинг олди олиниб, тарбиявий таъсир кўрсатилмаса, бу иллат ниҳолдек нозик бўлган бола характеристига ўрнашиб қолади һа шундай қолади.

Бола тарбияси ҳамма учун аҳамиятли масалалардан. Чунки, болани ёшликлари қаёққа етакласанг ўша томонга кетаверади. Шунинг учун уларнинг фикрлаш қобилиятини ўстириш учун ибратли ҳикоялардан айтиб, ўқиб бериш керак. Аввало бундай ишларда бола қалбига йўл топа олишилик энг асосий язифа ҳисобланади.

Бола ёшлигига ҳамма нарсага ҳавас қилувчи, ўзидан катталарга тақлид қилувчи булади. Баъзан катталарнинг ёмон қилтиқларини ўзлаштиришга улгурган бўладилар. Бола характеристига хос бундай хусусиятлар тарбияда кенг илдиз отган, уни кўпроқ онладаги тўғри тарбия ва ўринли, асосли танбечлар, ибраторумуз ўғитлар замирида улгайтиреп, бу иллатни аста-секин йўқотиш мумкин. Аммо биз каттлар баъзидан эркаланиб ёлғон гапириб келган болаларга бефарқ қарайдиз: бундай қусурларга «шунчаки камчилик» ёки «ҳали болаку» деган тушунча билан ёндашмаслигимиз керак. Акс ҳолда ани шу юқоридаги «шунчаки камчилик»лар қимматга тушади.

Мана бир мисол. Тошкент шаҳрининг Миршаропов номли маҳалласида истиқомат қилувчи бир хонадонда ҳали мактаб ёшига етмаган бир бола характеристида «шунчаки камчилик»лар — ёлғончилик пайдо бўла бошлади. Бола дастлаб кўчада велосипед һа мотоциклларнинг ҳар хил гайкаларини «стопиб олдим» баҳонаси би-

лан олиб келиб, ўйнаб юрадиган бўлди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, педаль ва қўнгироқ каби эҳтиёт қисмлар пайдо бўла бошлади, булардан аравача, қўлбола велосипед ясамоқчи бўлди. Аммо эҳтиёт қисмлар етишмади. У ўйлади, бош қотирди. Эртаси куни ўйда болалар велосипедининг иккита гилдираги, рули пайдо бўлиб қолди. Бу орада ота ҳам, она ҳам ўглининг нима билан шугулланэтганлигини билиб, кўриб борди. Орадан уч-тўрт кун ўтар-ўтмас, ҳалиги эҳтиёт қисмлар бинойидек велосипедга айланди. Ота-она ўз фарзандининг ёшлиқдаи ортираётган «маҳорати»га, техникага бўлган «қизиқиши»га сукланниб боқишиди, унга раҳматлар айтишди.

— Қара-я хотин, ўглинг ажабтовур техника муҳаидиси бўлиб етишадиган кўринади,— деди ота ўглини мақтаб.

— Қаранг, эски темир-терсакдан шундай нарса ясади-я, миянга балли, болажоним! — бағрига босади она.

Бола эса ясама велосипедининг қўнгиригини қаттиқроқ жиринглатар, тойчадек деспиниб, магрур турарди. Эртаси куни «техника муҳаидиси»нинг ихтироси қулогига ўрнатилган қўнгироқ овози маҳаллада одам тўплади.

— Ўглингиз болламинг велосипедини ўгирлаб келибди, бу қандай бемаънилик! — тўрт ҳояли нарида яшовчи қўшиниси шовқин кўтарди.

— Ўзимизники, эски темир-терсакларни олиб келиб, ўзи ясадику,— биланд келарди «муҳаидис»нинг отаси.

Хуллас, ясама велосипедининг эгаси топилди, уни қўшини олиб чиқиб кетди. Аммо «муҳаидис»нинг меҳрибон ота-онаси ой давомида ҳовлисига ўғли олиб кирган «эски темир-терсак»нинг қаердан келаётганлиги билан қизиқиши ўрнига, уни ихтирочиликка «рагбатлантирилар». Оқибат, кейинчалик бу ўсмиришинг яратган ихтироси бундан ҳам қиммата тушди. Бола 198-мактабининг 8-синифда ўқириди. Бу даврда ҳовлининг ср тагидан «Жигули»нинг кузови кавлаб олинди, қолтаги қисмларининг кўпчилиги чердакдан олиб тушилди.

Болага нисбатан тутилган нотўғри хатти-ҳаракат, унинг қинигир қилмишлари оқибатини ўз вақтида тушунтирмаслик натижасида салбий ҳодисалар юз бериб, ота-она ўз хатоларини жуда кеч англадилар.

Бинобарин, «Душманига қурол ҳозирлаган киши қулун (той) топади, қурол ҳозирлашни унугланниши асир бўлади». (М. Кошгариј, I том, Фан. 1960. 221-бет.)

Оила аъзолари ўртасида нутқ одоби масаласи гоят муҳим масала-дир. Бироқ бу ишни амалга оширишда, биринчи галда ота-оналарнинг ўзлари илмуна кўрсатиб, соғ она тилида сўзлашишлари лозим. Маълумки, «сан» ва «сиз» сўзлари ҳам бир оғиздан чиқади. Айниқса, ўзбек келинининг хулқ-одоби, меҳнатсеварлиги, уддабурон-чаққонлиги, саронжон-саришталик хусусиятлари билан ҳаммада ҳавас ўйготибгина қолмай, ширин сўз, күшмуомала, ёқимтойлик фазилатлари билан хонадонга нур ёғдирадилар.

Балиқ сув билан тирик деганиларидек, одам одам билан ҳаётдир. Бунинг асл маъносида одамларининг ўзаро мулоқотидаги алоқа қуролининг ижтимоий сифатлари ётади.

Бинобарин, муомала-муносабатда нутқ маданиятiga риоя қилған ҳолда, мазмұнли ҳамла рахон сұзлай олш нақадар улугторликдір. Үз наебатида, ҳар бир одам мұлоқотда сезигерлик, зияраклик, хозиржавоблик, иболилик, ифптлилік намунаснни күрсата олиши бошқалар нигоҳи қаршиисида хушсурат тимсол яратади.

Трамвай, троллейбус, автобусларда ва жамоат жойларида әшлар-нинг мұлоқотларини күриб ҳайрон қоласан, киши. Аввало, улар гализ тилда сұзлашадылар. Яна буниңг устига русча ва ўзбекча сұзларни бир-бириң қоришириб гапирадылар.

Үқитувчи шу үринде нутқ одоби донрасидан честта чиқиши, она ти-линиңг поклигінг путур етказныш ҳолларини шархлады. Бу нараса ўқувчидә үша фактта нисбатан тұла ишонч үйготади.

Турғунлук йилларидаги деспиниш фаннинг барча соҳаларида бұлгани каби үзбек тильтунослынгіда ҳам сұзсиз рүй берди. Үзбек тили қашшоқлашды, тилинг соғлиги бузилди.

Масалага үзбек тилининг сұзлар ҳисобига бойиши нұқтai назаридан өндөшсак, кейинги 30 йил ичидә үзбек тили лугати таркибіда жуда борса 100 тага яқин янги сұз пайдо бўлди, холос. Үша 60-йилларнинг маҳсули, дарахт ва мевалардаги ширага қарши дори сепиши асбобини билдирувчи «пуркагич», меваларни дурагайлаш — янги нав яратишида ишлатувчи буюм маъносидаги «чанглагич» ва 80-йилларнинг ҳосиласи үлароқ теплица маъносидаги «иссиқхона», паҳта стиширувчи уста дәхқонларни билдирувчи «пахтапарвар» каби бир талай янги сұзларни санаш билан чесланамиз. Бугина эмас, үзбек тилининг бойишида рус тилида пайдо бўлган тушунча ва уни ифодаловчи сұз ва терминлардан андоза кўчириш, нусха олиш йўли билан үзлаштирилган янги сұзлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Шу маънода таржима — нусха олиш усули билан талайгина янги сұзлар үзбек тили лугатига кириб келди. Үзбек миллатининг кенг тармоқли тил лугатида шу алфозда ўсиш бўлгандан кейин, буни үзбек тилидаги деспиниш дейишдан бошқа иложимиз йўқ.

Үзбек тили лугатини бойиган деб талқин этишда честдан үзлашған: юонча «алфавит», «гипс», «логика», «психология», «олимпиада»; лотинча «автор», «студент», «цирк», «цензура»; немисча «лагерь», «офицер», «влахта», «фляга», «глостук»; французыча «буфет», «бульон», «старнозон», «пьеса», «актер»; инглизча «вокзал», «клуб», «торт», «бокс»; итальянча «ария», «либретто», «банк» каби сұзлар ҳам асос бўлади. Бу нарасаларнинг барчаси тиленинг ижтимоий ҳодиса сифатида узлуксиз ўсиб, ривожланыб туришиндан, эски сұзларнинг истесьмолдан чиқиши ва янги сұзларнинг пайдо бўлнишенинг қонунийлигидандир.

Лекин шу үринде масаланиң бошқа муҳим томони ҳам бор. У ҳам бўлса рус тили ва у орқали юқоридагидек честдан үзлашған сұзлар табиий ҳолда зарурий эҳтиёждан содир бўлмоқдами әки сунъийлик ва юзакичилик билан амалга оширилмоқдами? — деган саволга аниқлик киритиш зарур бўлади.

Кейинги йилларда үзбек тили лугати таркибда бемалол «шўнгиги юргаз» кўплаб русча ва чест эл сұзлари ҳадсиз кўпайди. Бу сұзлар

сунъий равишида сиз билан бизнинг нутқимизда тинмай тақрорланмоқда. Гапнинг қисқаси, ўзбек тилининг мусаффолиги, аниқ ва лўндалиги, поклонги ва силлиқлнгини аёвсиз ҳолда бузишлар давом этмоқда.

Мисолларга мурожаат этайлик:

Ўзбек тилининг ривожланиши — ўзимнзаги сўзлар ҳисобига бойниши, сўзлашув жараёнининг хирадашуви мошкичири сўзлар билан тўлиб-тошишида, унинг булганишида баъзи саҳна мутасаддилари, актёрлар «кatta ҳисса» қўшмоқдалар. Айниқса энсиларнинг «хизмати» беҳисоб.

Мана, ўкув театрда актёрлар маҳорати ўқитувчилари ва талабалар ўргасида бўлиб ўтпин муносарә — нутқ жараёнидан бир мисол ўқинг:

«Хозир санлар мастерство актёрдан чиқдигларми? (Ўқитувчи)? «Иўқ танесдан чиқдим» (Талаба), «Ундей бўлса эртага биринчи парони мастерство қиласмиз, движенисдан рухсат олдим; движенис ўрнида мастерство бўлаверади» (Ўқитувчи).

Нутққа бўлган бундай муносабатни она тили гўзалликлари — сўзлари билан алмаштириб, айтиш жоиз бўлса — «таржима» қилсан, унинг соғлигини бузган, тоза жумлаларни ифлослантирган «олифта»ларнинг қиёфаси ойдинлашади. Мана, улар нима дейишмоқчи:

«Хозир сенлар актёрлик маҳорати дарсидан чиқдиларингми? Иўқ, ўйин ўрганиш дарсидан чиқдик». «Ундей бўлса эртага биринчи солтини «маҳорат» дарси қиласмиз, саҳна ҳаракати ўқитувчисидан рухсат олдим — унинг ўрнида «маҳорат» дарси бўлаверади».

Наҳотки, она тилида шундай гўзал жумлалар турганида, унга кўра-били туриб шундай масъулиятсизлик қиласми?

Шу ўринда она тилининг ҳурматини кўтариш, унинг соғлигини таъминлаш, бойитиш ва талабаларимизнинг ўзлари ўз тилларига амални жиҳатдан бесписандалик қиласчтириларини тезда бартараф қилмоқ керак. Улар она тилининг соғлиги, давлат тили хуқуқини олиши тарафдорлари бўлгани ҳолда муомала маданиятида ўзбекча сўзлар, бирималар ўрнига бемалол русча сўзларни сунъий равишида ишлатмоқдалар. Рус тилини умуман яхши тушумайдиган кўплаб талабалар, ҳатто кўр-кўронга русча номлайдилар. «Материаллар қаршилигини» — «сопромат», «Имтиҳон»ни — «экзамен», «синов»ни — «зачет» тарзида қўллашлари ўз тилини бузиш эмасми?

Олий ўкув юртларида дарс берадиган кўпчилик маҳаллий муаллимлар, айниқса, техника, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги олий ўкув юртлари муаллимлари нутқи жуда хароб, қашшоқ! Чунки улар таъбир жоиз бўлса, «сўқир» бўлиб таълим олишган. Энди биз бунга яўл қўйамаслигимиз керак.

Ўзбек тили лугатининг қашшоқлашувида радио-телевиденсиясининг алтим мұҳаррир-журналистлари, қолаверса эфир орқали мuloқот қиласчтирилган кишиларнинг начор нутқлари ёзма ва оғзаки алоқа қуролига ҳурматсизликни тутдирмоқда. Айниқса, «Ахборот» программасида иштирок этастаги кишилар нутқида ўзбек тилининг ҳеч қайси қондасига тўғри келмайдиган гап қурилишларига дуч келинади.

«Ахборот»да 1989 йил февраль-март ойларида эълон қилинган ма-
сриаллар таркибидаги русча сўзлар ҳисобига нутқ кўп марта қўпол
авишида бузилди.

Ҳар бир миллатнинг тарихий анъана ва урф-одатлари, удумлари,
уллас ҳпёт тарзини кўз-кўзловчи маланиятига гамхўрлик қилиш,
иу асосда уларни янги-янги мазмун билан бойитиш миллатнинг та-
каккур, фикрлаш қобилиятини қайрайди, бойитади. Шогирднинг ус-
оздан ўрганилигани ҳам шу масалалар бўлган, шунинг учун ҳам
алқимиз «таълим берган устозинингдан айрилма», дейди.

«Наврўз» — ўзбек ҳалқининг жуда катта миллий байрамидир.
нинг мазмунида ҳалқимизнинг яшаш тарзидаги баҳорни илиқ қар-
ши олиш, ерга биринчи уруг қадаш, сумалак, ион улашиш, кураш,
ашар, улоқ, арқон тортиш, дор ўйин, айтишув, топишмоқ саҳнаси,
улоқ-чўзма, ўтганларни эслаш каби юзлаб анъана, урф-одат ва
думлари бор. Табиийки, ушбу маросимларни бажариш, ижро этиш-
а тил билан тафаккур иштирок этади. Бошқача қилиб айттанда, бу
сарадида миллатнинг идроки, тафаккури натижалари сўз, жумла ва
аптарда воже бўлади. Ҳалқимиз лугати таркибида — шевалар,
аҳжалар ва диалектларда ҳали ўзбек адабий тилига олиб кирилма-
ан минглаб ҳақиқий туркӣ-ўзбекча сўз ва иборалар ҳам жуда кўп.
иу сўз ва иборалар ўша шева ва лаҳжалар учунгина алоқа воситаси
азифасини ўтамоқда, колос.

Буниинг жуда катта асоссиз сабаблари бор. Бу даврда «адабий тилда
апир», «шевачиликни аралаштирма», «адабий тилнинг гўзаллиги,
иблиқлиги ва поклигини бузасан» деган бемаъни тазйиқлар бўлди.
Ҳали ўрта мактабни ҳам битирмаган, колхоз-совхозларда оддий ва-
иғаларни бажараётган, ўзбекнинг бутун руҳий ҳолатини ўзида на-
ючи қилувчи кишиларни радио-телевиденис экранларида адабий
иlldа сўзлатишга ҳаракат қилдик. Унинг нутқи эркинлигини бўғиб,
ушовлаб қўйдик; уларга «хозрасчёт», «аренда», «прибиль», «убитка»
каби сўзларни талаффуз этишларига йўл очиб бсрдик. Оқибатда, ше-
валар таркибида қатланиб ётган минглаб ўзбекча сўз ва иборалар та-
ниатидаи маҳрум бўлдик. Агар дикқат қилган бўлсангиз, телевиденис
ирқали намойиш этилган Наманган, Ургут, Хоразм, Қозогистон каби
койларда иишонланган Наврўз байрами жараёнида кўплаб янги-янги
ўз ва иборалар, топишмоқ ва «шаҳар бериш»лар бўй кўрсатди. Булар
адабий тил лугати таркибига йўл тополмай юрган тил ва дил бойли
иммизни намойиш этди.

Ушбу мисолларга дикқат қилинг: «Узун-узун из кетди — узун
иўли қиз кетди» деган топишмоқ Наманганда гилам маъносида иш-
натилса, буниинг синоними — «Узун-узун из кетди — сочи узун ҳиз
кетди» тарзида Ургутнинг Мингбулоқ қишлоғи шевасида гилам, палос
маъноларида қўйланади. «Ганим ўз оёғидан Йитар» (Фарғонада) гапи
адабий тилдаги «Ёмонлар ўз оёғидан илинар»ни билдиради; Туркис-
тон шеваларида «Биз ўгри бўлсак ой ёргу бўлади» тарзидаги ҳикмат
қаллоблик ва нопоклиник билмаслик, тўғрилик маъноларида келган-
шиги ва булар ҳақиқий ўзбекча, лескин адабий тилда қисқаси, ўзбек

миллий амъаналари, удумларининг айниҳаси, «Наврӯз»нинг ҳайта тикланиши она тилининг бундан кесинги тараққиётига бир қадар кенг йўл очиб берди.

Шу ўринда диққатни бир муҳим масалага қаратишни истардик. Ўзбек тили туркий ҳалқлар тиллари орасида шеваларга бой ягона тиллар (Е. Д. Поливанов). Шеванинг кўп бўлиши — миллий тилимизнинг кўптомирлилиги, бақувватлиги, унинг бойлигини кўрсатади. Лекин ана шу бойликни намойиш этувчи қайси бир мукаммал қомусни кўрслта оламиз. Бутун бошлиқ ўзбек миллати тилининг лугат таркиби «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да берилганидек, 60 минг сўздангина иборатми? **Йўқ.** Мәълум сабабларга кўра (юқорининг режаси асосида) ҳалқ шеваларида қатланиб ётган ўн минглаб сўз, атама ва иборалар қолиб кетган.

Адабий тил деганда, мәълум бир қонун-қонда, нормага асосланган алоқа қуруленингина тушуниш шу кунгача давом этиб келди. Эндиликда адабий тил — миллий адабий тил, ижтимоий ҳодиса сифатида ўз маъносини — таркибини ҳам кенгайтириши лозим. Шу маънода ўзбек миллий адабий тили ҳалқ шеваларидан озиқланган ҳолда ўз таркибини асл туркий — ўзбекча сўз ва иборалар, қолаверса, янги маъно берувчи бошқа белгилар ҳисобига тўлдириши керак. Бу масъулиятли ишини рӯёбга чиқарувчи биринчи камарбасталар — ёзувчилар, журиалистлар, ўқитувчилар, қолаверса қалқ мулки — фольклор материалларини рӯёбга чиқарувчилар, овознигор ва ойнан жаҳон ходимлари бўлишлари керак.

Ниҳоят, бу орзу амалга ошиди — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Бу ~~хакида~~ қонун кучга кирди. Шунданбўён орадан ўтган қарийб тўрт йил ичida анчагина ўзгаришлар рўй берди. Ўзбек тили жумҳуриятимизда магрут жарагламоқда, ўзининг асл куч-қудратини намойиш этмоқда. Матбуот, радио ва телевиденсияда сўзларининг асл ўзбекча нусхаларидан кенг фойдаланилмоқда. Ҳалқимизнинг тил маданияти ортиб, ўзбек тилига бўлган журмат ҳам анча яхшиланди. Тилга зътибор — элга зътибор, деганлари мана шунда намоён бўлмоқда.

Ўқитувчи профессор М. Нурматовнинг «Ўқитувчилар газетаси» (1989 йил, 20 сентябрь) да ўзлон қилинган «Янги демократия ва ўзбек тили» деган мақоласининг қўйидаги қисмидан фойдаланади:

1960 йилларининг охиirlарида ва 1970 йил бошларида аксарият тингловчи ўзбек бўлган кенгаш ва мажлисларда ҳам рус тилида нутқ сўзлашни ўзи учун катта мартаба ва юқори лавозимларга муносиблик белгиси деган расмий иллат раҳбарлик қатламлари ўртасида, қисман зиёлилар ва хизматчилар орасида қарор топди. Кейинчалик ўзбек ҳалқидан ва ўзбек тилидан тобора бегоналашган бу қатламлар орасида ўзи она тилини билмаслигидан мутлақо уялмаслик ва рус тилини ҳамда Европанинг бирор жаҳоншумул тили (инглиз, француз, немис тили)ни билиши билан намойишкорона кибру ҳаволаниш касалилги пайдо бўлди.

Ўзбек бўла туриб, ўзбек тилини яхши била туриб, аксарият кўпчилиги ўзбеклардан иборат бўлган мажлис аҳлига рус тилида га-

шириш маданиятенизликининг жонли бир мисолидир, ўз она ҳалқи ва тилидан бегоналашини нфодасидир.

Тургунлик даврида тилимизнинг яхши фазилатлари ривожланышдан тұхтаб ҳам қолмади, йүк бўлиб ҳам кетмади: у даврда ҳам, ғозир ҳам ўзбек тили бирор қасалға ҷалиниб, қасалланиб қолгани ўқ, албатта. Тургунлик даврида ўзбек тилининг фақат фаолият май-юни ва ривожланиш йўллари сунъий йўсимида торайтирилди. Бу эса ўзбек тили тараққиётининг сусайишига олиб келди.

Бу салбий лингвистик аҳволни қўллаб-қувватлаб турган куч — ижтимоий-сийёй вазият эди.

Бутун дунё педагогикаси тарихи ва амалистидан шу нарса маълумки, бирор миллӣ тилини ўзга бир миллат фарзандларига ўргатишни ўзига қасбу кор қилиб олган зиёли бу ҳар иккала миллӣ тилини старли даражада билиши зарур. Масалан, рус тилини ўзбек ўқувчиларига ўқитишни ўзига қасб қилиб олган ўқитувчи ҳам рус тилини, ҳам ўзбек тилини тўлиқ билиши шарт. Зотан, у рус тилини яхши билмаса, уни ўргата олмайди, ўзбек тилини билмаса, ўзбек ўқувчилари билан муомалага кириша олмайди. Чунки рус тилини ўргаништган ўзбек синфида рус тилининг миллатлараро муомала тили бўлишига анча йиллар керак, бу ўринда рус тили ўқувчилар билан муомала воситаси даражасига кўтарилиши учун болалар уни маълум даражада ўргангани бўлишлари зарур.

Рўй-рост айтиш керакки, ўз она тилини яхши билиб олган ҳолда, равон ва чиройли сўзлаш ҳамла ажойиб иотиқ бўлиб етишиш кўп жиҳатдан бадиий адабиётларин тинимсиз мутолаа қилишга боғлиқ.

Адабиётшунос Кирилл Ровданинг «Карл Маркс ва бадиий адабиёт» китобида келтирилган маълумотларга кўра, улуғ Маркс ўз таълимотини яратишлек улкан фаолият билан банд бўлиб қолмасдан, бадиий асарларин доимо мутолаа қилишга вақт топа олган. Шу манбада кўрсатилишича, Карл Маркс барча Европа адабиётини чуқур ўзлаштирган. У, машҳур танқидчи В. Г. Белинский таъбири билан айтганида, «драматургиясининг тождори» Вильям Шекспир асарларини ёд билган. Бинобарин, К. Маркс оиласига, ўз фарзандлари билан шугулланишга ҳам вақт топа олган, севимли қизларини китобга муҳаббат руҳида тарбиялаган.

Алишер Навоий 10 ёшларидаги Саъдийининг «Гулистан», «Бўстон» китобларини, айниқса Фаридиддин Атторининг «Мантиқут-тайр» («Қуш тили») асарини қайта-қайта ўқир ва ёд олар эди. Ф. Атторининг бу асари ёш Алишерга қаттиқ таъсир қилди.

Натижада у кишилардан четлашадиган ва ёлғизликини ёқтирадиган бўлиб қолди. Унга бу асарни ўқишини ман қилишибди. Лекин бу чора фойдасиз эди, чунки у бутун китобини ёллаб олган эди. Бундай мисолларни тарихдан кўплаб келтириш мумкни.

Бизнинг фикримизча, оиласда болалар китобхонлигини моҳирона ташкил этиш ахлоқий гўзаллик тарбиясида катта роль йўнайди. Шунга кўра, болалар китобхонлигини ташкил этишда оила ва мактаб ҳамкорлигини ўрнатиш, бунда мактабининг стакчиллик ролини оши-

риш мақсадга мувофиқдир. Кейинги пайтда Яссавийнинг «Ҳикмат»лари, ҳалис намуналари каби қатор китоблар кўп нусхада нашр этилди.

Оилада болаларининг китобхонлигини уюштиришни қўйидагича амалга ошириш мумкин:

1. Ҳар қайси ёшлаги болалар учун бадний асарларни тўғри ташлаш.

2. Мавълум тартиб асосида бадний китобларни ўқиш учун вақт ҳамда шаронтини тўғри белгилаш.

3. Бадний асарларининг тарбиявий томондан таъсири этадиганларини ташлаш ва керакли адабистларни тұплаб, оила кутубхонасини ташкил этилиши; катталар ва болалар китоблари алоҳида жавонларда тартибли сақланиши керак.

4. Болалар китобхонлигини боғча ва мактаб билан ҳамкорликда уюштириши. Бунда методистлар на синф раҳбарлари, мутахассислар билан доимий алоқа ўрнатиш.

5. Оилада болалар китобхонлигини уюштиришда турли усулларни топиш.

Тажрибы ва күлатишлар оилада болалар китобхонлигини уюштиришда сұхбат, ифода иш ўқиш, ҳикоя, баҳс-мунозара метод ва усулларидан фойдаланыш яхши самарга беришини кўрсатади.

Оилада болалар китобхонлиги мургак қалбларни ахлоқий гўзл ҳис-туйгулар билан тудирибгина қолмасдан, балки дўстлик, қардошлиқ, байназлиял туйгулар билан ҳам бойитади, онгини юксак гоялар таъсирида шакллантириши, иштқ маданиятини ривожлантириш учун шарт-шароит яратади.

Ўзбек классик адабиетининг энг яхши намуналаридан, хусусан, Алишер Навоий, Вобур, Отахий, Муҳимиий, Фурқат, Завийий, Аваз Ўтар каби шоирларининг ахлоқ-одоб, иносипарварлик, адостат ва ҳаққониятини тарғиб этувчи асарларидан фойдаланыш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек адабиёти вакиллари — А. Авлоний, С. Айний, Ҳ. Ҳ. Ниёзий, А. Қодирий, М. Шайхзода, А. Қаҳҳор, Ҳ. Олимжон, Ўғун, Миртемір, Зулфия, шунингдек, Элбек, А. Умарий, З. Диёр, Султон Жўра, Қудрат Ҳикмат, Ҳайриздин Салоҳ, Э. Воҳидов, А. Орипов, Ҳ. Тўхтабосев, Ү. Ҳошимов, А. Обиджон кабиларининг энг яхши асарларидан фойдаланыш ҳам оилада болалар китобхонлиги фазолиятини бойитади.

Бинобирин, жамоат жойларида, мактаб маданият-оқартуш мувассаларида, транспортда ва бошқа жойларда ўз-ўзини идора қилиш, хушимуомала бўлиши, иомақбул хулқ-аттвордан ўзини тибии ҳар қандай тарбияли кишиининг маънавий стуклиги ифодаси эканлигини ёшларга доимо тушунтириб бориш зарур. Энг яхши хислатларни ўтил-қизларимизга илик болалик давридаи бошлаб сингдириб бориш микасадиги мувофиқдир.

Ўқитувчи талқин этилаётган масалани ҳаётин мисоллар орқали янада чуқурроқ ёритиб, оилада ахлоқий ва маданият малакаларни қайси йўллар на воситалар билан шакллантириши мумкинлигини кўрсатиб беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЯХАТИ

1. Маркс К. Гота программасини тақиқид. К. Маркс ва Ф. Энгельс. Ташланган асарлар. З-том, Т., 1981.
2. Энгельс Ф. Оила, кусусий мулк ва давлатининг келиб ғиқиши. К. Маркс ва Ф. Энгельс. Ташланган асарлар. З-том, Т., 1981.
3. Энгельс Ф. Майдунинагодамга вайчилил процессида меҳнатпирларни. Уша том.
4. Ленин В.И. Коммунистик ахлоқ тұғрисидә. Т., «Ўзбекистон» нағарнёти, 1966.
5. Крупская Н. К. Ташланган педагогик асарлар. Т., 1956.
6. Макаренко А. С. Книга для родителей. М. 1986.
7. Абу Али ибн Синя. Тиббий рисолалар. Т., «Фан», 1987.
8. Абу Али ибн Синоппин соглигин сақлашта доир рисолалари. Т., «Фан», 1978.
9. Аллонгий А. Туркий гулистаның өхүд Ахлоқ. 1968 (ЎзССР Шарқшунуслик институти).
0. Азаров Ю. П. Оила педагогик писи. Т., «Ўқитувчи», 1988.
1. Андресс Ю. А. Откровенный разговор. М., 1986.
2. Афанасьевна Т. М. Оила. Т., «Ўқитувчи», 1986.
3. Белый М. С. Малыш или девочка М., 1987.
4. Бобоконов А., Мансумов М. Абдулла Ахлонининг педагогик фасолияти. Т., «Ўқитувчи», 1966.
5. Бобур З. М. Бобурнома. Т., 1960.
6. Бойко В. В. Рождемость. Социально-психологические аспекты. М., 1985.
7. Бертельс Б. Э. «Хибатул-хакобик» Ахмада Юпаки. САГУ, новая серия, вып. 3, кн-1, Т., 1945.
8. Беруин Абу Райхан. Памятники минувших поколений. Избр. соч., т. 1. Т., 1957.
9. Беруин Абу Райхан. Индия. Соч., т.2. Т., «Фан», 1963.
0. Воликова Т. В. Учитель и семья. М., 1980.
1. Валирова А. А. К вопросу о мировоззрении Юсуфа-Баласутулского. «Краткие сообщения института народов Азии», т. 71, М., 1964.
2. Ворга Д. Дела семейные. М., 1986.
3. Герасимов С. Любить человека. М., 1985.
4. Городская и сельская семья. Москва, 1987.
5. Доброят А. В. Воспитателю о психологии и общечеловеческих проблемах. М., 1987.
6. Жумабеев Н. Ўрга Осиё өткаси тарихи очерклари. Т. «Ўзбекистон», 1980.
7. Жутникова Н. В. Учителю о практике психологической помощи. М., «Просвещение», 1988.
8. Закус А. К. Психология ибн-Сина. Баку, 1958.
9. Зацепин В. И. О жизни супружеской. М., 1984.
0. Зекиров И. Никод ва оила тұғрисидә совет қоғупчысын. Т., «Ўзбекистон», 1986.
1. Зохидов В. Мир идей и образов А. Навон. Т., 1961.
2. Кафиков. Қобуснома. Т., «Ўқитувчи», 1986.
3. Кошалев А. Т. Психология семейного воспитания. Минск, «Шарашная света», 1980.
4. Кон И. С. Психология старшеского возраста. М., «Просвещение», 1980.
5. Кон И. С. В поисках себя. М., 1984.
6. Королев Ю. А. Супруги, родители, дети.. М., 1985.
7. Красовский А. С. Будущий муж и отец. Минск, 1986.
8. Кубанинский. П. Дом семейный и общественный. М., «Орионская литература», 1988.
9. Культура семейных отношений. М., 1985.
0. Мактаб ўкувчиларини исламий қағида тағбэрлаш бўйинча ўкув-методик кўрсатмалар (лойиҳа). Т., 1985.
1. Маллов Н. М. Ўзбек адабиёті тарихи. Т., 1963.
2. Маматов М. Милитария психология қыбда ва унинг хусусиятлари. Т., «Ўзбекистон», 1980.
3. Маҳмуд Контирип. Девону луготит турк. Т., 1960. (Уч томлар).
4. Маҳмуд Паҳлавони. Рубониг. Т., 1962.
5. Маҳмуд Паҳлавони. Рубонилар. Ўзбек шеърийи шитолопигиси. «Ўзбекистон адабиёт ва салъати» газетаси, 24 март, 1989.

46. Мұдым Пәхлавон Рубонийлар. «Ёш ленинчи» газетасы, 22 наурыз, 1989.
47. Мирисский Б. А. Усмир и жинот жолдары. Т., «Ўқитувчи», 1986.
48. Миртурсынов З. Ҳамза Ҳакимзода Низамининиг ҳалқ мәорифи ва тарбия ҳақидағы фикрлари. Т., 1951.
49. Мубораг мактубалар. Т., Гефур Гулом номиңдеги пәнненің ва салыптар нашрысти, 1987.
50. Наюнай А. Маҳбуб ул-кулуб. Т., 1983.
51. Наюнай А. Аспарлар, XIV том, Т., 1985.
52. Немесистая Б. М. Мудрость красоты. О проблемах эстетического воспитания. М., 1981.
53. Оз-оз үрганинб доню бүлур. Т., 1988.
54. Отчёты истории этики. М., «Мысли», 1969.
55. Переходцев В. И. Молодая семья сегодня. М., 1987.
56. Сандыков М. Ойлада гуманинм тарбияси. Т., 1982.
57. Сандылов М. Ойла ва коммунистик тарбия. Т., 1989.
58. Сб. «Особенности обучения и психологического развития школьников 13—17 лет». М., «Педагогика», 1988.
59. Сб. «Психология развивающейся личности». М., «Педагогика», 1987.
60. Синя Иби. Даиниш-наме. Лушабиб, 1957.
61. Синя Иби. Этика. «Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане». Т., 1957.
62. Совет жамиятінің бутун. Саволлар на жаобблар. Тошкент, «Ўзбекистон», 1988.
63. Содиков М. Совет кишисининг маънавий дүйнси. Т., 1977.
64. Соловьев Н. Я. Семья в социалистическом обществе.— М., 1988.
65. Социалистик урф-одатлар — ҳаётта. Т., 1987.
66. Сухомлинский В. А. Тарбия ҳақида. «Ўш тардига», Т., 1977.
67. Сысекко В. А. Молодёжь вступает в брак. М., 1986.
68. Титаренко В. Я. Семья и формирование личности. М., 1987.
69. Тоштемиров Ғ. Социалистик ойла. Т., 1977.
70. Турмушда тежамкорлик сирлари. Т., 1989.
71. Узодов Х. Ширин сез — жон озини. Т., «Ўзбекистон», 1987.
72. Узодов Х. Тарбияда кўз чўтимас» киррадар. «Ёш ленинчи», 1987 йил 27 февраль.
73. Узодов Х. Ойлада ота обрёси. «Ёш ленинчи», 1987 йил 12 июль.
74. Узодов Х. Бола азиз, одоби уйдан калт. «Ёш ленинчи», 1981 йил 11 декабрь.
75. Усмонов Р. Одобона. Т., «Ўқитувчи», 1985.
76. Усмонов Р. Фарзанд — умр менаси. Т., «Ўқитувчи», 1972.
77. Усмонов Р. Диляна. Т., «Ўқитувчи», 1982.
78. Усмонов Р. Яхшилик шароғати. «Ёш ленинчи», 1989 йил 11 июль.
79. Фазилов М. Мәқола ва ҳикматлар — коммунистик тарбия қуороли. Т., 1970.
80. Ҳайруллаев М. Форобий ва унинг фалсафий рисолаларин. Т., «Фан», 1983.
81. Ҳайруллаев М. Уйлониш даври ва Шарқ мутафаккирлари. Т., «Ўзбекистон», 1971.
82. Ҳайруллаев М. Из истории изучения наследия Фараби. «На философского наследия народов Востока», Т., «Фан», 1972.
83. Харин А. Г. Брак и семья в СССР. М., 1979.
84. Ходаков Н. М. Молодым супругам. М., 1989.
85. Чекалин В. Семьи во ойла. Т., 1965.
86. Шаритов А. Абу Райхан Беруни. «Из философского наследия народов Востока». Т., «Фан», 1972.
87. Юлпакий А. Ҳибатул-ҳақобаий. Т., 1971.
88. Янги турмуш — юғын алғышалар. Т., 1973.
89. Ўзбекистон Республикасининг инкоҳ ва ойла тўғрисидаги колекси. Т., «Ўзбекистон» 1977.
90. Ўзбек ҳалқ мақоллари. Т., 1989.
91. Қанотли сўзлар. Т., «Ёш гвардия», 1986.
92. Қулагуг билимлар ҳақида. (Юсуф Ҳос Ҳожиб ҳақида). «Ўзбекистон адабиети ва салынати», 1989 йил 4 август.
93. Ҳамза Ҳакимзода Низамий. Педагогик рисолалар. Ҳамзә, II том, Т., 1980.
94. Ҳикоят ва ривотлар. Т., 1983.
95. Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадгу билг. Т., «Фан», 1972.
96. Ҳоназаров Қ. Ижтимойи ҳаёт ва юғын урф-одатлар. Т., «Ўзбекистон», 1987.
97. Ҳотимтой. Ҳотаминча. Т., 1988.

МУГДАРИЖА

Кириш	3
Биринчи бўлим	9
Ўрта Осиё мутъфаккирларининг ахлоқ, одоб ва онла ҳақидаги қарашлари	17
Иккинчи бўлим	33
Ўспирниларни турмуш қуришга таберлаш	33
Ўспирин ахлоқи ва руҳноти	33
Ўспирниларни турмуш қуришга таберлаш	48
Савғи — муреккаб, юксак иноситий туғтуг	66
Училни бўлим	78
Ойлабда мислий хусусиятлари	78
Ўзбек халқининг этикасиюлогини	78
Тўртнини бўлим	87
Ойлаб бола тарбияси	87
Ойлаб бола тарбиясининг педагогик-психологик хусусиятлари	87
Ўзбек онласининг тузилиши ва шахслароро муносабатлари	98
Бола фоминтини ташкил қилинада ойланинг роли	106
Ойлабда ахлоқий ва маданият малакаларини шакллантириш	113
Адабиётлар рўйхати	126

На узбекском языке

**ХАЙДАРАЛИ УЗАКОВ, ИРГАШ ГАЗИЕВ
АБДУМАНИАЛ ТАДЖИЕВ**

ЭТИКА И ПСИХОЛОГИЯ СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ

**Учебное пособие для учителей общеобразовательных школ, СПТУ
и средних специальных училищ**

Ташкент «Ўқитувчи» 1992

Махсус муҳаррир *T. Мақсадов*

Муҳаррир *M. Аҳмедов*

Балинӣ муҳаррир *F. Искандаров*

Техник муҳаррир *T. Грешникова*

Мусаваҳиҳлар *A. Одилов, L. Мирзаҳмадов*

ИБ № 5988

Тернишга берилиди 24.02.92. Боснишга руҳсат этилди 20.06.92. Формати 60×90¹/16.
Таймс гарнитураси. Кегли 10 ишонсиз. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.л. 0.0.
Шартли кр.-отт. 8,25. Нашр. л. 8,81. Тиражи 300000. Буюртма 2490.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навонӣ кӯчаси, 30. Шартиюма 12-173-91.

Ўзбекистон Матбуот давлат қўнимасининг Тошполиграфкомбинати. Тошкент,
Навонӣ кӯчаси, 30.

Ташполиграфкомбинат Госкомпечати Республики Узбекистан. Тошкент,
ул. Навон, 30. 1992.